

R 496

1968/1

ГУЛИСТОН

Экз. №2

Handwritten initials and marks

1 (13) • 1968

Духи ил булан!



ОЛОВКОР

Мартен чўғхонаси. Бу оташ қозонга тушган мартин, чўян, боринг-ки „манман“ деган маъданларнинг ҳаммаси қозонга тушган сариёғдек эрияди. Ана шундай дошқозонни қизитиб, темирни қайнатаётган азамат — пўлат қуювчи.

Бизнинг оташхонамиз Бекободда. Адреси: В. И. Ленин номи Узбекистон металлургия заводи. Машинасозлигимизнинг юраги, индустриямизнинг суяги.

Металлурглр шахри деб ном чиқарган Бекободда ёзувчимиз Асқад Мухтор ёзган „Дарёлар туташган жойда“ повестидан. Пўлат қуювчилар дostonидан бизга таниш бўлган замонамиз қахрамонлари яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Ана шу қалби оташлардан бири Шерали Ҳамроқулов. У ўн саккиз ёшининг ёзида, июль жазирамасида улкан оташхонага келган эди. Дастлаб шогирд тушди, кейин ёрдамчи бўлди. Орадан беш йил ўтди. Пўлат қуйиш илмини шотилмай зийдан ўрганди. Кейин устозлар: „Энди сен ҳақиқий пўлат қуювчи бўлдинг“ деб, мустақил ишга ўтказишди.

Йил йилларни қувиб ўтди. Қарабсиз-ки, йигирма уч йилдан буён пўлат қуюди у. Гар жамланса борми, чўғи пўлаттоғ мисол, тоннасининг саногига етиш қийин.

Оташ тафтидан юзлари қизариб, меҳнат терлари маржон-маржон бўлиб турган суратдаги йигитнинг ўткир кўзлари мартен чўғхонасига тикилган. У—коммунистик меҳнат зарбдори. Номи корхона Фахрий китобига битилган, сурати „Хурмат тахтаси“га қўйилган. Ҳам оддий, ҳам донгдор пўлат қуювчи Ш. Ҳамроқулов СССР Олий Советининг депутати.

Ҳа, меҳнат қилган элда азиз.



Ўзбекистон
Компартияси
Марказий
Комитети
журнали



№ 1 январь 1968

УШБУ СОН

Экз
№2

мазмуни

Янги йил маҳсулотлари

Буюк, одамохун

Шаҳар бекаси

„Гулистон“ мушоираси

Догистоним

Апорзорни оралаб...

Одобнома

Октябрь ва Ҳиндистон

Буюк сиймоларимиз

Мўйчинак

МУАЛЛИФЛАРИМИЗ:

Бекмирза Маҳмудов, Ф. Қўқон-
бев, С. Зиёмов, К. Яшин, Н Содиқов,
Рустам Раҳмон, Абдулла Орипов,
Раҳим Аҳмедов, Аҳмад Жабборов,
Рустам Обидов, Насрулла Даврон,
Ҳамид Гулом, Сайёр, Кибрий Қаҳхо-
рова, Расул Ҳамзатов, Эркин Воҳидов,
Э. Тожиёв, Даврон Раҳмонов, Рамз
Бобожон, Г. Бакиёева, Рисолат отин,
М. Тўйчиев, Т. Юсуфжонова, С. Тан-
сиқбоева, Шарофиддин Туробов, Мир-
жалал Усмонов, Р. Норов, И. Тўхта-
хўжаева, Б. Аҳмедов, Анвар Муқи-
мов, М. Худойқулов, Азиз Абдуразоқ,
Адҳам Ҳамдам, Е. Черкасский ва
бошқалар.

Ойлик ижтимоий-саноий,
адабий-бадиий бевакли
журнал.



Ўзбекистон хотин-қизларининг IV съезди аввалги анжумандан буюн ўтган даврда эришилган ютуқларни яқунлади, республика хотин-қизларининг галдаги вазифаларини белгилади. Суратни съезд давом этаётган бир пайтда фотомухбир И. Глауберзон олган.



Ўтган ойнинг 16-17-кунлари республикамиз шаҳар ва қишлоқларида «Пахта байрами» тўю-тантанага айланди. Ушбу суратларда Тошкент отчопаридаги томошалар акс эттирилган.

В. Сироткин фотолари.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармониға мувофиқ Ўзбекистон ССР составида янги Наманган области ташкил этилди.

Барча совет халқи Украина ССР ташкил топган кунининг 50 йиллигини зўр тантана билан нишонлади.

Республика Фанлар академияси «Ўзбек совет энциклопедияси»нинг биринчи жилди (макет)ни жамоатчилик муҳокамасига қўйди.

1968

«Гулистон» музоҳабаси

Ф. ҚУҚОНБОВЕВ,

Ўзбекистон ССР енгил
саноат министри

Инжилобнинг эллик би-
ринчи йили ҳам кийим-
начани мўл-кўл қилиш
удда-кафили бизда. Ил
газламадан қўйилган тик-
тираман десангиз, мар-
хамат, «Наврўз», «Гул-
нора» деган янги хили-
дан олишингиз мумкин;
шоҳисидан кийингиз
келса «Гўзал», «Совға»,
«Востон» деган газлама-
лардан оласиз; хонат-
лас ҳавасмандларига
атаганимиз ундан ҳам
кўп, хилма-хил: «Гу-
листон», «Янбоз», «Дил-

ноз», «Ҳосият» «Одми»,
«Лолахон», «Гулнамоз-
шом», Боринги, ил,
илан газламалар кўпайди,
бултур 216 миллион
метр ил газлама тў-
нган бўлсан, бу йил
222 миллион метр тў-
ниймиз, шоҳи атлас
газламалар эса бултур-
ги 45,5 миллион метр
ўрнига 55,5 миллион
метр тўкилади.

Капрон, ацетат толалар-
идан тўнган газлама-
ларимиз ҳам харидор-
ларга манзур бўлади деб

ўйлаймиз. Бу хил газ-
ламаларнинг тури кўпа-
лди. Тринотан норхона-
ларимизда 345 хил мо-
делга буюм тайёрлана-
ди, бунинг ярмидан кў-
пи янги моделлардир.
Пойафзалнинг хиллари-
ни кўпайтириш билан
унинг сифати, фасонини
яхшилашга катта аҳа-
мият берамиз.

Фаровон турмуши-
гиз, озода хонангизга
рамз бўладиган жонон
чинини идишларни кўпай-
тирамиз.



Корхонанинг бир кунлик маҳсулоти.



Мақтов қозони (диплом) олган ўзи тўккич прицеплар.

Репортаж

„Автомаш“ да бир кун

Бекмирза МАҲМУДОВ,
«Гулистон» махсус мухбири

Бу корхона Иттифоқимиз-
нинг Москва, Ленинград, Ере-
ван, Кишинёв, Таллин, Мур-
манск, Петропавловск, Минск,
Владивосток ва бундан ташқари
Ташкент, Тошкент, Туркманис-
тон, Озарбайжон сингари қўшни
республикаларга ўз маҳсуло-
тини бермоқда.

Хорижий мамлакатлардан —
Бирлашган Араб Республикаси,
Вьетнам Демократик Рес-
публикаси, Куба, Эрон, Жаза-
ир, Мали, Югославия, Болга-
рия, Туркия, Сурия, Покистон,
Яман ва Ироққа енгил вазили
юклар ташийдиган тирнакчи
аравалар юборилган.

Тошкентда яратилган «ТМЗ-

879» маркали автотирнакчи
Москвадаги «Ҳозирги қишлоқ
хўжалик машиналари» халқаро
кўргазмасининг Олтин медали-
га сазовор бўлган.

Корхона коллективи 1957
йил март ойида ilk бор «1»
рақами қўйилган резина гил-
диракли тирнакчи тайёрлаб,
1 Май байрами намоийшига
олиб чиққан эди. Ҳозир бу ра-
қам 180 мингдан ошиб кетди.
Ўтган йилнинг ўзида 31 минг-
тадан кўп прицеп тайёрланди.
1970 йилга бориб бу рақам 45
мингтага етади.

Энди оддий симлардан, кич-
кич-кич гайкалардан яхлит
бир буюм яратиб, жонли ра-
қамлар ҳосил қилаётган завод
шўхратини жаҳонга таратаёт-
ган азамат ишчилар, инженер-
лар билан танишгин. Қани,
юринг, корхона цехларини ай-
ланамиз: чор томон озода. Цех-
ларнинг қоматдор бинолари
пештоқида алвон шпорлар...
Майдонлар яшил ранг, оч куд
ранг бўёғи сергий улгурмаган
янги прицеплар билан лиқ
тўла. Тигиз жойлашганидан
олд қатордаги прицеплар за-
вод дарвозасидан «мўралаб»
турибди. Булар ҳаммаси йил
ҳисобининг чўнг саркитоби,
йиллик илан юз, юзларда ҳан-
да. Ҳамма ёқда янги йил
байрами жозибаси...

Каттакон цех саҳнидамиз.
Пўлат «панжални» кранлар при-
цеп учун эҳтиёт қисм, кузов
ва сеткаларни конвейер елка-
сига ияпти. Бўёқлаш участка-
сида рама ва кузовлар яшил
рангга товланиб чиқяпти. Бу
жйловкор соҳибалари Мария
Мельникова, Галина Файзи-
раҳмоновалардир. Улар кучли
ранг пурнакчи мосламаларда
кунига 60—65 прицепни ранг-
лашяпти. Бир кун, ҳафта, ой
эмас, тўрт йилдан бери ҳавас
билан, иштиёқ билан меҳнат
қилишяпти. Бу вақт ичйда
улар 100 мингтадан кўпроқ
турли маркали прицепларга
жйло бердилар.

Пайвандловчилар цехида ни-
ма кўп — темир-терсақ, маъ-
дан, темирни темирга пайванд-
лаш иши кўп. Ялт-юлт этиб
кўзни қамаштирувчи нурлар,
углероддан чирсиллаб уяёт-
ган учқунлар ёлғири кўп. Пай-
вандчилар сардор Марихон
билан танишдик. У чақдас
йингилардек серҳаракат, чақ-
қон. Мария Волкова ҳар сме-
нада прицепга ўратиладиган
130—150 сеткани бир-биринга
пайвандлаётганини айтди...

Пайвандлаш участкасидан

сал нари юриб, гилдирак гуп-
чаги ва ўқлари йиғув участка-
сига ўтдик. Бошига дўппи, эт-
нига комбенизон кийган йиғт-
ларга рўпара келдик. Танилди-
к: Шосултон билан Эшназар
Содиқов, Ҳар иккиси ҳам сле-
сарь, ҳам тонарь. Коммунисти-
меҳнат зарбдорлари. Ҳар ик-
киси бир смепада 400—500
резина гилдирак гупчақларини
мойлаб, ўз станокларидан ўз-
казиб, ўққа мингизгана уза-
тишяпти. Улардан сал нарида
Анатлий Гончаров булар уза-
ган гилдираклардан соатига
16—17 тасини ўқларга жойлаб
улгуряпти.

Цехдаги дастгоҳларнинг шов-
шуви билан гумбури, одамлар-
нинг гаштли меҳнатига маҳдиё
бўлиб, тепамизга қарамабмиз.
Ахир у ерда сурма кран соҳи-
балари — тайёр деталарни
айтилган жойга элтиб турувчи
қизлар ишлашяпти-ку! Шифт
кранлари тинимсиз силжиб ту-
рибди. Бу баҳайбат механизм-
ни ёшгина қиз Анна Борисова
чаққон бошқаряпти. Рост
гап, унинг ёнига чиқиб бирпас-
гина гурунглашгимиз бор эди,
аммо на илож, уни ишдан чақ-
ғитиб бўлмайдик. Чунки цех-
нинг бир меъёрда ишлаши
унинг аниқ ҳаркатида боғлиқ.
Ўлкан бино этағидидаги қўш-қан-
от яшил дарвозага яқинлашиб
қолдик. Кўз олдимизда боғи-
на биёнини нариги бошидан
бўлак-бўлак қисмлар йиғилиб
тап-тайёр прицеп юзага ке-
либди.

Ҳовлига чиқдик. Майдонлар-
да сиз суратда кўриб турган
қатор-қатор прицеплар. Булар
янги йилнинг дастлабки кунла-
рида тайёрланган маҳсулотлар.
Уларни контролёр эса Эоя
Зюрияева синчиклаб қўздан ке-
чиряпти. Унинг назаридан ўт-
ган прицепларга эса ёриқлар
ёпиштириляпти. Ундаги ёзувини
ўқиймиз:

СССРга ясалган, тезлиги 30
километр, 4000 килограмм юк
элтади. «2ПТС-4-793Т» мар-
кали прицеп. 1968 йил. «Таша-
томаш» заводи.

Шундай корхонанинг маҳсу-
лоти ўзимиздан ортиб, олис-
олисларга ҳам жўнатиляпти.
Корхона ҳали кўп доврўт сола-
ди. Унинг янги цехлари қурил-
ляпти, бу ерда янги хил маҳсу-
лотлар ишлаб чиқариш мўл-
жалланяпти. Ҳали биз корхона
коллективининг ажойиб ишлари
тўғрисида кўп, қувончли ахбор-
отлар ёзамиз. Бунга амин
бўлаверинг.

1968

'гүлстон'
мусоҳабаси

С. ЗИЕМОВ,

Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалиги министри.



Меҳнатнашларнинг моддий-маданий аҳволи яхшиланган сари коммунал хўжалик ходимлари олдида катта, масъулиятли вазибалар қўйилпти. Шаҳар ва қишлоқ ободончилиги ишларига давлатимиз йил сайин кўп маблағ ажратпти. Бу йил ҳам шундай бўляпти. Бунга газга эҳтиёж кучайганидан билиш мумкин.

Республикамиз шаҳар ва район марказларида бултур 140 минг кваттирага газ олиб кирилган эди, бу йил 240 минг хонадонни хушнуд этмоқчимиз. Ҳатто олис ноҳоз ва совхоз қишлоқларига ҳам «зангори олов» етказишни давом эттирамиз.

Шаҳар, қишлоқларни ичимли сув билан тўла таъминлаш — бизнинг жонажон ишимиздир. Ҳозир жуда кўп қишлоқларда водопроводлар ишлаб турибди. Янги йилда яна 172 километр водопровод ўтказилади.

Қизиқ далил: беш йилдин охирига бориб шаҳар ва қишлоқларимизда жон бошига бир кеча-кундузда 200 литрча сув етказиб бериб турадиган водопровод тармоқлари барпо қилинади.

1968

'гүлстон'
мусоҳабаси

В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги олдидан

1920 йилнинг январь ойида Антанта давлатлари — Англия, Франция ва Италия Советлар Россиясини қамал қилишдан ноилож воз кечганларидан кейин, Совет республикаси қисқа муддатга нафасни ростлаб олиш даврига кирди.

Худди шу вақтда Совет Россиясига Уинстон Черчиллнинг жияни, ҳайкалтарош Клара Шеридан меҳмон бўлиб келди. Совет ҳукумати унинг келишига йўлазма берибгина қолмай, Владимир Ильичдан унинг ҳайкалини ясаш учун руҳсат сўраганида, Ильич ҳам розилик берди.

Шеридан Англияга қайтиб борганидан сўнг, у ерда — газета ва журналларда «Москва кундалиги»ни эълон қилди. 1929 йилда Шеридан «Мейфердан Москвага» номли хотира дафтариини ҳам нашр эттирдики, бунда у пролетариатнинг улуг доҳийси Владимир Ильич Ленин билан учрашувлари ҳақида ҳам ёзган эди.

Куйида шу китобнинг бобларидан бири қисқартиб босилади.

БУЮК ИНСОН

Клара ШЕРИДАН

Ленин, китоб ва қоғозлар уюлиб ётган каттакон стол ёнида ўтирарди. Мен кирганимда, у бошини кўтариб, қўлимсиради менга ва қўришни учун ўрнидан туриб, мен томонга юрди. У ўзини шундай тутардики, мен беихтиёр енгил тортидим. Мен унга халал берганим учун узор сўрадим. У яна қўлимсиради-да, яқинда бир ҳайкалтарош унинг ҳайкалини ясаш учун бу кабинетда бир неча ҳафта қолиб кетганини инглиз тилида гапириб берди; бунақанги оғир синовдан кейин, энди бу хил тажрибаларнинг тақдорланишини истамай қолганини айтди.

Қизил аскарлар менинг зарур ускуналаримни келтириб ҳозирлагунарча, Ленин бу ерда хоҳлаганимча ишлашим мумкинлигини тайинлади, лекин уни столи ёнидан қўзгатмасликни шарт қилди.

...Мен ўз ишимга машғул бўлдим. У ўз ишига. Мен ҳатто унинг яқинига келиб циркуль билан баъзи бир ўлчовларни қилганимни ҳам сезмади, гўё у тасом ўзга бир оламда эди. Мен қарий олти соат узлуксиз ишладим... Бутун шу вақт давомида Ленин ўз ишдан бошнини кўтармади, ҳечам тамадди қилмадигина эмас, ҳатто чой ё сув ичмади, чекмади ҳам. Секретарь хотинлар дамба-дам унга турли конвертлар келтиришар, у очиб кўрар, кейин хатлар четига нималарнидир ёзиб қайтарарди. Ниҳоят, телефон жонсиз жиринглаб, электр чироғи ёнганида, унинг чехраси жонланди.

Мен дераза рафида ўтирганимча, ҳамон Лениннинг кабинетида эканимга, эзгу ниятим рўёбга чиққанига ишонгим келмасди. Мен хаёлан бир сўзни тақрорлар эдим. «Ленин, Ленин».

(Давоми 6-бетда).



Доҳий қиёфаси яна бир кинофильмда тараннум этилди. «Она ёди» фильмидан бир кўриниш.

1968

'гүлстон'
мусоҳабаси

Я Ш И Н,

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правленесининг раиси.

Ёзувчиларимиз шонли Оқтибрнинг ярим асрлик юбилейи йилда ижодда янча муваффақиятларга эришдилар. Шоира Зулфия Неру мукофотига, Уйғун ва мен Ҳамза мукофотига, Эркин Воҳидов Ўзбекистон комсомоли мукофотига Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Шукрулло шонли эллик йилликка бағишланган конкурс мукофотларига муносиб топилавлари ҳам енг шимариб ишлаганимиздан далолат.

Катта аяқундан кейин, ёзувчиларимизнинг ҳозирги ижодий қувдалик изланишларига қараганда, ҳис қилмазмики, ижодий осойишталик бўлмаса керак. Чунки, ўнлаб ёзувчиларимиз йирик прозаик асарлар устида ишлашмоқда.

Юбилей олдидан ўзини катта романини эълон этган Ойбек Навоийнинг болагити ҳақида қисса ёзишга киришди.

Шароф Рашидов Мирзакул ҳақидаги кўп томли асарини тугалламоқда. Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Мирзакалон Исмоилий, Иброҳим Раҳим, Шукрат, Раҳмат Файзий, Ҳабиб Нуъмон, Рамз Вобожон, Александр Удалов, Жуманиёз Шарипов ва бошқа ўртоқлар янги романлар устида ишлашмоқда.

Назир Сафаров, Ҳаким Назир, Ўлмас Умарбеков, Учқун Назаров, Саъдулла Кароматов, Мақсуд Қорневлар қисса ва повестларини ёзиб тугаллаш арафасида.

Шоирларимиз н и н г каттакон сафи ҳам насрчиларимизга қадамба-қадам ёндашиб баракал ижод қилишпти.

1968

'гүлстон'
мусоҳабаси

БУЮК ИНСОН

Мана, рўпарамда бу одам ўтирибди: ўрта бўй, камгап, ҳайрон қолдирарли даражада манглайи кенг. Бу — Ленин. Инсоният тарихидаги буюк революция доҳийси у. Қани эди, у мен билан гаплашишга хоҳин билдирса! Ленин у, афтидан санъатга қизиқмайди, мен эсам — санъат одамиман; у буржуазиядан жирканади, мен эсам шу синф вакилиман; у Уинстон Черчиллдан нафратланади, мен эсам унинг жияниман.

Ниҳоят, мен ўзимни дадил тутиб, Лениндан Англияда нима янгиликлар бор деб сўрагандим, у индамай, менга «Дейли Геральд» газетисини узатди.

Эртасига Ленин мени тагин илиқ кутиб олди... Ленин иш маҳалида яна ҳеч гап қўшмади.

Кутилмаганда у бирдан бошини қўтариб менга ялт этиб қаради, назаримда, у мени эндигина пайқагандек бўлди. Кейин, менинг ишимга разм солди, кубиклардан уйча ясаетган кичкина болага қулимсиратгандай қулимсирлади.

— Сизнинг Россияга келишингиз ҳақида эрингиз қандай фикрда? — деб сўраб қолди.

(Эрим тирин бўлганида, у мени талоқ қиларди балки).

— Эрим урушда ўлган, — дедим.

— Қайси урушда?

— Францияда.

— Ҳа, айтгандай! Сизларда фақат бир марта уруш бўлган-а, мутлақо ёдимдан чиқибди. Ахир, биз империалистик урушдан бошқа, яна граждандар урушини ҳам кўрдик. Ватанимизни ҳимоя қилиш учун интервентлар билан жанг қилишга мажбур бўлдик-да.

Кейин, Ленин менга А. Барбюсси ўқинг, деб маслаҳат берди. Кейин бирдан уруш ҳақидаги гапни қолдириб, кунига неча соат ишлашмни суриштириб қолди.

— Ўртача етти соат ишлайман, — дедим.

У, жавобимдан қаноатлангандай бўлди, бир оздан сўнг яна саволга тутди:

— Тогаиғиз, жаноб Черчилл, сиздан мамнун бўлса керак-а?

Бу фикр унга завқ бағишлади, чамамда: у ўзича қулимсираб қўйди.

Мен, Уинстонни ростдан ҳам Россияда энг ашадий душман ҳисоблашадими деб сўрадим.

— У бизнинг ашадий душманимиз, — деди Ленин, — чунки унинг орқасида капитал дунёнинг бутун куч-қудрати, армияси ва саройи турибди.

Мен саройининг аҳамияти унчалик зўр эмас, деб эътироз билдирдим.

У гапимга қўшилишни истамади:

— Қирол бизда ҳеч қанақа роль ўйнамайди дейишни буржуазия жуда ёқтиради. Аксинча, сарой катта роль ўйнайди. У армиянинг олий бошлиғи, бу Черчилл учун ҳам катта гап, ахир бу ниҳоят хизматини ўтайди-да.

Мен эътироз билдириб ўтирмадим.

Кабинетга Калинин кирди. Ленин Калинин билан гаплашаётганида, у биринчи марта деразага ўғирилди. Энди мен уни бутунлай бошқа ёруғликда кўрдим.

Сухбат ҳарқалай кўпга чўзилди, бу менинг ишимга фавқулодда ёрдам бўлди. У, Калинин билан гаплашиб турганида тамомила жонланиб кетди, пешанасини шу қадар тириштирдик, қошлари телага сурилди. Шу дақиқада унинг донолик барқ урган чехрасидаги жиддийликка энгил табассум қўшилиб кетди. У Калининга шундай суқлашиб тикилдики, гўё унинг ўйларини кўзларидан ўқиб олаётгандай эди.

Биз яна холи қолганимизда, мен дадилланиб яна сўз қотиб, баландроқ винтли стулга ўтиришни илтимос қилдим.

Ленин жилмайиб туриб, ҳеч маҳал бунақа балаанд стулга ўтирмагандим деди, лекин ўтирди. Мен унинг рўпарасида чўккалаб, зарур ўлчовларни ола бошлаганимда эса, назаримда у бирмунча ноқулай аҳволда қолди.

Мен унга ўзим ишлаган ҳайкалларнинг фото суратларини кўрсатдим. У буржуа санъатига қарши эътирос билан гапирди, унинг фикрича, бу санъат фақат гўзалликка интилар эмиш. Ленин гўзалликка мавҳум гоё деб қаради. Унинг фикрича, «Галаба худоси»нинг гўзаллигини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди...

— Милитаризм ва уруш, — деди у, — ҳамиша жирканч ва нафратлидир. Буни ҳақрамонлик ҳам, фидоилик ҳам ўзгартиришга қодир эмас. — Сўнг қўшимча қилди: — Буржуа санъатининг хатоси мана шунда: у ҳамма нарсани бўяб кўрсатишга уринади.

Мен унга ўғлим Дикнинг бюсти суратини кўрсатганимда, у диққат билан тикилди ва унинг юзида фавқулодда меҳрибонлик пайдо бўлди.

— Бу ҳайкал ҳам «бўяб» ишланганми? — сўрадим мен.

У «йўқ» дегандай, бош қимирлатди, одатдагича қулимсирлади.

Шундан кейин, у шу сухбат давомида йўқотган вақтига ачинган киши каби, ёзув столи ёнига қайтди ва бир дақиқа ўтар-ўтмас мени ҳам, менинг ишимни ҳам унутди.

Бу ишга тезда берилиб кетиш қобилияти, назаримда, Лениннинг энг буюк хислатларидан бири эди.

Ленин чехрасида ҳукмдорга хос белги йўқ, фақат ҳамиша фикрга чўмган тафаккур эгасига хос ифода бор эди. Ленин менга том маънодаги «доғишман»нинг симболи бўлиб туюлди. Мен унинг сиймосида ҳукмдор шахсни эмас, тафаккур одамини кўрдим.

У, шахсий ҳаётдан тамомила олисда, фикрлар ва мавҳумиятлар оламида яшаётгандек туюлди менга.

Ҳайкал тайёр бўлганидан кейин, Ленин қўлимни маҳкам қисиб, ўз вази-фамни яхши удалаганимни айтиб, ўйлайман, бу иш менинг дўстларимга ҳам ёқади, деди. Сўнг менинг илтимосим билан у ўз расмининг тагига имзо чекиб берди.

(«Молодая гвардия»дан)

1894 йил. Қўқонга биринчи оташ арава келган пайтлар. Каспий денгизи соҳилидан Фарғона водийсигача огир шаронгта темир йўл ётқизиб келган қурувчи солдатлардан бири Александр Чернов бола-чагалари билан Қўқонда яшаб қолади. Аини пайтда Қўқон темир йўл станциясини қуришда хизмат қилади. Александр Черновнинг тўнғич қизи — Ксения йўлда паровоз машинисти Турусов билан танишиб унга турмушга чиқади. Бу ёш йигит қурилишда яхши ишлаганидан Фарғона водийсига етиб келгунча «Обер-машинист» даражасига кўтарилади.

Обер-машинист Турусов ҳимоясида қайнота темир йўл қурилишига бошчилик қилаётган офицерлар олдида бир оз эркинликка эга бўлишди, тез орада уйлик-жойлик бўлишди. Александр Черновнинг ўғли Иван Чернов ҳам почаси кўмағида аввал паровоз кочегари, сўнг машинист ёрдамчиси ва ниҳоят машинист бўлиб етишди.

Обер-машинист Турусов қайноғаси орқали ёшларни тўплаб, машинист ёрдамчи тайёрлаш мактаби очмоқчи бўлади.

Кунлар, ойлар ва йиллар ўтади. Унчага Қўқон темир йўл станцияси обод этилиб, бу ерда депо ҳамда водоканчалар инга туширилади. Темир йўл излари Андиқон шаҳригача етиб боради. Натяжада Тошкент, Самарқанд, Андиқон билан боғланиб, Россия билан алоқа кучайди. Турли рўзгор ашёлари, кийимликлар кўплаб келтирила бошлади. Натяжада Россиянинг бежирим, арзон моллари майда хунармандларнинг қўлда тўқилган-тиқилган матолари ўтмай касот бўлгач, ноилолжидан майда касиблар маҳаллий бойлар қурдирган заводларга ёпланадилар.

Аини пайтда Россиядан инқилобий гоёлари учун бадарга қилинган темирйўчлар юрагидан норозилик пайдо бўлган маҳаллий аҳолига инқилобий рух келтирадилар. Инқилобий ҳаранат даставвал темирйўчлар орасида кучайди. Бу рух темирйўчлардан маҳаллий халқ ишлаётган корхоналарга, у ердаги касиб ишчиларга, улардан эса шаҳар-кишлоқ меҳнат аҳлига тарқалади.

Бу инқилобий ҳаранат иштирокчилари Иван Чернов, унинг ўртоқлари — Александр Бадаев, Михаил Смирнов ва бошқалар бу ёғи Оренбургдан, у ёғи Каспий денгизи бўйларигача паровоз ҳайдаб юриб, Россияда содир бўлаётган ҳар кунги хабарларни пайқаб келишиб халқ орасида тарқатар эдилар. 1905 йил ақинланган сари уларнинг инқилобий руҳи ўсиб бормоқда эди...

Қўқон

ИНҚИЛОБ

ЧИЛАРИ

Солдат Александр Черновнинг уйи социал-демократлар махфий йиғиладиган, инқилобий варақаларни кўпайтириб, ишчиларга ва халқ орасида тарқатиладиган жойга айланади.

Бу турсосия темирйўлчилар стачкаси кунларида машинист Иван Чернов ҳам фикр дўстлари орасида обрўли «вожак» ҳисобланарди. Стачка бошланган кун темирйўлчилар намоёнига чиқадилар. Буларга қарши шаҳар ботхонаси тарафидан «қора гуруҳчилар» («чёрносотенци») отланадилар. Улар оқ подшоининг суратини кўтариб келардилар. Шунда Иван Чернов бошлиқ темирйўлчилар подшоининг суратини тортиб олиб, ерга урадилар ва майдамайда қилиб йиртиб тепкилайдилар.

Подполковник Середа бошлиқ шаҳар жандарм бошқармаси подшо суратини «тахқирлаган» жасур Иван Чернов ва унинг ёрдамчиси Михаил Смирновни алоҳида рўйхатга олади.

Уша пайтларда Иван Черновнинг кенжа синглиси Оля темирйўлчилар мактабида ўқиб юрарди. 15—16 ёшлардаги бу қиз акиси Иваннинг тошириғи билан гектографда турли «прокламация»лар, «воззвание»ларни кўпайтириб беради.

Кунларнинг бирида Оля мактабдан қайтайтиб, казак отлиқлар темирйўлчиларнинг ҳовлиларини тинтув қилиб юрганни кўради. Оля юраги ҳовлиқиб шогангача уйга келса, акиси йўқ, гектографни қаерга яширишни билмай турганида акиси Иван гимназистлар кийимидаги бир қиз билан кўчанинг нариги юзидан бошқоқлаб синглисига қарамаган ҳолда қичиради:

— Оля «дастурхонни» ўраб қудуқча ташла...

Шундай дейдию ғойиб бўладилар. Оля акиси изидан бирпас қараб тургач, ҳушини йиғиб уйига киради, ошхонанинг печкасини куч билан зўрга ўрнидан жилдиради, печка тағидига полни очиб, тешидан пастга тушади, ертўладаги гектографни, қоғозларни дастурхонга ўраб-боглаб зўрга кўтариб чиқади, полни боғидек беркитиб қўйиб, печкани жойига жилдиради, дастурхонни кўтариб чиқиб ҳовлидаги қудуқча ташлайди. Қиз «дастурхон»ни энди қудуқча ташлаб атайин қудуқдан пақирда сув олиб, уйга кирмоқчи бўлиб турганида подполковник Середа бошлиқ сакнзита казак кириб келади:

— Қани Иван Чернов? — дағал оҳангда сўрайди офицер.

— Билмадим. Мен мактабдан ҳозир келдим. Акамга овқат тайёрламоқчиман.

Подполковник имо-шайра билан казакларга бўйруқ беради:

— Тафтиш этинглар! Полларни очиб текширинглар!

Оля мовий кўзларини бақрайтирганча қилч билан қирқилган ёстиқларга, кўрпаларга, полга сочилиб кетган патларга қараб тураверди.

Иван Чернов ёрдамчиси Михаил Смирнов билан қочиб бориб, депо олдиди турган паровозлардан бирининг ўчирилган ўтхонасига яширинаётганида қўлга тушади. Ҳар иккови қочмоқчи бўлганида уларни казаклар ур калтак-сур калтак қиладилар.

Уша кун иккеси қўлга тушган темирйўлчиларни Скобелев турмасига жўнатадилар. Улар орасида ўлар ҳолатдаги Иван Чернов билан Михаил Смирнов ҳам бор эди. Иван Чернов тонг отар чоғида турмада вафот этди. Михаил Смирнов ҳам иккинчи кун иккесини турма касалхонасида жон беради.

Бу воқеа—1906 йилда рўй берган. Иван Чернов Фарғонадаги руслар қабиристонига дафн қилинган.

Александр Чернов ва унинг ўғли Иван, қизи Оля Черновлар Туркистон халқи озодлиғи учун курашган аjoyиб инқилобчилар эдилар. Биз уларни ҳаммиша ёдда сақлаймиз.

Н. СОДИҚОВ.



Когон шаҳар ижроия комитетининг раиси Султоной Ҳасанова.

Шаҳар бекаси

Серқатнов кўча. Биров ишхонасига, биров харид қилишга шошади. Бошқа бирови эса темир йўл станциясини қўзлаб боради. Тўладан келган истарали аёл қора қўл сумкасини осилтириб, охишта юриб боради. Утган ҳам, кетган ҳам унга эҳтиром билан салом беради. Аёл ҳаммаининг саломига хиёл эғлиб бош иргайди, аҳён-аҳён ўткинчилардан ҳол сўрайди.

— Иван Сергеевич, тунов кунги иш нима бўлди?

— Раҳмат, Султоной, битириб олдим.

— Салом, Олечка, болангни яслига жойладингни?

— Ҳа, раҳмат, опажон. Сиз бўлмаганингни...

— Тимофей Петрович, кўчатларга сув қўйилмабди-ку?

— Кечирасиз, ҳозир ўша ишга боралман...

— Ҳой, тўхта! Қандай уятсиз хотинсан, Мария! Мағзавани кўчага тўқасанми?

Мария бошини куйи солганча миқ этмайди. Қора қўл сумкали аёл қаттиқ дашном бериб, иккинчи марта бу хил номаъқулчиликни қилмасликка сўз олади-да, йўлида давом этади.

Султоной Ҳасанова кўнчиша шу йўлдан шаҳар ижроия комитетига боради, шу йўлдан қайтади. Гоҳо ён кўчаларга ҳам кириб ўтади. Хиббонларнинг озодлиғи, дарахтларнинг сув ичган-ичмаганлиги, ҳовлиларнинг суирилган-суирилмаганлиғи унинг назаридан ўтади. Бирон камчиликни кўрса ўша ерга стул қўйдириб ўтириб олади-да, одамларни чақиради, камчиликни тузаттиради. Сўнг ишга жўнади.

Шаҳар аҳли уни «Опа» дейди: катта ҳам, кичик ҳам. Негани у шаҳар бекаси — ижроия комитет раиси. Сакнз ёлдан бери. Сакнз илдан бери салкам қирқ минг аҳолига эга бўлган шаҳар ҳаётга бош. Катта-кичик корхоналарнинг ишлаб чиқариш планидан тортиб, шаҳар ободончилиғи, боғча-ясиллар, нафақалар, оилавий жанжаллар, нонинг сифатино, шамолда қулаган дарахтни нима қилиш кераклиғи — ҳамма-ҳаммаси шу опахон билан битади.

Бу обрў-мартабанинг узоқ йўли бор. Вақтининг, фурсатининг эл ишига аямай, тун-кун халқнинг оғирини енгиб қилиш ташвишида бўлгани, кишиларни ҳузуридан ноумид қайтармагани, «ширин таомининг бўлмаси ҳам, ширин сўзининг бўлсин» қабилинда муомала қилгани, яхши ишнинг қонинда, ўлим-ийтимнинг бошида тургани туғайли мана шу мартабага эришгани рости.

Когон — саноат шаҳри. Унинг аҳолиси — пролетариат халқи. У ҳақгўйликни, дангалликни ёқтиради. У «қани, тура турингни, ўйлашиб кўрамиз», «эртгагача сабр қилингни» каби мужмадликни ёқтирмайди.

Унга «Ҳа», ё «Йўқ» дейиш керак. Бирок, «Ҳа» турганда «Йўқ»га бало борми! Султоной Ҳасанова узининг «Ҳа»си билан, «Укажон, акажон, қизингиз!» деган ширин сўзи билан когонликлар дилидан ўрин олади.

Шаҳар ижроия комитети раислиғига сайланган йили Бухоро область Совети депутатлиғига унинг ҳам номзодини кўрсатишди. Уша сафар икки минг икки юз ўттиз сайловчидан берк юз ўттиз биттаси унга қарши овоз берди. Бу ҳол Султонойни хижолат қилиб, анча ташвишга солди. «Наҳотки, сайловчиларимга манзур бўлолмасам, уларнинг дардига ҳамдам бўлиб, ташвишини енгилтолмасам?» дерди эили. Ахир, ўзи ҳам бир маҳаллар шулар сингари оддий ишчи эди-ку. «Озод Бухоро» нашриётига ҳарф терувчи бўлиб кирганида ўн уч ёшли ўсмир эди. Ўқиди. Бора-бора маъсўл вазифаларда ишлади. Партия ташкилотларида тажрибали раҳбарлар қўли остида одамлар билан ишлаш санъатини эгаллай борди. Ниҳоят, Москвада ўқиб қайтди. Москва татлимини уни даялд ва ишчан бўлишга, қийинчиликларни енгиб ўтишга ўргатган эди.

Султоной ҳормади, эринмади, ўксимади — тиришди. Шаҳар идораларининг бошлиқлари билан, активлар билан, оддий меҳнаткашлар билан яқмама-яқма, юзма-юз танишишга, уларнинг ўй-ниятларини билишга қизиқди. Арз-шикоят кўтариб келганлар билан ўзи гаплашди, оила ва қўни-қўшини жанжалларини ҳал этингча ўзи борди, кўчалар, кўприклар, уйлар ремонтни пайтинда иш тепасида ўзи турди, шаҳардаги ҳамма хонадонлар тўла-тўқис газлашмагунча тиниб-тинчимайди.

Одамлар кўр эмас: ишлаганини билишадди. Ҳожатмандлар энди тўппа-тўғри унинг ҳузурига келишадди. Султоной Ҳасанова хонасининг эшиги ҳаммиша очик. Идорасида боролмаганлар у билан кўча-кўйда бемало гаплаша олади. «Менинг идорам бор, арзингни бўлса ўша ерга бординг» деб писанда қиладиганлардан эмас у.

Мана, охириги сайловда шаҳар бекасининг номзоди ҳам Когон шаҳар Советига, ҳам Бухоро область Советига кўрсатилди. Унинг кадр-қимматини билган сайловчилардан биронтаси ҳам Султоной Ҳасанова номини ўчирмади. Бу — Когон ишчилар синфининг унга бўлган ҳўрмати, унга кўрсатган ишончи белгисидир.

Шаҳар бекаси катта кўча хиббонда боради. Утган ҳам, кетган ҳам унга салом беради. Султоной опа эса ҳар галгидек хиёл эғлиб, ҳамшаҳарларидан мукофот олаётгандек қўллуғ қиладди.

Рустам РАҲМОН.



АБДУЛЛА

ОРИПОВ.

Арманистон

Ватаним кўшга кўксини очиб
Осиё кўйида яшнаган бўстон.
Мен бунун дарёлар, тоғлардан ошиб,
Кучоғингга келдим, гўзал Ҳаястон.
Бир ёнингга турар оқсоч Арарат,
Тоғлар тасбеҳининг гавҳар донаси.
Нима ҳам дер эдим, гўзалсан фақат
Эй сен арман юртин гамгин онаси.
Бир ёнингга эса Севандай бахр,
Мисоли булутлар ичида қамар.
Арман ҳасратлари бари бундадир,
Бундадир Мажнуннинг дўсти Ахтамар!
Бунда Сосун ўғли кезиб юрибди,
Отдан тушган эмас ҳамон фидоий.
Минг йиллик гамлардан сўйлаб турибди
Гарни харобаси, Звартноц жойи:
Гўзал Арманистон, эй қадим диёр,
Эй одам Атонинг ўғай боласи.
Қанча кўп дарбадар фарзандларинг бор,
Барининг кўксига унингч, ноласи.
Уч бўстон булбули Саят Нова бу,
Кўлида сози-ю, қалбида алам.
Туманин юртим деб чекнада қайгу
Арман қисматиға йиғлади олам.
Чаренц таъналардан ҳайинмай таир
Шеърят кўнида кўтарди ялов.
Ҳайхот бу зотин ҳам ёндирди охир
Узи муқаддас деб сингинган олов.
Гўзал Арманистон, мени афв эт,
Давом йўқ шуҳратинг овозасига.
Сен билан турибман бунун бетма-бет
Бош уриб Ереван дарвозасига.
Буюк фомиангнинг гувоҳи эрур
Жаҳон пучмоғида ҳар етти тараф.
Йўл усти сенга ҳам кўнганди Темур,
Сени мутаб ётди неча йил араб.
Афсона ошиғи буюк Иснадар
Саройларинг бузди эрманка фақат.
Дунёга тўзғидинг бамисоли пар,
На салжуқ, на Чингиз қилмади шафқат.
Тозига чап бериб қочган ҳар тулки
Арман тупроғини бўяди қонга.
Босқинчи сўзининг маъноси шулки,
Нонга тўйганда ҳам тўймак манонга.
Тарих деб аталган қисмат бу ахир
Қошида юз тубан ҳаттони худо.
Кимни у камситиб этмаган таққир,
Кимни у юртидан қилмаган жудо.
Менинг ҳам ватаним жанглар гувоҳи,
Менинг ҳам тупроғим топталганди хор.
Менинг ҳам руҳимда аждоқлар охи,
Менинг ҳам қонимда қилич зангги бор.
Минорлар эмас бу — фалакка қасам,
Қасоскор боболар нетмишлар санчиб.
Мен тортган гамни ҳам бир-бир санасам
Улик фиръавнлар кетарлар салчиб.
Яхшиям неча бир замонлар ўтиб,
Кўрдин ватанимиз озод, музаффар.
Гўё таъна тошин саногий битиб,
Тарих солқонидан тушган каби зар.

1 Ахтамар — Мажнунсифат ошиқ образи.

2 Гарни, Звартноц — қадимий ибодатхоналар.

3 Арман халқининг катта бир қисми тарих та қозоси билан бутун дунёга сочилиб нетган.



Нечун тимқорадир арман кўзлари

Нечун тимқорадир арман кўзлари?
Ҳассос табиатнинг сеҳримикан бу?
Ё гўзал бўлсинлар арман қизлари
Деган оналарнинг меҳриминан бу?
Йўқ бу меҳр эмас, сеҳр ҳам асло,
Бу кўзлар ўз-ўзин айлаб кўяр фош.
Йигидан бўлармиш кўзлар тим қаро,
Ҳеч ким арманчалин тўнмаган кўз ёш.

Ереван кўчасида

Солминахонимга

Мен Ереван кўчасида озар қизин учратдим,
Умрим бўйи илк мартаба дуч келдим мен рўёга.
Йўқ мажусий эмас эрдим, ленин суратдай қўтдим,
Биродарлар, бундай гўзал келмаган ҳеч дунёга.
Бенор бўлди интидорим, бенор бўлди юрагим,
Бенор бўлди шеърятим ул гўзалнинг қошида.
Бенор бўлди савҳатим, бенор бўлди юрагим,
Бенор бўлди Ереван ҳам туйғулар талошида.
Еш умримни тарозуга солиб аста қарайман,
Ешлик ва шеър бу дунёнинг азалабад тимсоли.
Менку шеърни тўқимоққа сал-палгина ярайман,
Ленин сенсиз йиғлаб ўтгум Самад Вургун мисоли.
Озар қизи, нега менга зарра қиб боқмадинг,
Бошим узра турар эди Ўзбекистон сурати.
Озар қизи, нега менга гулларингдан тақмадинг,
Фузулийнинг даҳосига ҳурматининг хурмати.
Тақдир деган подшо бўлса ошинларнинг холи танг,
Қаблларга олиб кетар мени ҳам бу йўлларим.
Тиланларим бажо бўлур ва ленин сен бўлмасанг,
Бамисоли Иснадардай очиқ кетар қўлларим.

Бир тола соч

Алвидо деб қўлларимга бойладинг бир тола соч,
Ошиқ аҳли ичра кимни сайладинг, бир тола соч?
Қолди умрим доми ишқда, соч каби ҳолим забун,
Толеними тола-тола айладинг бир тола соч.

Севак кўли

Севак кўли, сенга айтар икки оғиз гапим бор.
Ушбу сўзим сенга гамдош бир юракнинг матраби.
Арманистон осмонидай пок экансан, бегубор,
Рухсорингда гард йўқ экан арман тупроғи наби.
Майли, сенинг оғушингдан Зангу оқмасин асло,
Майли, мовий сувлар билан қайта лим-лим тўлмагин,
Севак кўли, руҳсоринга губор қўнмасин аммо,
Қуриб қолсанг қуригин-у, ленин нопои бўлмагин.

1968

7 гулистон
мусоҳабаси

Раҳим АХМЕДОВ,

Ўзбекистон Рассомлар
союзи правлениясининг
раиси.

Ўзбекистон рассом-
лари ўтган юбилей йил-
да манзур бўларди
тўғналар тайёрлашди.
Шодиёна кўргазмасида
уч мингдан ортқ асар
намоиш қилинди. Шу-
лардан мингтаси «Со-
циалистик Ўзбекистон»
тасвирий санъатда»
кўргазмасига қўйилди
ва бир қанчаси Бутун-
иттифоқ юбилей кўргаз-
масидан муносиб ўрин
олди.

Республикамикимиз мўй-
қалам усталари ижод
этан қатор асарлар ўт-
ган йили Минск ва Мос-
квада, Белград ва Бу-
дапештда, Монреалдаги
«ЭКСПО—67» ва Бра-
зилиядаги «Биенале—
67» халқаро кўргазма-
ларда ҳам намоиш қи-
линди.

Бу ютуқларга эришиш-
мизда, айниқса мўй-
қалам расм чизини,
графика суратқилиш
усталари катта ҳисса
қўйди.

Ҳозир ҳар бир ижод-
корнинг устaxonасида
иш қизғин бормонда.
Улар янги йилда янги
илҳом билан меҳнат
қилмоқдалар.

Тасвирий санъат у-
сталари олдига яна ул-
тан, шарафли ва масъ-
улиятли вазифалар ту-
рибди. Асосий вазифа-
ларимиздан бири улду
доҳирини Ленин туғил-
ган куннинг 100 йилли-
ги шодиёнасига ташкил
этиладиган юбилей кўргаз-
масига катта ҳозир-
лик қўришдир.

Рассомларимизнинг
янги асарларидан иборат
темагик ва ижодий
ҳисобот кўргазмалари
ташкил этилади. Айни
вақтда областларда
кўчма кўргазмалар ҳам
мунтазам иш олиб бора-
ди. Республикамикимизнинг
меҳнат аҳдлари тасви-
рий санъат усталарининг
янги асарлари билан
улзуксиз танишиб
борадилар, истак ва му-
лохазалари билан ўр-
тоқлашадилар.

1968

7 гулистон
мусоҳабаси

Ҳамза мукофоти лауреатлари

Куш уясида кўрганни қилади, деганларидек
у ёшликдаги қўн санъат қошонасига қараб та-
линиди. Яйра ақлини таниган қонданқота-
оғасига юрчи-туршида, хатти-ҳаракатда тақдир
қилишига одатланди.

Кейинчалик, у катта саҳна даргоҳига муно-
сиб бўлиш учун кўп ўқиди, изланди, устодлар-
дан асло тортинмай сабот билан ролни ижро
этиш сирларини ўрганди. Дастлаб, Яйра Тама-
рахонум, Мукаррама Турғунбоева каби она-
хонлари билан Улғу Ватан уруши йилларида
жангчилар ҳузуринда қўйиб берилмаган кон-
цертларда қатнашди. У катта санъат саҳна-
сига чиқишини Уйғуннинг «Тинчлик қобутири»
шеърини ёддан ифодали ўқидан бошлади.
У пайтларда ёш, олов қиз эди...

Йиллар, қанчадан-қанча сувар оқиб ўтди.
1949 йилда Тошкент давлат театр-рассомчилик
институтини имтиёзли диплом билан тамомла-
ди. Сўнг Ҳамза номи Академик драма
театридек катта даргоҳга тақдир этилди. Қиз-
гин актёрлик фаолияти, изланишлар, қийинчи-
ликлар бошланди. СССР халқ артистлари Са-
рахоним Эшонтураева, Олим Ҳужаев, Наби Ра-
ҳимовлар даврасида актёрликнинг энг ножиқ
сирларини эгалай бошлади. Яна йиллар ўтди...
Энди-чи, энди Яйра Абдуллаева номини мил-

САҲНАМИЗ
МАЛИКАСИ

лионлаб санъат ишавандалари ифтихор билан
тилеа оладиған бўлди. Бузун ўтган йилларга
назар ташлабдек бўлсак биз, Яйра она та-
қинида «Алишер Навоий»да Гули, «Қўтлуғ
қон»да Гулнор, «Шоҳи сўзана»да Ҳафиза, «Хо-
лисон»да Халисхон, «Қирол Лирьда» Речена
каби кўнлаб тўлақонли, ёрқин чиққан образлар-
ни кўрамиз. Ўз маҳорати, таланти билан энди,
у ўзбек саҳнаси юлдузлари даврасидан фахрли
ўрин эгаллади.

Яйра Абдуллаева ўз қобилиятини кино ак-
тёрликда ҳам синаб кўрди. «Бой ила хизматчи»
да Гулбаҳор, «Опа синели Раҳмоноваларда»
Дилдор, «Стадионда учрашамиз»да Рағно ва
«Ҳамза» фильмларида Саодат ролларини ижро
этиб, катта муваффақият қозонди.

У узига нисбатан гоят талабчан, толмас ва
ўткир кузатувчан санъаткор сифатида волега
етди. Ўз меҳнати, маҳорати билан ўзбек театр
санъати ва кино тараққитига муносиб ҳисса қўш-
моқда.

Катта ҳурматга сазовор бўлган хизматла-
рини халқ, Партия, Ҳукуматимиз Ўзбекистон
ССР халқ артисти деган шарафли унвон билан
муносиб тақдирлади. Яйра она бор маҳора-
тини ишеа солиб ҳормай-толмай сабот билан
ўз юрти, халқи хизматида бўлайтган нозик
дидли, нафосатли санъаткорларимиздан бири.
Яйра онамизни Ҳамза номидаги давлат муко-
фоти олгани билан ҳам қизгин табриклаймиз.

Рустам ОБИДОВ

НАВОИЙ ХОНЛАРИМИЗ

А. Навоий юбилейи

олдидан

Навоий ижодий мактабининг
улдуғлиги фақат шоирларни, ада-
биётшуносларни, тарихшуносларни-
нигина эмас, балки оддий киши-
ларни — ҳар бир касбга мансуб
бўлган одамларни ҳам ўз бағрига
тортган. Албатта, бу ғуруҳда
Навоий азалдан севган меҳнатқаш
халқ — темирчилар ҳам, мемор-
лар ҳам, деҳқонлар ҳам бўлган.
Шоирлар шоири Алишер Навоий
дostonларидаги ўлмас образлар,
ғазалларидаги чуқур мазмун кашф
этувчи, юракни қитиқловчи, хур-
рамлик бахш этувчи сўзларининг
мафтунли бўлган бу одамлар, маъ-
лум Ингилишлар ташкил этиб,
шу Ингилишларда яхши хонишлар-
га Навоий асарларини ўқитиб тинг-
лаганлар. Уларнинг Ингилишлар
ҳар куну (айниқса қиш кезларида)
кечтурувлари давом этган.

Бундай Ингилишларда — деб
айтган эди марҳум шоиримиз Аб-
дулхамид Маждидий, — маълум бир
ғазал ўқилган, уни тинглабгина
қолмай, мазмунини ҳам ечилар эди.
Бадий адабиётнинг воситалари
бўлиши — сифатлашлар, киноялар,
сўз ўйинларининг маъноси ўргани-
лар эди. Мен ҳам шундай ўтириш-
лардан бирининг гувоҳиман:

«1913 йилнинг эрта баҳоринда
қўшнимиз Раҳматилло мискар гап
зиёфати берган эди. Биз бир тўда
болалар мана шу зиёфат берилган
қовлида ўйнашиб юрар эдик. Бир
вақт уй ичиде бир кишининг ба-
ланд овоз билан шеър ўқибетган-
лигини эшитиб қолдик. Дарров уй
деразаси ёнига тўланиб, қўлоқла-
римизни динг қилиб уни тингла-
дик. Болалар ўртасида шеър ўқини,
тинглашга ниқибоси мен эдим. Қа-
расам, ғазал ўқибетган маҳалламиз-
да Усербек қорн номи билан маш-
хур бўлган киши экан. У, ғазалини
шу қадар ғўзал, шу қадар таъсир-
ли ўқирдики, зиёфатда ўтирган
жамоат аҳли уни мароқ билан
тинглар эди.

Меида ҳам улду шоир Навоийга
нисбатан ҳурмат, унинг асарлари-
ни севиб ўқини шул пайддан бош-
лаган».

Навоийхонлар Самарқанд, Бухо-

ро, Тошкент, Қўқон, Фарғона, Ан-
дихон, Наманган, Хива каби катта
шаҳарларда бўлганлар. Булар
асосан уч тоифага бўлинганлар.

Навоийхонларнинг биринчи тои-
фадагилари Навоий ғазалларини
ёдлаб олиб, катта ғазал, зиёфат,
улфатлар Ингилишда ўқиб берар
ва шундан завқланиб юрар эдилар.
Яъни шу тоифадагиларни Навоий
ғазалларини ўқининг хумориси
тутиб турарди. Иккинчи тоифага
мансуб бўлган Навоийхонлар-чи?
Навоий асарларидаги сўзлар маъ-
носини таҳлил этиб, ўзга одамлар-
га тушунтириб беришини яхши кўр-
ганлар. Албатта, бундай одамлар
айниқса Навоий афоризмларидан
кўпини ёддан билар эдилар. Учин-
чи тоифадаги Навоийхонлар На-
воий ғазаллари, дostonларини ифо-
дали ўқини санъатини эгалаб ол-
ган эдилар. Булар Навоий мух-
лислари Ингилишда асар текстин-
нинг ўзидан ўқиб берардилар.

Бироқ юқоридеги Навоийхон-
лар тоифасига Навоий ғазаллари-
га муҳаммаслар боғлаган, назирлар
ёзган шоирлар кирмас эдилар.
Улар бу тоифалардан мутасно
бўлганлар. Навоийхонликнинг ўзи-
га хос тарих бўлиб, масалан, Са-
марқанд шаҳрида Навоийхонлик,
шоирнинг ҳаётлик давридан бош-
ланиб, ўтган беш аср давомидан
то Улғу Октябрь революциянгача
давом этган.

Қолган шаҳарларда эса XVIII
асрнинг охиридан сезиларли фор-
мага айланганлиги маълум. Айниқ-
са XIX асрнинг биринчи ярмида
Қўқон хони, талантли шоир Амир
Умархон ҳукмдорлиги давридаги
Навоийхонликини ўзбек адабиёти
тарихида алоҳида назарда тутмоқ
зарур.

XVIII асрда Самарқанд шаҳрида
яшаб ўтган ҳошвагар Зоҳир Солиҳ

ўғли, кулоллик билан шуғулланган
Кибрий Абдураззоқ ўғли Навоий
«Фарҳод ва Ширин» дostonининг
айрим парчаларини ўзаро сўхбат,
Ингилишларда ёддан ифодали ўқиб
юрганлар. Қўқонлик мискар Мад-
умар Қобил ўғли, Тароқчи Мирсо-
ли Боқийов ўғли, саргарош Убай-
дулло Абдулла ўғиллари Навоий
ғазалларини куйга солиб, ашула
тариқасида айта олмаган бўлсалар-
да, ёддан яхши ўқиб, унинг чуқур,
бой маъноларидан завқланиб юр-
ганлар.

XIX асрда Марғилон шаҳри-
да яшаб ўтган туқувчи Соатилло
Абдулмавлон ўғли эса «Ҳайратул
абсор» дostonини, Болтаали Хай-
риддин ўғли «Маҳбубул қудуб»
асарларини доимо ўзлари билан
бирга олиб юрганлар ва тўғри кел-
ган ерда кенг жамоатчиликка ун-
дан парчалар ўқиб берганлар.

Биз билан бир асрда яшаб 1930
йилда 78 ёшда вафот этган Қўқон-
нинг Авдонбой қишлоғлики Исмоил
Сафо деган борбонда Навоий асар-
ларининг эски қўлёзмалари сақ-
ланган. Исмоил Сафонинг ҳозирги
ҳаёт бўлган ўғли, қўшни колхоз-
чи — пенсияер Аҳмаджон Нормат-
овнинг гувоҳлигига кўра Навоий-
нинг ҳаётининг даврида ёзилган
«Девон Навоий» деган китоб ҳам
бўлган. Исмоил Сафо уларга: «Бу
китобни Навоий ўз қўли билан ёз-
ган, дадам Афғонистондан олиб
келган» — деб юрар экан. Аммо
унинг ўлимидан сўнг, бу қўлёзма
йўқолган. Қўқон район Муқддий
колхозининг аъзоси Аҳмаджон
Норматовнинг айтишига Исмоил
Сафо инқилбдан илгариги йиллар-
да Навоийнинг «Золим подшоҳлар»
ҳақидаги сатирик шеърларини,
«Маҳбубул қудуб»нинг айрим хи-
қоияларини ҳамқишлоқларига ўқиб
бериб юраркан.

Айни пайтда ҳамма Навоийхон
бўлиб қолди. Чунки Навоий асар-
ларининг кўнлаб вусхада босилиб
чиқиши Навоийнинг барча хонадон-
ларга меҳмон бўлиб киришига им-
коният туғдирди.

Насрулло ДАВРОН.

Кўшиқ

ҲИКОЯ

Азмиддин Насиба холянинг уйини осонгина топиб келди. Чемоданини кўтариб келган болага янги бир сўмлик узатди:

— Ма, акиси, хўроқанд олиб шимасан.

Бола «меҳмон амаки»дан буни кутмаган, умуман, «чой қақа»га ўрганмаган бўлса керак, қўлоқларигача қип-қизариб кетди, қўлларини орнасига яширди.

— Керакмас, амени, хўроқандни ёмон кўраман.

— Оббо пучуқвоей! Ол, олавер кинога туша-сан, марожни ейсан.

— Раҳмат, пулим бор.

Бола кўча ўртасига тушиб олиб чопганча қочиб қолди.

Азмиддин майда шағал тўкилган йўлкада тураркан, дурустгина нураган пахса деворини, кўк бўёғи анча оқариб қолган бир тавақали эски шикини, унга миҳланган «Олча, 7» ёзувлик яшил тууқани кўздан кечирди, кейин вазиминга ҳалқани эшди кесансига уч-тўрт уриб тақиллади.

— Очиң, кираверинг!— ҳовлидан эркак товуши эшитилди.

Азмиддин эшикни итарди ва чемоданини кўтариб ичкарига кирди.

Ҳовли узун, кенг, шу атрофдаги барча томорчалар каби сердараст эди. Эшикдан ҳовли этагига узун йўлка тортилиб тупроғи шиббалаган, ўнг томондаги очкинда ўрта бўйликина қора қош йигит ер чопарди. У Азмиддинни кўриши билан нетмонини қўйиб тез юриб келди ва меҳмон билан иссиқини кўришида, чемоданини қўлидан олиб, томорча этагиди уйга бошлади.

Олди очиқ айвонга чиқдилар. Янги бўйрало устига гулдор намат ёзилган бўлиб, ююроқча хонтахта қўйилган, атрофига одми чит кўрпачалар ташланган эди.

— Иссиқча қолибсиз-да, меҳмон?— Йигит илтифот қилди.— Қани, кўрпачага марҳамат.— Азмиддин ўтириши билан йигит кафтларини кенг очди.— Қани, бир фотиҳа қилиб юборайлик. Омин, юртимиз тинч, бахтиёр, омадминиз ёр бўлсин.

Меҳмоннинг кўл учларини илгига шунчани тегизиб қўйганини кўрган йигит мийиғида аста кудди ва катта оқ чойнақдан пиёлага яхна қўйиб унга узатди:

— Симириңг, иссиқни босади.

Азмиддин салқин кўк чойни мазза қилиб симириди ва деворга елласини тираб оёқларини чўзар экан, сўради:

— Насиба хола қанилар, ўзингиз ним бўласиз?

— Насиба хола пиллада ишлаяптилар, неч келадилар, агар келсалар... Мен холянинг квартирантиман, исмиңи Эргаш, касбим агроном-энтимолог, билсангиз керак— ҳашаротга қарши курашувчи... Хўш, меҳмон, ўзларидан сўрасан?

Азмиддин почаси тор оч нул ранг шимдаги озгин оёқларини бир-бирига чалиштирганча, бамайлиҳотир ўтирар, қордай оқ нейлон кўйлагининг энглари шимарилган, сал чўзинчоқ чиройли юзи иссиқдан бўртган, лаби устидаги кўнғиздай мўйлови ўзига ярашган, ингичча

юпқа қошлари мутаносиб, тиниқ кўзларида аллақандай сеҳр ўти йилтилларди.

— Исмиңи Азмиддин,— деди у, Эргашга маъноли тикилиб.— ТошМИни шу бу йил битирдим, хирургман. Колхоз касалхонасига лаборантчи. Идорада Насиба хола уйини тайинлашди, ишга яқин деб.

— Жуда соз бўпти!— Эргашнинг қалин қора қошлари тағида йирик қўй кўзлари чақнади.— Жой бемалол, бирга тураверамиз.

— Мен ҳам квартирантман дегм?— Азмиддин қаршисида қордона кўрган Эргашнинг ювила бериб ранги ўчган гимнастерка-шимини, чангдан оқаган этгини кузатар экан, таажкубланиб сўради.

— Ҳа, огайни. Аноийб жойга тушиб қолдим.— Эргаш шавқлиниб ҳиқоқ қилди.— Насиба холамиз бир жаҳон хотин экан. Бешта қизи бор, бешовини ҳам узатиб юборган, учта каттасидан еттига набираси ҳам бор, бири-биридан ширин. Хола кўпинча ўшалар билан. Уйи ёлғиз. Мана, уч ойдан бери шу ердаман. На пул олади, на бирорта совға... Май байрамга ул-бул олиб келган эдим, роса жерикиб изза қилди. «Бог сенкин, обод қилиб ўтиравер!» дейди. Қўламда анави дарахтларни эдим.— Эргаш бог ўртасидаги ниҳолларга қўли билан ишора қилди.— Анжир шафтоли, луччак, уч-тўрт хил олма... Айвон олдини гулзор қилдим. Қаранг-а: атир гуллар очилиб, райҳонлар гилам бўлиб ётипти. Айиниса, райҳонларни севаман: ош райҳон, сада райҳон, ҳожни райҳон, улар ўртасида гултонихўрозлар. Қани, хирурю, айтингчи, юрқани эслатайдими ҳар бири?

Азмиддин қизил гилам юлуқларига ўхшайдиган гултонихўрозларга қаради, ҳар бир гулини, у яхши биладиган инсон юрагига ҳам қиёс қилса бўларди. Лекин Азмиддиннинг ҳозир бу гуллар эмас, ўзи яшайдиган шу ҳовли, уй, ҳали унга таниш бўлмаган қишлоқ қизиниқтарди.

— Бу жойлар жуда зеринарли бўлса керак...— Эргашдан ўсмоқчилаб сўради у.

Эргаш меҳмоннинг илмоқни саволини тушунди шенилли:

— Ҳар нимнинг таъби, дидига боғлиқ,— деб жавоб берди.— Масалан, менга Халқобод жуда маъқул. Ниҳоятда тинч, обод қишлоқ. Одамларини айтмайсизми? Меҳмондўст, самийи қишилар. Уларнинг меҳнатини, фидойилгини кўриб тан берай иложингиз йўқ.

— Тушунмадингиз.— Азмиддиннинг тиниқ кўзларида сеҳрли ўт порлади.— Албатта, қишлоқни шахар билан тенглаштириб бўлмайди. Аммо, иншон фақат меҳнат учун яратилган эмас-ку. Меҳнатнинг роҳати ҳам бўлиши керак. Шундай эмасми, Эргашжон?

— Балли, Азмиддин ана!— Меҳмоннинг ёши Эргашдан кичирок бўлса ҳам, Эргаш уни сидиқидилдан улуғлаб гапирди.— Мана, мени олинг. Касбимни севаман. Колхоз далалари, боғларини ҳашарот, офатлардан халос этаётганимдан, ҳалқинг кўнига яраётганимдан қувонаман. Ишдан кейин мана бу боқча келаман, неч қиради, иссиқ қайтади, мевалар, гулларни парвариш қиламан, кейин ой кўтарилган, олам сунунатга чўмади, китоб ўқийман, радио эшитаман— алғов-далғов дунёнинг юрагига нулоқ соламан, саҳар палла булбуллар сайрай бошлайди...

— Гудан экансиз, Эргашжон!— Азмиддин кафтини хонтахтага уриб ўрнидан туриб кетди.— Юриңг, уйни кўрсатинг, жойимизни тайин қилиб олайлик.

Айвондан рўбару инки эшин уйга олиб кирар, бирида Насиба хола, инкинчисида Эргаш турар эдилар. Инкинчисига кирдилар. Тахта поллик, фанер шифтлик мўъназгина хона экан. Тўрда жез нақшлик сандиқ устига кўрпача-кўрпачалар тахланиб, устига чойшаб ёпиб қўйилибди. Ровлик тоқчаларда чинни, патини, китоблар кўзга ташланади. Дераза тағида темир криват турибди.

— Азмиддин ана, иналовот сизга!— Эргаш криватнинг рухланган қозинини маҳкам ушлаб кўрди.— Мустаҳкам! Мен оямбордан расладушча оспеламан.

— Раҳмат.— Азмиддин девордаги гулдор ёғоч қозинча илғиқин дуторнинг қорнига чертиб кўрди.— Санъатдан бор экан-да?

— Ҳа, унча-мунча...— Эргаш нечундир хиқолат чекиб ерга қаради.

Хона ўртасидаги доира стол атрофига юзмаюз ўтириллар.

— Ҳи... ёмон эмас...— Азмиддин ҳовлидан деразага осилган олма шохидидаги нимқизил меваларни кўздан кечирди.— Роса бўпти-да!— Кейин Эргашга қараб чап кўзини қисди.— Шу катта боғда уч ой депрли ёлғиз турдим дегм? Диққи нафас бўп кетмапсиз-да? Ени, қишлоқ гўзаллари...

— Қўйинг!— Эргаш унинг гапини бўлди.— «Бир кун туз берган афга минг кун салом қил!»— Эшитмаганмисиз? Бу ер, Азмиддин ана, кутлуг. Қўйинге, унақа бепариста гапларни гапирманг!

— Мен фариштадан гапиролман, Эргашжон!— Азмиддин хаҳолаб кулиб юборди.— Узингизни гўллиқна солманг. Биз йигитларимиз, кўнғимиз тула иш, олов... Ҳа, бирортасини севиб қолсан, айбим?

— Севги бошқа, сиз шаъма қилган нарса бошқа!— хиқолатдан Эргашнинг пешанасига совуқ тер чинди.

— Терингиз юпқа экан!— Азмиддин кўзлари ҳасизларча кудди.— Шошмай туринг, Эргашжон, қўлимга тушдингиз, юзингизни очаман.

— Қўйинге, ана!— Эргаш ниғоҳини Азмиддиннинг ўтир қарашидан олиб қочди, гапини



бурди.— Сиз йўлдан чарчаб келгансиз, ҳордин чиқаринг, мен ошга унabo юборай.

— Майли, сиз ошга унанинг, мен ишга бориб келай. Халқобод назалхонасини бир кўрайчи, қанақа экан.

Азмиддин чөмоданини қаровот тагига тиқиб ўйдан чиқиб кетди. У тупроғи шиббаланган узун йўлқадан илдам юриб борар экан, бошига силлини ётган сочи кун нурида йилтилар, аллақандай нотаниш шўх куйни ҳўшатан қилиб чалар, чиройли нооча гавдаси чайқалиб гўё юрган йўлида рақсга тушар эди. Ниҳоят, эшик очилиб ёпилди. Эргаш шундан кейингина айвонга чиқиб, ош масаллигини тайёрлашга киришди. У айвон пешига ўтириб олиб сабази артар экан, ҳозиргина кўчага кетган хирург йиғитни ўйлар, назарида, бу богда одам эмас, балки шамол бир айланб тагин аллақайларга учиб нетгандай туюларди, унга. Бироқ у ҳар қалай шамол эмас, одам. У ҳали-замон қайтиб келадими ва Эргаш билан ҳахона бўлиб туради: бирга овқатланадилар, сўхбатлашадилар, бир уйда ёлма-ён тунайдилар, у ҳали не не хунарлар кўрсатади шу енгил таънати билан...

Эргаш шуларни ўйлар экан, дафъатан қўшни қиз Азиза жонланди.

Апрелининг сўнги оқшоми, байрам арафаси эди. Эргаш Халқободнинг «Тонг юлдузи» колхозига ишга жойлашиб, Насиба холанинига кўчиб келганига энди икки ҳафта бўлган эди. Хола мўлгина ош дамлаб қўйиб, қўшининига чиқиб кетди ва бир оздан кейин Азизани бошлаб кирди. «Азизахон уйда ёлғиз экан, бошлаб чиқа қолдим»,— деди хола ёшларни бир-бирларига таништириб. Кейин у ошнинг озини ларанга сузиб, кўпини тоғорагача босди. Ёшлар билан ош ейишган бўлди-да, тоғорачани дастурхонга туғиб кичик қизининига жўнаб қолди.

Эргаш Азизани ўша оқшомга қадар фақат гойибона танир эди. Насиба хола унга: «Энди ўглим бўлдинг, ўлмасан сени уйлантириб роҳатингни кўраман», дер, қўшниси Сайфи м-робининг қизи Азизани таърифлагани-таърифлаган эди. Азиза бултур ТошМини битириб келибди, туғруқчонда ишлаётганими, совчалари кўп эмич, аммо ҳеч кимни ётирмамас эмич...

Эргаш Насиба холанинг бунақа гапларига унча эътибор бермас, Азизани кўришга ошиқмас, у кўпроқ Тошкентда ёлғиз қолган онаси ва икки укасини ўйлар, тирикчилик ташвиши олдиди бошқа орзу-ҳаваслар унга аҳамиятсиз бўлиб кўринар эди.

Эргашни Азизага гойибона ошна қилган — қизининг қўшинлари эди. Азиза ҳар оқшом ошдан қайтди дегунда Насиба холанинг уйи орқасидаги сердароҳт сўлим богдан қўшиқ эшитиларди. Азизанинг овози кинофильмлардаги ўза бехтини қидирган гўзал актрисаларнинг овозини эслатарди. Айниқса, Насиба хола қизлариникига кетиб, Эргаш ёлғиз қолган қизлар у богда ўй ўйлаб юрадиган, қўшни қизининг қўшигини диққат билан тинглайдиган бўлиб қолди. Уртада ўй бор, дароҳтлар бор, қўшиқ сўзларини англаш қийин, лекин юмшоқ, нозик, дилгир овоз сунукат кўйида енгил сузади, тонг шаббадасидай ёқимли куй гулларга, япроқларга жимгина сингиб кетади...

Эргаш Азизанинг врачлигини билганга қадар уни ашулачи бўлса керак, театрда ишласа керак, отпулкасида қишлоқдаги уйига меҳмонга келган бўлса керак, деб ўйлаган эди. Насиба хола унинг хизматини айтгандан кейин эса, «сиз шундай овоз санъатга насиб қилмабди-да» деб ич-ичдан ачинди.

Нималарни куйларди Азизат Ха, у кўнгли орузларини, ўртаниб соғинишини, ёрининг вафосизлигини, танкорланмас нозик ҳисларни куйларди. Унинг қўшиғи Эргашни ўйга чўлдирар, ўзига ҳам маълум бўлмаган аллақандай армонларни эсига солар эди...

Насиба хола қизиникига кетган ўша оқшом Эргаш билан Азиза богда ёлғиз қолишди. Боталтган қўешдан гўрб уфчи қонталаш, чироқ ҳали ёқилмаган, шафтолиларининг пушти кўрсаткичи ўралган бог сўлими, айвон олдидаги янги гулзорда сершоҳ атир гуллар гўнчаллаб ётарди.

Насиба хола кетиши билан хонтахта атрофида ўнгайсиз бир аҳволда қолган икки ёшми қилишни, нимадан гап бошлашни бил-лишмас, Азиза қовогини уйганча дастурхон полугини ўйнар, Эргаш қўшиқчи қизни зимдан кузатар эди: байрамга махсус тиндирган

«намошошом» нусха хонлаас кўйлагининг кўйраги сирилиб турибди, икки ўрим йўгон соҳ занжирлари орқасида, бошига танганан оқ дурраси чеккаларидан кўнғир кониллари билан-билинмас туртиб чиққан: оққа мойил кулча юз, кўзлари уялинираб кулимсираган; пушти лаблари юпка юзига мутаносиб, чиройли бурни устида реза тер...

— Во ажаб!— Эргаш соддадиллик билан ёқасини ушлади.— Мен сизни ашулачи деб юрибман, дўхтир экансиз...

— Мен ҳам сизни дуторчимсиз деб юривдим.— Қиз унга нафис бир табассум ҳада қилди.

— Ха, энди...— Эргаш бесўнақай нафтларини фотиҳага очди.

— Аввал дастурхонга бир нима девормайликми? Омин, ҳар ким ўз мақсадига етсин.

— Тузуксиз-ку!— Азиза қиқирлаб кулди.

— Йўге...— Эргаш дастурхонни йиғиштира туриб изоҳ берди:— Худого ишонмайману тиланган қолмайман: яхши ниёт — ярми давлат. Юртнинг одати бу. Ахир, биз ҳам деҳқон боласи, ишимиз тупроқ билан...

— Иккаламининг касбимиз, эслида битта, Эргаш ана!— Азиза унга яна беозоргина жилмайиб қаради.— Сиз табиятни доволайсиз, биз инсонни. Шундай эмасми?

— Шундайну-я...— Эргаш қизга пиёла тағида бир қўплагимна чой қўйиб узатди.— Аммо зап овозингиз бор экан-да!

— Айер!— Азиза зарда билан бир силкиниб олди.— Мен гафлатда қолиб айта берибман, сиз эшитиб берингиз-да! Бўлди, энди айтмайман!

Азизанинг «айтмайман» дегани Эргашга «айтаман» бўлиб эшитилди ва қиздан ижозат ҳам сўрамай, қозиндаги дуторни олиб созлай бошлади. Дутор эсин садафлари қорайиб нетган, у Эргашнинг дадасидан мерос, садоси тиниқ, жарангли эди. Йигит қизга нотаниш бўлган сулув куйни бир нафас чертиб машқ қилгандан кейин сўради:

— Бирор нима айтиб берадиларми?

Азиза унга ялт этиб қаради:

— Уятга қўймайсизми?

— Байрам шарофати... Мана учрашиб қолдик...— Эргаш қизининг юрагини қитқиллаш учун ҳар хил оҳанглари нозик черта бошлади.— Нимани айтдилар?

Азизанинг шаҳло кўзлари бирдан сўниб қолди, у чуқур ўйга толган, алланимани эслашга уринарди.

— Фузулийни севаман,— деди у ниҳоят, рўстгүй кўзлари билан йиғитга қарашга боти-ниб,— Куйи... балки, сизга таниш эмас... мен бошлаш, сиз қўшилинг...

— Хўп.

Ҳар оқшом Насиба холанинг уйи орқасидаги сирли богдан келадиган дилрабо овоз эди шу ерда, Эргашнинг қаршисида ўтирган хал-ли сўхбамононинг шакар тилидан майин оқди:

Ақл ёр бўлсайди, тарки ишчи ёр

этимсидим?

Ихтиёр бўлсайди, роҳат ихтиёр

этимсидим?

Лаҳза-лаҳза суратини кўрсайдим ул ширин

лабинг,

Сен каби, эй беситун, ман ҳам қарор

этимсидим?

Ер ила агёри ҳамдам кўрманга бўлсайди

сабр,

Тарки гурбат айлабон, азми диёр

этимсидим?

Ул —ули хандонни кўрман мумини ўлсайди

манга,

Сендек, эй бўлбул, гулистонга гулзор

этимсидим?

Дардим оламда пинҳон тутмоғим

ночордир,

Бўлса чора, бир табибга ошноор

этимсидим?

Эй Фузулий, доғи ҳижронила ёнган

кўнглими

Поллазор очсайдим, сайри элмас

этимсидим?

Фузулийнинг Азизанинг ўзи ўзбек тили талаффузига чала мослаштирган бу газали унинг ўз куйида аниб бир жозоба ва тароват насб этди. Унинг овози бог орқасидан эшитилган овоздан ўн баробар сеҳрли ва таъсирли эди. Қиз қўшигини тугатгач, Эргаш беихтиёр:

— Балли!— деб юборди.— Сиз санъат учун



яратилгансиз, Азизахон! Сизнинг ўрингиз опера театрининг саҳнасида. Хўп денг!

Қиз индамади. У деворга суялганча жим утирар, ҳамон газал, куй таъсирида яшар, ўрпарасидаги йиғитни балки кўрмас, балки, унинг кўз ўнгида бошқа олам, бошқа чаман, бошқа одам жилваланади.

— Кеч бўлди,— деди у, бирдан хаёлдан уйғониб.— Уйга чиқай, дадам келгандир.— Кейин йиғитга яна нафис жилмайди.— Бошқа бир кун чиқаман, дутор чалиб берасиз-а? — Албатта.

Лекин Эргаш Азизани ўша кундан кейин бошқа кўрмади. Ез бўйи — бригадана-бригада юрди, гўза ҳашаротларига қарши курашди, богларни дориларди. У Насиба холанинига баъзи баъзидагина келар, шунда ҳам тунда кириб, тонгда чиқиб кетар эди. Аммо туллар жим-жит, қўшни бог оромда, Азизанинг қўшиғи тинган, олам сунукта қўнган буларди.

Эргаш неча нечаси узоқ бригададан қайтиб келди ва бугун ўзига биринчи марта ҳордиқ берди. У оқшомни, қўшни қиз қўшигини сабр-сизлик билан кутар, у билан кўришишни истар, бу галги учрашувдан ўбдан умидвор эди — Азиза билан яхшироқ танишиб олмақчи, унинг кўнглига кўл солиб кўрмоқчи...

Кутилмаганда гойибдан Азмиддин пайдо бўлди.

Эргаш ошни дамлади, богдан саватга бодринг, помидор, кўк пиез босиб чиқди, шанароб тўграшга ўтирди. Нечундир кўнгли тобора гаш тарта берди. Бунга сабаб нима — кеч кириб қоронғи туша бошлаганими. Еки Азмиддиннинг енгил табиятини — буну у билмас, аллақандай вазмин ўй бошини зил қилиб юборган. Бунинг устига қўшни бог хомуш, Азизанинг қўшиғидан дарак йўқ.

Дарвоқе, Азиза билан Азмиддин бир инстутда ўқишган экан. Балки, бир-бирини танишар? Балки, Азмиддин Азизани бугун ҳам учратгандир, ахир, касалхона билан туғруқхона адир этағидаги ўрикзорда ёлма-ён-ку? Балки, Азмиддиннинг ҳам, Азизанинг ҳам кечинишларига сабаб шудир?

Эргаш шунақа мумкин тахминлар исканжа-сида эзилиб ўтирганда бог эшиги таранглаб очилди ва каттагина қозғоқ пакет кўтарган Азмиддин кўринди. У узун йўлқадан тез юриб келар экан:

— Ош тайёрми, қоринлар ногора чалапти!— деди, чиройли юзи кулгига тўлиб.— Халқобод жаннат экан, Эргашжон! Келганимдан хурсандман! Дорихонага кирдим, фармацевт қиз билан танишдим — исми Малина экан. Ана ҳусну жамолат, ана қадди-қомат!.. Ошга чақирмоқчи бўлдимиз сиздан кўрқим.

(Давоми 28-бетда).

УЙҒУН

Юрак оҳанглари қулоққа чалинади. Шабададай хуш куй оқа бошлайди. «Кўкнинг фонари ўчмасдан туриб» мусавфо қир-адирларга чиқиб кетасан. Майин майсаларнинг ёқимли хиди димоғингга урилади. Саҳарлаб «оригадир Қарим» билан энчи далага чорлайсан. «Назир отанинг ғазабига шериқ бўлб, ўз қаҳрини ота қаҳрига қўшиб, олтин пахтамини бевақи ёнгирдан асраш учун кўксингни осмонга чодир қилиб тўсгинг келиб қолади. Улғу Ватан уруши йиллари — оғир, аяқли йиллар кўз ўнгинга келади. Ўз фарзандларини қомла жананга кузатиб қолаётган муштипар оналар сочини ёлди қошинда. Бор болам, жананга бор, бергай сўтима розиман, жананга галаба билан қайт дейди. Ой бори омон кел, дейди. Марди-майдон йиешлар қўлларига шамишир ва милтиқ тутиб беава ёнга асосиз ҳужум бошлайдилар. Ер фироқидо кўзлари тўрт бўлиб, юлдуздек мижжа қоқмай ўтган маҳбубалар кўз ўнгингизга келади. Уларнинг

юрак дардлари шода-шода марварид бўлиб терилиб ташланади қаршимизда. «Херсонга бурнида сўнги жанг бўлди, сўнги ўқлар унди кўкда вазиллаб, берлинлик ахлаҳнинг холи танг бўлди» деб хабар беради шоир.

Ҳаммининг кўзи гарбга тикилади. Интизор йўл пойлаш, эшик қулафи жарангига қулоқ туттиш бошланади.

Тинчлик... Аммо тинчликни эҳтиёт қилиш керак. Уни ёмон кўздан асраш зарур. Тинчлик учун курашиш лозим. Шоир давримизнинг виждони буюк Ленин партиясига қаттиқ ишонади. Уни тинчлик байроқдори деб атайти. Тинчлик ҳимоясига ўтиб, солдатдек постида хушёр туради.

Коммунизм гулбоғларини маҳэ этади. Тинчлик, бахт, шодлик таронаси созини жаранглатади. Шоир баҳор мафтун, у баҳорни ёрдек эъвозлайди. Зулфини силб эркалайди. Ол ёноқларидан бўса олади...

Буеунги порлоқ кунларимиз шо

диёнаси шоир мисраларида қалқиб юради. Коммунизм — инсониятнинг порлоқ келажиги учун кураш — унинг дарди, йўлга айланади.

Инсон ва инсонийлик туғулари шоирнинг юрагини забт этиб олади. Буюк Алишер Навоийимиз шоирга қўмакка келади. Навоий сиймоси яратилади. Алишеримиз бизга замондош бўлиб қолади. Унинг мўғтабар ғазаллари тилимиздан дилимизга, дилимиздан тилимизга қўчиб мийрон-бийрон сўзлатади. Одама, куйа, ҳаётга ошиқ қилиб қўяди.

Уйғун ака қалами изидан бориб «Олтин кўл»имиз мафтун бўлади. Инсонлигимиз қўшиғини тинчлаб, инсонга «Парвона» бўлади.

Уйғун ака ижоди бизнинг бойлигимиз, унинг китоблари бизники бўлиб қолди. Шу боисдан бўлса керак бу кун Хамза мукофоти билан хасос шоиримизни, моҳир драматургимизни қўтлар эканмиз ўз-ўзимизни қўтлашадек ҳаяжонланамиз. Юрак туғулариимиз тилимизга чиқиб келади: Омон бўлинг, баркамол Уйғун ака!

Ҳотами Тойдан: «Ўзингдан олиҳимматроқ кишини кўргангиз ё эшитганинг борми?» деб сўрайдилар. Ҳотами Той жавоб берибди: «Ҳа, кўрганман. Бир кун қирқта туяни сўйиб қурбонлик қилдим. Сўнг бир зарурат билан далага чиққан эдим, қарасам, ўтинчи бир кучоқ янтоқ кўтариб шаҳарга келипти. Мен унга: «Нега Ҳотами Тойнинг меҳмони бўлмадинг, бутун халқ унинг дастурхони атрафига йирилган-ку» дедим. Ўтинчи шундоқ жавоб қайтарди:

Ҳарни нон аз амали ҳеш хўрад
Миннати Ҳотами Тойи набарад.

Яъни: кимки ўз меҳнати билан нон топиб еса, Ҳотами Тойнинг миннатини эшитмайдми. Мен шу одамни олиҳимматликда ўзимдан юқори деб биламан, дебди.



Бир золим ҳоким камбағалларнинг ўтинини зўрлик билан арзонга олиб, бойларга бир неча ҳисса қимматга сотарди. Доншманд бу одамни кўриб шундоқ деди:

Морий туки ҳарниро бубини бизани,
Е бумки ҳар кужо нишини бинани!

САЪДИЯ ШЕРОЗИЯ «ГУЛИСТОН»ИДАН

Ҳикоятлар

Яъни: сен шундай илонсанки, кимни кўрсанг чақасан, ё шундай бойўғлисанки, қаерга қўсанг қўригасан!

Ҳоким донишманднинг бу сўзидан ранжиди ва галига қулоқ солмади қўйди. Бир кун золимнинг ошхонасидан ўт чиқиб, ўтинхонасига ўт илашдию унинг ҳамма нарсаси куйиб кетди. Донишманд иттифоқо шу кўчадан ўтиб борар экан, золимнинг: «Менинг ўтинхонамга ўт қаёқдан тушди!» деб бақираётганини эшитиб: «Эй золим, бу ўт камбағалларнинг кўн-сидан тушди» деб жавоб берди.



Ардашер араб ҳақимидан: «Бир кунда қанча таом емоқ керак?» — деб сўраган экан, ҳақим: «Юз дирам есанг нифоя» дебди. «Бу қанча куч беради?» дебди Ардашер. «Ўзингиз кўтариб юришинг учун нифо, агар шундан ортиқ есанг, унда сен ўша ортиқча юнға ҳаммол бўласан, холос» дебди ҳақим.

Хўрдан баройи зистану зинр нардан
аст,
Ту мўғтақидни, зистан аз баҳри
хўрдан аст.

Яъни: емоқдан мурод — лшмоқ ва тоатибодат қилмоқдир. сен еса яшшдан мурод — емоқ деб биласан.



Бир савдогар минг динор зарар кўрибди ва ўғлига: «Бу гапни озингдан чиқара кўрма» деб тайинлабди. Ўғли: «Хўп, лекин бу нарсани сир туттишдан мақсад нима, шунини тушутириб беринг» дебди. Отаси шундай жавоб берди: «Агар бу сир ошкор бўлса, менинг бир гафим икки бўлади: бир томондан давлатимнинг камайгани маълум бўлади, иккинчи томондан душманларим эшигиб, суянадилар.

Мағу андўхи ҳеш бо душманон
Ки «лоҳавл» гўянд шодинунон.

Яъни: ҳасратингни душманларингга айта кўрма, улар суюниб «ажаб бўпти» дейишади.

Кибриё ҚАҲҲОРОВА таржимаси.

«ГУЛИСТОН» МУШОИРАСИ



Раззоқ АБДУРАШИД

«Еш гвардия» наشري-
етда бўлим мудирини бў-
либ ишлади. «Йўл боши-
да» деган китобига кў-
зингиз тушгандир.

Қўлимда куррамиз — муборак замин,
Бағримга босаман... муборак замин,
меҳр тафти-ла
Қичқиргим келади: «Қаранг яшасин,
Поёнсиз шу олам кичик кафтимда!»
Қўлимда куррамиз!
Қара дўстинам,
Ададсиз бу дунё шунга бўлмиш жо:
Сервиқор тоғлар-у
зар унар далам,
Денгизлар,
шаҳарлар,
уруш...
кулгу, гам
Шу кичик бағрига бари жо-бажо.
Ваъзлар коптокка ўхшатиб уни
Тўп мисол ўйнамоқ бўлади ҳануз;
Баднафе назарда кундўз ё туни
Шу курран замин каттакон тарвуз.
Йўқ, тарвуз эмас у,
копток ҳам эмас,
Бу тақдос эришдир
ёқсин-ёқмасин;
Уни камситмангиз, дўстлар, етар, бас...
Менимча, куррамиз — кўзнинг соққаси!
Ҳа, шундай мўғтабар,
шундай азиз у.

Мангуга кўксидо, сақлар мардумни;
Дўстлар, эъвозлайлик еримиз мангу,
Бўлсини кўзимизнинг ёниқ мардуми.
Қўлимда бу замин! Поёнсиз олам
Бир дона нон мисол турар кафтимда!
Узи кафтимда-ю лекин, дўстинам,
Севинчи, ташвиши, дарди кифтимда.
Топшент.



Шавкат ТУРОБ,
Милиция ходими. Айни
пайтда ТошДУ талабаси.

Майли хушбўй бўлсин хилма-
хил,
Мен севаман, гуллар атрини.
Ранжимасин, июдокор бул-
бул —
тушунмасам, унинг мадҳини.
Агар бирор,
Инсон гамини...
Тушунмасдан, нетсам қайри-
либ,
Лаънатласин, дўстларим мени
Майли, мангу ээсин айрилиқ...
Тугамайди, илҳом булоғи,
Ҳар бир нарса қолмас аба-
дий.
Бўшаб кетса торнинг қўлоғи,
Созлаб чалар, ҳатто муганний.
Тўтиқуш, ё сава эмасман,
Юрагимда булбулнинг юни.
Одамлардан ҳафа эмасман
Мени созлар...
Худди муганний...
Калинин райони



Кулбамга кирмасанг, йўлчи, мабодо,
Сенга ғазаб қилсин тангри таоло.
Кирсангу мен улфат бўлмасам сенга
Тангри таолонинг ғазоби менга!

Эшиқдаги ёзув
Сен ўтмишга тўппонча отсанг,
Келанки сени замбаран билан отади.

Абутолиб айтган.

Таржимондан:

Чўққилари осмон ўпган Кавказ тоғларининг бағрида бир ўлка бор. Уни Доғистон дейдилар. Дўппиденкина бу ўлкада қирққа яқин тилда сўзлашадиган бир миллион халқ яшайди. Расул ана шу халқнинг шоири, ана шу халқ шухратини бутун Иттифоққа, балки бутун дунёга таратган шоир.

„Доғистоним“ шоирнинг биринчи насрий асари. Бунда у ўзи ҳақида, ўз халқи ва ўлласи, унинг ўтмиши ва бугуни ҳақида, хуллас заминни ва замони ҳақидаги ўйларини ёзади.

Халқнинг адабиётини ўрганиш—унинг ўзини ўрганиш деб беккиз айтмайдилар. Икки халқнинг бир-бири билан яқинлиги адабиётларининг яқинлигида намойён бўлади. Ўзбек ва Доғистон халқлари ўртасида кўп яқинликлар бор. Ўтмишу бугунимиз, урф-одатларимиз, ҳатто тилимизда ўхшашликлар кўп. Шунинг учун Расул Ҳамзатовнинг сатрларини ўзбек китобхони ўз ёзувчисининг асаридек ўқиши мумкин.

Эркин ВОҲИДОВ

ДОҒИСТОН

*

Муқаддима ўрнида. Умуман, муқаддималар тўғрисида

Эрталаб кўз очганингда илон чаққандай ўрнингдан сапчиб турма. Аввал бир нафас ётиб, кўрган тушингни ўйлагин.

Наъдимда, олло таолонинг ўзи ҳам саҳобаларига бирор қизин воқеани айтиб беришдан, ёки насиҳат қилишдан олдин чилиминини тортиб, бир нафас хайлга чўмади, ўйлайди.

Самолёт парвоз қилишдан аввал узоқ гувуллайти, сўнг уни анча йўлга тортиб боришади, кейин яна қаттиқ гувуллайти, югуради. Шундан сўнггина осмони фалакка кўтарилади.

Вертолётга узоқдан югуриб келишнинг ҳожати йўқ. Лекин у ҳам учиндан аввал турган жойида узоқ гуруллайти, қалдирайди, бутун вужуди титрайди.

Ғафат тоғ лочини қоя устидан мовий кўкка тик парвоз қилади. Қанотларини кенг ёйиб аста-аста кўтарилади ва ниҳоят осмонда бир кичик нуқтага айланади.

Яхши китобнинг муқаддимаси ана шундай бўлиши керак. Узундан узоқ, зеринарли сўзбошининг ҳеч кимга кераги йўқ. Ахир чопиб келаятган отни жиловидан ушлаб қолмасанг, ўтиб кетгандан кейин думига осилишнинг фойдаси борми?

Мана ҳофиз қўлига танбур олди. Унинг ушувозлиги ҳаммага маълум. Шундай экан, танбурни узоқ тингиллатиб ўтирмай дарров кўшин бошласа бўлмайми? Ўйиндан олдин нути, томошадан олдин ваъзининг нима кераги бор? Ўнда қайнота кувёни меҳмон қилишдан олдин узоқ панд насиҳат қилади. Тўғридан-тўғри дарстурхонга тақлиф қилиб, косога шароб тўлдириб бераверса бўлмасиники?

Бир кун улуг Шомилнинг муридлари даврада ўтириб ўз қиличларини мақтаб қолишибди. Бир пўлатнинг тозаллигини гапирса, бири қилич бандига ёзилган оятнинг маъносини айтиб мақтанаверибди. Муридлар орасида Шомилнинг ноибни Ҳожи Мурод ҳам бор экан. У йилгиланаларга қараб шундай сўз айтибди.

— Эй, сиз, содиқ муридлар. Бу ерда салқин чинор соясига ўтириб баҳс қилманг. Ўртага саҳарлаб киргин жанг бўлади. Кимнинг қиличи зўр бўлса, ана ўшанда билинади.

Ҳар налай, олло таоло ҳам гап бошлашдан олдин чилиминини тортиб, ўйлаб олади.

Ҳар налай, тоғлиқ халқимда бир одат бор. Остона олдида отга сакраб минмайди. Аввал отни етаклаб овулдан олиб чиқади. Бунинг маънисини шунки, йўлга отланган ўғлон овулида нимаси қолди-ю, йўл

‘ГУЛИСТОН’ МУШОИРАСИ

Турсуной СОДИҚОВА

ТошДуни тамомлаб она шаҳри Андижонда ўқитувчилик қияпти. Республика матбуотида шеърларини ўқигансиз.



Кечагина топган учқунча дардим
Меҳр, шафқат демай этар бетоқат.
Таажнуб, темирми одам, билмадим,
Асрлар бу дардга қилади тоқат.
Булутлар табиат маҳсули эмас,
Ошиқлар кўз ёши унда мужассам.
Қуёшни осмон жисми деб бўлмас,
Ошиқлар ишқидан яралган у ҳам.
Юракка туташган бир парча ўтга
Чирмашиб ёнади навқирон умр.
Ошиқлар юраги бўлганда битта,
Бу дунё ўт олиб бўларди кўмир!
...Ажабо онамдан қайта яралдим?
Ё дунё янгидан бўлдимки бинио?
Ҳижронда ёнмоқда мурғак қаламим
Қалбим дардилардан излар ошно.
Ҳазин куй оҳанги, ҳазонлар ранги,
Ҳаттоки кушларнинг келардир дей,
Уйқусиз оттирган нолали тонги
Бари — ҳисларимга бўлар қофия...
Ҳув, кўнда аэроплан этади парвоз —
Кимнингдир толеи учди осмонга...

Самад ПУЛАТ

Тошнент телестудиясида адабий драматин эшиттиришлар муҳаррири.



ТОШКЕНТИМ

Мардлар кўзи қароғи,
Мардлар шаҳри Тошкентим,
Белда алп белбоғи,
Мардлар шаҳри Тошкентим,
Қаддин ростлар ҳар ёғи,
Гавкум бағри Тошкентим,
Гуллар — яшнар кундан-кун
Ўлкам фахри Тошкентим.
Тинчлик уйи Саройи —
Нафосати ўйимда,
Жасорати — фидойи
Қўшиғимда-куйимда,
Бинокорлар қароғи
Ўлкам бағри Тошкентим.
Гуллар — яшнар кундан-кун
Ўлкам фахри Тошкентим,
Кўрки — диллар қароғи,
Меҳри олам дўстларга;
Гуллар тутар қучоғи
Асли одам дўстларга.
Дўстлик шаҳри, салоҳи,
Ўлкам бағри Тошкентим.
Гуллар — яшнар ҳар ёғи
Ўлкам фахри Тошкентим.
Ота шаҳрим Тошкентим,
Она шаҳрим Тошкентим.

да уни нималар кутади — шунинг ўйлаб олиши керак. Шунинг учун у, иши қанча зарур бўлмасин, отни жилвондан ушлаб бутун овул бўйлаб охиёста етказиб ўтади. Ана шундан сўнг эгарга қўшдай қўйиб, тўзон ичида гоийиб бўлади.

Мен ҳам китобининг эгарига миннидан олдин ҳаётим отини етказиб охиёста немонданман. Отининг жилвонини ушлаб, унинг ёнида борайман. Мен ўйлайман. Гапни қандай бошлашни ўйлайман.

Фақат дудуқ эмас, соғ одам ҳам сўзда тунглиб қолиши мумкин. Киши сўзини саралаганда, энг керакли, энг ўринли, энг оқил наломни қидирганда шундай бўлади. Мен дошмандлик қилмоқчи эмасман, лекин дудуқ ҳам эмасман. Мен сўз излаяман, шунинг учун тугилиб турибман.

Автулоб айтган. Китоб муқаддимаси — тоғлик мутаассиб жувонининг лабидаги бугдой чўпидир. Тоғлик хотин эрининг пўстинини ямаётганда лабида албатта бугдой чўпи бўлиши керак. Ривоятга қараганда, шундай қилмаса пўстин қанча бўлар эмиш.

Автулоб яна айтган. Мен қоронғуда эшик тимирскилаётган ёки толган эшигига кириш-кирмаслигини билмай турган одамга ўхшайман. Бундай пайтда киши эшикни тақиллати:

— Хей, ким бор, тўшт найнатмоқчи бўлсангиз турунг, вақт бўлди.
— Хей, ким бор, иш қилмоқчи бўлсангиз ётаверинг, ҳали вақт бор.

— Хей, ким бор, бўза ичмоқчи бўлсангиз қўшинни чақиринг эдан чиқмасин.

— Хей, жавоб беринг, кирайми, ё менинг керагим йўқми?
Гапиришни ўрганиш учун одам боласиза икки йил кифоя. Тилини тийишга ўрганиш учун олтинчи йил керак.

Мен икки яшар ҳам, олтинчи яшар ҳам эмасман. Мен йўл ўртасида турган одамман. Лекин икки ёшдан кўра олтинчи ёшга яқинроқман, негаки, айтган сўзимдан ҳали айтмаган сўзим қимматлироқ кўринади.

Ҳали ёзмаган китобим ёзган ҳамма китобларимдан азиероқ туюлади. У мен учун энг яқин, энг қадрли, энг қийин ва энг мўътабар.

Витилмаган китоб — мен ҳали кирмаган, лекин мени ўзимга сеҳрлаб, кўз олдимда сирларини ошкор этаятган тубсиз гор. Битмаган китобим — минмаган отим, кинидан сугурмаган ханжарим.

Тоғликларда шундай гап бор: «Ханжарни бекорга қинидан сугурма. Сугурдинги — санч. Шундай санчки, душманинг кўкрагини тешиб, отининг юрагига қадасин».

Ҳақ гап айтасиз, тоғликлар!
Лекин ҳар қалай, ханжарни сугуришдан олдин, дами ўткирлигига ишонган бўлишингиз керак.

Китобим, сен узоқ йиллар менинг қалбимда яшадинг! Сени севишли гўзал маъшумчага, ўзини эса ёрнини узондан томоша қилиб унинг ёнига боролмай юрган, борганда ҳам қўлидан ушлашга ботинолмай қочиб кетган уятчан ошиққа ўхшатаман.

Бас. Энди сенинг қўлларингдан тўшмоқчман. Уятчан ошиқ эмас, мард, олғир йигит бўлмоқчман. Мен отни дадил миниб қамчи босмоқчман — бор, нима бўлса бўлсин.

Лекин ҳар қалай, олдин ўзимнинг ўтгир тоғ тамакисини чорбурчак қоғозга шошилай урайман. Тамани ўраш завқи шунча бўлса, чекиш завқи қандай бўларини.

Китобим, сени бошлашдан олдин қандай қилиб кўнглимда тугилганинг, қандай етилганини, қандай қилиб сенга ном топганини, нега сени ёзаятганини, нима мақсадларим борлигини айтишим керак.

Меҳмонни кўй нимталаятган, тўшт ва қон ҳиди димоққа уриб турган ошхонага олиб кирмоқчман.

Дўстларимга кўнгил сирларим тўкилган қоғозларимни, мен учун

азиз ва мўътабар ишхонамни кўрсатмоқчман. Қўлбемаларимни тутишга руҳсат бермоқчман.

Гарчи отам шундай деган эди. Бировнинг қўлбемасини титиш чўнтак кавлаш билан баробар.

Отам яна шундай деган эди. Муқаддима томоша вақтида олдинги қаторда ўтирган паноқ кийган елкадор одамга ўхшайди. Бу одам тўғри ўтирса ҳам бир нави, гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга ҳадеб қийшайверса — бундан ёмон баво йўқ. Томоша гурбатга айланади.

Ён дафтардан. Қўнча Москвада ёки Россиянинг бошқа шаҳарларида адабий кечаларда шёнр ўқишимга тўғри келади. Залда ўтирганлар аварчани тушунмайди. Аввал, бир амаллаб дудуқлиниб ўзим ҳақимда гапирман. Кейин дўстларим — рус шоирлари шеърларимнинг таржимасини ўқиб беришади. Одатда, улар бошламасдан олдин, одамлар бирорта шеърини она тилимда ўқиб беришимни сўрайди. «Авар тилининг оҳангини, шёнрнинг оҳангини эшитмоқчимиз» дейдилар. Шундан кейин мен шеър ўқийман. Бу иш худди ўша, хофизининг қўшиқ бошлашдан олдин танбур тингиллатишига ўхшайди.

Китобга муқаддима ёзиш ҳам шундай.

Ён дафтардан. Москвада ўқиб юрган пайтмда отам менга пальто олиш учун пул юборди. Нима бўлди-ю, пулни ишлатиб қўйдим. Пальто ололмадим. Қишқи таътилга чиқдим. Мен ёзда Москвага нима кийиб келган бўлсам, ўша кийимда Доғистонга қайтдим.

Отам сўраганда ҳар хил сабаблар кўрсата бошладим. Тўнган баҳоналарим пойма-пой, бири-биридан бематни эди. Охири гап тоқпалай гўлдираб қолдим. Шунда отам мени тўхтатиб шундай деди:

- Тўхта, Расул. Сенга иккита саволим бор.
- Қандай савол?
- Пальто олдингми?
- Олмадим.
- Пулни ишлатиб қўйддингми?
- Ишлатиб қўйдим.

— Мама, ҳамма гап аён бўлди. Икки оғиз сўз учун узундан-узун муқаддиманинг нима ҳолати бор.

Отам менга шундай таълим берарди.

Лекин ҳар қалай, дунёга янги келган гўдан кўз очибоқ тилга кирмайди. Аввал фақат йиғлайди, кейинроқ нималариндир гўлдирайди, яримта-юримта қилиб сўзлайди. Йиғлаганда баъзан ўз онаси ҳам унинг нима демоқчилигини, қаери оғриётганини билолмайди.

Шонр қалби гўдан қалбига ўхшаш эмасми?
Отам шундай дер эди. Тогдан пода келаётган пайтда аввал ёчнининг шохи кўринади, кейин бутун ёчки, ундан кейин пода кўринади. Овчи овдан қайтиб келаётганда аввал унинг ити, сўнг ўзи кўринади.

Ушбу китобнинг қандай тугилгани ва қаерда ёзилгани тўғрисида

Кичкина гўдан ҳам натта тушлар кўради.

Бешикдаги ёзув бир марта керак бўладиган курол бутун умр ёнда сақланади. Бутун умр қалбада сақланадиган шеър бир ўтиришда ёзилади.

Баҳор қўйинда яшнаган овул устида баҳор куши парвоз қилмоқда. У кўниб бир оз дам олмоқчи. Маана ясеи, ненг, тенис томага кўзи тушиди. Томда тош мола ётарди. Қўш осмондан тушиб молага кўрди. Шу пайт пойлаб турган тоғ кизи қушнинг қаңқовили билан тутиб олди ва уйга олиб кирди. Қўш аввал кўрди, кейин кўрдики, уйдагилар унга озор беришмайди. Шундай қилиб қўш шипга уя қурди ва ана шу уйда қолди.

ГУЛИСТОН МУШОИРАСИ

Қўшиқ йиғлар.
Тулиб-тўлиб йиғлар.
Унинг фарёидан чок-чок само...
Йиллар ўтар,
Йиллар ўтар,
Йиллар...
Қўшиқ тиелмайди кўз ёшин ҳамон.



Машраб БОБОЕВ

Қўшиқ йиғлар.
Гўб мохир мерган —
Қалбларни нишонга олади ўқи.
Йиғлар
Унга Ҳижрон дед исм берган.
Бевафо аҳлига лаънатлар ўқиб.



Амиркул ПУЛКАНОВ

*
Ешлигимда... Ун санкизининг тулло-рин миниб
Ишқ ва хусн пойғасига от сурган
Шубҳа қилар ким ёнимда кўрса
қизини,
қизларни қизгонарди мендан одам-лар.
Энди эса... Узгаларга етибди навбат,
Ҳеч ким парво қилмас қизга гапир-сам агар.
Шубҳалиман беваларнинг ёнида
фақат,
Беваларни қизғонади энди одамлар.

«Уруш-уруш» ўйнар болалар,
«Қиҳ-қиҳ»лаб бир-бирин отади.
Йиқилар кўчада, судралар,
Ярадор жангидан ётади.
Урушни не билсин, берилиб
Кинода кўрганини қилади.
Бир нунда ўн бора «тирилиб»,
Бир нунда ўн бора «ўлади».
Тушунмай ашула айтишар,
Бола-да, эътибор қилмадим,
Улар-чу уйига қайтишар,
Катталар «ўйнаса» билмадим...

*

Тогларга ўхшайди оқиллар,
Сунут аринмайди юзидан.
Тогларга ўхшайди оқиллар,
Меҳр ёғилади нўзидан.
Тогларда кўраман салобат,
Еллар-чи, бемақсад эсади.
Бир нафас билмайди ҳаловат,
Бемақсад чўлларни кезади...
Қиёфалар узвий шу қадар,
Гоҳида акротиб бўлмайди.
Баъзилар тоғларден
вазминдор.
Баъзилар елларга ўхшайди.

Самарқанд.

Мунаррама МУРОДОВА

Андинсон педагогини
институтни талабаси.
Шёнрларини газета ва
журналларда ўқингансиз.



КЎЗ СУВИ

— Зарҳал япроқчани тутиб қафтингда,
Кўз суви, мунча ҳам оқасан соқин?
— Мен энди кексайиб, сийдим афтидан,
Баҳорда тушмабди менга нигоҳинг.
— У чоғлар нўхатдек тош иргитсам ҳам
Чайқалиб лойлардан эдинг чамамда!
— Ҳа, топдинг, қувноқ қиз, у пайтлар
шоқини —
Ёшлик кўпирарди бутун танамда!

Андижон

Менинг китобим ҳам шундай эмасми?
 Мен неча бор ўзимнинг шеърият осмонидан наср даласига тикилдим, қаерга қўниш, қаерда дам олиш мумкин деб ўйладим...

Йўқ, мен аэродромга қўниши керак бўлган самолётга ўхшайман. Ҳавонинг ёмонлиги тўғрисида аэродром мени қабул қилмайди. Энди пастлаганда истаган, мўлжаллаган еримга қўнолмай, яна қўтариламан. Бир неча бор шундай бўлди.

Демак менга муштақам бетон тағич насиб бўлмаган экан, деб ўйлардим ўзимча. Демак оёқларим бетўхтов дунёни кезмоқда, кўзларим бетин оламини кўрмоққа юрагим дам олмай кўшиқ тўқимокқа маҳкум деб ўйлардим.

Сузиб ўтган мотиқ булут парчасига, ё турналарнинг аргимчоғига бир нафас маҳий бўлиб, сўнг омонига энгашган ҳақдон каби мен яна чала қолган достонимни давом эттириш учун ўтирардим.

Шеърларни мен ҳар қанча осмон демай, барибир у мен учун ер, ҳайдалмаган ер, очилмаган кўриқ, битмас-туганмас меҳнат, насрга эса мен қўл урган эмасман.

Бир кун менга хат келди. Хат мен ҳурмат қиладиган бир журналистнинг муҳарриридан экан. Мен бу муҳаррирни ҳам ҳурмат қиламан. Муҳаррирнинг мактуби ҳам «Хурмати Расул» деб бошланади. Хуллас ўзаро ҳурматимиз жуда зўр.

Мактуб менга ёввойи ҳўнзининг қуритилган терисини эслатди. Худди қуритилган теридек шалдироқ, фақат қўлланса ҳиди йўқ эди холос.

Муҳаррир шундай деб ёзган эди: «Редакциямиз журналистнинг яқин сонларида Доғистон ҳақида, унинг эришган ютуқлари, кундалик ҳаёти, зўгу меҳнати ҳақида материал босишга қарор қилди.

Бу оддий меҳнаткашлар, уларнинг қаҳрамонлиги, орзу-ўйлари ҳақида бўладими, тоғлиқ ўлканинг ёрқин «эрта»си, асрий анъаналари ҳақида бўладими, гап асосан, халқнинг ажойиб «бугун»и тўғрисида бўлсин. Бундай материални ҳаммадан кўра сен яхшироқ ёзишинг мумкин деган хулосага келдик. Жанр — сенинг ихтиёрида, хоҳ ҳикоя, хоҳ мақола, хоҳ очерк, хоҳ лаҳзалар. Материалнинг ҳажми 9—10 машина қоғози бўлсин. Муддат 20—25 кун. Сенга ишонами ва олдидан раҳмат айтаман».

Бир вақтлар қизин эрга бераётганда ундан руҳсат сўрамас эдилар. Ленин ўша вақтларда ҳам биронта тоғлиқ ўз ўз ўзининг тўйининг хоҳишини ўтказмас эди. Ривоятларга қараганда бундай тўйни фақат гидатиллик бир одам қилган экан. Наҳотки ҳурматли муҳарриримиз Гидатли овулидан чиққан бўлса!..

Бир неча кун ўтгач телефоним шиддат билан жиринглаб қолди. Телефон эмас, мисоли тухум қилган товуқ дейсиз. Кутганимдек ўша журналистнинг муҳаррири чақирган эди.

— Салом, Расул! Хатимизни олдингми?
 — Олдим.
 — Материал қани?
 — Энди... шу... ишлардан бўшаб ҳеч қўл тегмапти.
 — Қўйсанг-чи, Расул! Бошқа ҳеч илож йўқ! Ахир журналист миллион тираж билан чиқади. Чет элларга ҳам боради. Агар сен жуда банд бўлсанг, олдингга одам юборамиз. Сен унга икки оғиз айтмоқчи бўлган гапингни айтасан, У ёғини ўзи тўғрилайди. Материал тайёр бўлгандан кейин ўқиб қўл қўясан. Визга — энг муҳими — сенинг номиг керак.

Ким уйига келган меҳмонга ҳўмайса қўзи тешиلسин, меҳмонни кўриб пешанаси тиришса, пешанасига одам битмасин. Тоғлиқлар

меҳмонни ана шундай табаррун билишади. Аммо, худо хайрингизни берсин, менинг уйимга Салихаловни! Юборманг. Чирмандамини тоби-га етказиш ўзимнинг қўлимдан келади. Ўзим ясаган қўзаннинг банди-ни ҳам ўзим қиламан. Ёлқам қичишса бировага қашитадиган одатим йўқ.

Шу бўлган гапимиз тугади. Тамом вассалом! Мен бир ойлик таътил олиб қадрдон овулим Цадага жўнадим.

Цада! Етмиш хонадонлик овул. Етмиш ўчоғу, етмиш қозон. Қоп-қора ер устида оппоқ ўйлар. Оппоқ ўйлар олдида кўм-кўк ўтлоқлар... Овул устида қоялар осилиб туралди. Булар худди тўй кетасида томга чириб олишган болаларга ўхшайди.

Овулга келиб отамнинг Москвага бичричи марта борганда ёзган хати эсимга тушди. Бу хатнинг ҳазили қаерда-ю, чини қаерда билиб бўлмас эди. Отам Москвага ҳайрон бўларди.

«Масков деганинг галати шаҳар экан. Бу ерда одамлар олов ёқмайди, овқат пиширмайди шенели. Шунча юриб деворга таппи ёпаётган биронта хотинни кўрмадим. Бирорта уйдан тутун чиққанини учратмадим. Москваликлар томда пичан қуритмас экан. Ҳайронман сизгиратимини нима билан боқишди. Бир бог ўтин ё бир бойлам кашак кўтариб ўтган қизни учратганим йўқ. Бирор марта на сурнай, на қозоранинг овозини эшигмадим. Қизиқ, бу шаҳарда йиғитлар тўй қилмаса, уйланмаса керак. Бу галати шаҳарнинг кўчаларида шунча кезиб бирорта қўй кўрганам йўқ. Бу одамлар уйига меҳмон келганда нима сўзқини? Ростини айтсам, шаҳаринг менга ёқмади. Ўзимнинг қадрдон овулимга кетаман...»

Отамга Москвадан яна кўп томонларин ёқмабди. Москва деворларида таппи кўрмадим деб ҳайрон бўлгани албатта ҳазил. Ленин ўзининг қадрдон Цадасини жуда севарди, жаҳоннинг ҳамма пойтахтларини кўшиб берганда ҳам шу овулга аलिшмас эди.

Қадрдоним Цада! Вукун мен ҳам сенинг бағринга ўша дунёдан — отам талай «намчиликлар» топган дунёдан келдим. Мен бу улкан дунёни кўп кездим, кўп ажойиботлар кўрдим. Ҳашаматли саройларга, гўзал чехраларга тўйиб боқдим.

Лекин мен ҳаддан эъди таажуб қилмадим. Чунки ҳар сафар бундан ҳам ажойиброқ, бундан ҳам гаройиброқ нарсаларни кўришимга ишондим... Ахир бу оламнинг чегараси борми?

Ҳиндистоннинг серҳашам ибодатхоналари, Мисрнинг юксак эҳромлари, Италиянинг чил устунлари мени кечирсинлар. Американинг осмонлар бинолари, Парижнинг хиёбонлари, Англиянинг томошабоғлари, Швейцариянинг тоғлари мени кечирсинлар. Мени Польша, Япония, Римнинг жононлари ҳам кечирсинлар. Уларни кўрганда юрагим уриб кетгани йўқ. Юрагим урганда ҳам бошим айлиниб қолгани йўқ.

Нега энди мана шу оддий уйлари кўрганда юрагим уриб кетди, бошим айлиниб қўзим тиниб қолди?

Наҳотки шу кичкина овул Венецияю, Қоҳираю, Калькутталардан чиройли бўлса! Наҳотки бир бог ўтин кўтариб ўтган тоғ қизи сарвоқимати оппоқ скандинав қизидан гўзал бўлса!

Цада! Сенинг ўтлоқларингни кезсам сарпойчанг оёқларимни шуд-

1 Аварлар, ишим жуда зўр демоқчи бўлганда «Салихаловнинг чирмандасидай» дейишади. «Ишлар гумбур» деган маънода бўлса керак.

2 Аварлар «Вассалом вакалом!» дейди.

ГУЛИСТОН МУШОИРАСИ

САКСОВУЛ

ЮРАГИМГА БОТДИМИ КЎЙШ...



Қамбар УТАЕВ

Саксовул оташгоҳ
 қумлилар аро
 Суронли ҳаётни танлади,
 Чиниққан мускули тарам ва тарам,
 У яшаш ишқида ёнади.
 — Музга таслим бўлмас гўёки қумлоқ,

Бўронларга кўйран керади,
 Танаси буриши, аммоки қувноқ,
 Нашъали ва мағрур умр кўради,
 Қолмасин деб ундан ном-нишон,
 Қумлоқ дили доим гашланар,
 Тутуқиб кўнкача кўтариб тўзон,
 Саксовул устига ташланар,
 Довул келтиради юз турли офат,
 Уни кўмиб кетар,
 Кутурар...

Самарқанд Университети тини бу йил тамомлади. Ҳозир университет газетасида ишляпти.



Йўлчи АҲМАД

Ёмғир ёғар экан тинмай майдалаб,
 Дарахт япроғидан тўйилар сирга,
 Сен эса қаршимда эй, кирмизи лаб,
 Охудай безовта қараб ёмғирга. —
 Сеснаниб пинжигма кирдинг ноз ила,
 Тин олдинг.. нўксимга аста қўйиб бош.
 Ва ажаб, бу ошқом фардан адашиб —
 Менинг юрагимга ботдимни кўйи!

Тошкент телестудияси ходими. Шеърларини тез-тез ёзиб туради.



Холдоржон ҚУРОНБОЕВ

Қардош Қирғизистоннинг Уш области «Ленин байроғи» газетасида ишлайди.

Бошимга тўшмади озмунча ғамлар,
 Не-не синоқларни кечирмади қалб.
 «Бу ҳаётдан волиш» деганга, одамлар,
 Ғам, ташвиш, синоқлар ҳаётда бор гал,
 Баъзан бир тасодиф — бир дунё ташвиш,
 Баъзан дилнинг ранжир иғво-бўхтондан.
 Ҳаминша ўнгидан келавермас иш;
 Аммо волимайман ўтган ҳар боддан.
 Чунки у сабабчи бўлиб ажратдим;
 Дўстларим қилару ва душманим ким?

ринг томчилари ювади. Шаффоф булоқларингдан тўйиб симираман. Отам иш билан юборди шекилли.

Ҳар қадамда ўзим билан, ўз бололигим билан учрашаман, ўша баҳор, ўша ёмғир, ўша гуллари кўраман.

Ечинман ва шалола тагига бориб тураман. Шалола тошдан тошга урилиб сачраб, саккиз погонани босиб, охири менинг елкамга тушади. Парижнинг «Ғирол сароби» деб аталган меҳмонхонасидаги душ менинг шалола қаршида бир елим ўйинчоқ.

Тоғ дарёсидан оқиб тушган сувнинг бир қисми иссиқ тошлар орасида тўхтаб кун бўйи илдири. Лондоннинг «Метропол» меҳмонхонасидаги кўм-кўк ванна менинг бу ажойиб ванналарини олдидан сопол товоққа ўхшайди.

Мен катта шаҳарларда пиёда кезишни яхши кўраман. Аммо бу сайр тез жонга тегади.

Ўз воқелигим баки мингичи марта кезаялман. Юрган сари юртим, кўрган сари кўргим келади.

Бу сафарги келишимда ҳамма уйларга бир-бир кириб чиқдим. Ҳар битта беланчак устида, бўлажак тоғ йиғитлари ва тоғ қизлари устида хаёлга чўшиб турдим.

Ҳар битта беланчакка боққанимда унда мен ўзим ётгандай, менинг гўдаклигим ётгандай туюлди. Бир дақиқа мен ўтган йўлар, тоғ сўқмоқлари Россиянинг катта қўчалари, узоқ ўлкаларнинг шаҳарларию аэродромлари ҳали менинг олдимда бўлиб кўринди.

Мурғам гўдакларни аллалаб кўшиқ айтдим, улар менинг содда кўшиқларим оҳангига жимгина уйғуна кетдилар.

Қада қабристонига бордим. Бунда ўт босган эски қабрлар ёнида тупроқ ҳиди келиб турган янги қабрларни ҳам кўрдим.

Азадор уйларда бош эгиб жим ўтирдим. Тўйларда эса завқ билан ўйинга тушдим. Кўп ажойиб сўзларни, ибратли ҳикояларни эшитдим. Билган, аммо ёдимдан кўтарилган гаплар хотирамнинг теран тубидан яна юзага қалқиди.

Янгиларни кўзим билан кўрдим, кўҳна ривоятларни қулогим билан эшитдим. Хаёлим рангин иплари ўраётган урчуқдай айланди. Бу рангин иплардан тўқиялажак улкан гиламини кўз олдимга келтирдим.

Кеча-ку тирмашиб тин қол тошга,
Қушлар улсига солардим қирон.
Мана, севги иши тушдию бошга,
Мени катта қилиб қўйдим ногўхон.
Кеча-ку ўзини катта сезардим,
Дано билар эдим гўдак ёшимда.
Севгининг олдидан бирдан қизардим,
Бола бўлиб қолдим унинг қошида.

Ҳа, мен севги ҳақида дoston бошлаб қўйганман. Ошиқ ва маъшуқа ҳақида. Ошиқ мен ўзим. Маъшуқанинг оти — севги. Мен бу дostonни тугатишми керак. Лекин мен телеграмма олган, ҳозир аэродромга бориши керак бўлган одамдай доим шошилиб юраман.

БАЪЗАН ШУНДАЙ БУЛАДИ. Тоғ қизи эрталаб ўчоққа олов ёнади. У кечқурундан қолган овқатни иситмоқчи. Қолган овқат уйдагиларга етади. Ленин шу пайт уйга меҳмон келиб қоладию, қозон бошқатдан осилади.

ЕКИ ШУНДАЙ БУЛАДИ. Тўй оқшомида кувёнинг ўртоқлари унинг атрофида, унга яқинроқ ўтиришади. Ленин уйга ёши удуғлар кириши билан улар ўринларидан туриб жойни бўшатишади.

ЕКИ ШУНДАЙ БУЛАДИ. Меҳмонхонада катталар ўтиришганида уларнинг атрофида болалар ҳам яйраб юришади. Ленин катталар жиддий бир масалани ҳал қилиб олмоқчи бўлишганда болаларни меҳмонхонадан чиқариб юборадилар.

Баъзан ўзини овчига, балиқчига ёки чапандозга ўхшатаман. Мен фикр излайман, фикр тутаман, уни ёғарлаб миниб, ўзим истаган йўлдан қоптираман. Баъзан ўзини оҳуға ёки аргумоқча ўхшатаман. Фикрлар, ҳислар овчи бўлиб мени излайди мени тутайди ва миниб ўз йўлига солади.

Ҳақиқатан, фикр ва туйғу тоғлиқнинг меҳмонидай тўсатдан келади. Ундан қочиб ҳам, беркиниб ҳам бўлмайди.

Тоғлиқларда меҳмоннинг катта-ичигичи бўлмайди. Эшиндан кириб келган бола ҳам биз учун табаррук одам, чунки у — меҳмон. Меҳмон бола мезбон чолдан улуг. Уйга меҳмон келганда, нимсан, қаердан келдинг, деб сўрамаймиз, аввал уйга олиб кирамиз, тўрға, иссиқ ўчоққа яқинроқ ўтқазиб, ёнбошига ёстиқ қўямиз.

Тоғлиқнинг меҳмони тўсатдан келади. Ленин кутилмаганда келмайди. Чунки тоғлиқлар ҳар зум, ҳар дақиқа уйига меҳмон келишини кутади.

Бу китобни ёзиш фикри ҳам кўнглим уйга меҳмондай тўсатдан кириб келди.

ЕКИ ШУНДАЙ БУЛАДИ. Баъзан нима қилишни билмай бекорчилиқдан, танбурини қўлга олиб тингиллатиб ўтириганимда бирдан куй тугилади. Куй оҳанг бўлиб, оҳанг мусиқа бўлиб оқа бошлайди. Танбур чертиб оқшомни тонгга улаганингни сезмай қоласан.

ЕКИ ШУНДАЙ БУЛАДИ. Йигит қўшни қишлоққа арзимаган иш билан борадию, битта жонини ёғарга ўтқизиб қайтади.

Қадрли журнал муҳаррири! Хатда ёзган илтимосингизни бажармоқчиман. Доғистон ҳақида китоб ёзмоқчиман. Лекин, мени нечиринг, сиз айтган муддатда улгуролмасам керак, чунки кўп сўқмоқлардан ўтишим керак. Биласизки, тоғ сўқмоқлари жуда тор ва тик бўлади.

Юксак тоғларим йироқда пардоз емаган олмосдай сирли жиллоланади. Аргумоғим кенгликка интилади. Сиз кўрсатган горга қистасам ҳам кирмайди.

Доғистонини сиз айтган тўққиз-ўн қозога ўраб беролмайман. «Одий меҳнатқашлар, уларнинг наҳромлиги, орзу-ўйлари ҳақида», тоғлиқ ўлканнинг «ёғрин эртаси, асрий аъёнлари ҳақида материал» ёлиш, рост, қўлимдан келмайди.

Менинг кичкина қаалам шунчалик, катта юкни кўтаролмайди. Менинг кичкина қаъватимга уммонларнинг тўлқини, тоғ, дарёларнинг ҳайқирғини, инсоният тандири жо бўлмайди.

ДЕЙДИЛАРКИ, қачондир биров отиб юборган данак тасодифан кийининг бошига тушган эмиш. Кийинининг шохи ана шу данакдан ўсиб чиққанмиш.

ДЕЙДИЛАРКИ, дунёда Али бўлмаганида, Умар туғилмасди. Оламда тун бўлмаганда кун ҳам бўлмасди.

ДЕЙДИЛАРКИ:

- Лочин, қайда туғилдинг?
- Торгина горда.
- Лочин, қайга учурсан?
- Чексиз осмонга.

(Давоми бор)

ГУЛИСТОН МУШОИРАСИ

Уйга меҳмон келар,
Тўйга меҳмон келар,
Аммо ҳеч келмаган ҳаётда меҳмон,
Ҳаёт ҳазон текин япроқдай сўлар
Ўзини меҳмон деб сезганда инсон,
Агар мезбон бўлса замин одамга
Дастурхон беэмом кимга ҳам ҳавас.
Йўқ меҳмон эмасмиз ёруғ оламга
Фақат жисмимизга меҳмондир
нафас.

*

Байрамларга ярашар мақтов,
Байрамларга хосдир ноғора,
Чалиб бўлмас уни беўхшов,
Гоҳ «савт» бўлар, гоҳи «сувора».
Нотинч тепар кўнглим бояқиш
Ишчи нунин бўлса серҳашам
Эвазига сўрамас олқиш
Ениб адо бўлганида шам.

*

Ҳар хил янграр қитъаларда соз,
Ҳар бирининг бўлачка тоти,
Кўшиқларга бўлиб жүрвовоз
Ҳар хил кечар инсон ҳаёти.
Турли байрон, гербга сизгиниб,
Боришар дил орзуси сари.
Ленин қаранг, бир хилда йиглаб,
Бир зайлда нулади бари.

Хоразм.



Эркин САМАНДАР

Хоразм шоири. Ҳозир Тошкентда аспирантурада таҳсил кўрапти.



Жамол КАМОЛ

Бухоролики ёш шоир. Шеърлари газета ва журналларини саҳифаларида тез-тез кўриниб туради.

СОЯ

Кун оққан, туш билан оқшом ораси,
Овоқ қиялиқта бир соя ётар.
Сояда бир қатра шабнам донаси,
Шабнамда бир аниб ҳиной ётар.
«Кўшни орзиқиб кутдим тун бўйи,
Кундуз ҳам бўлмадим гамдан осуда.
Мана шу бир бурда сол туфайли
Мултираб ётибман замин кўнисида...»
Истардим...

**

Истардим: юлдузми, тимқора оқшом
Мени аста айлаб бандаси-асир,
Бир ноли ёр наби кўнглим этиб
ром,
То барқут тонггача шивирласа сир...
Истардим: шафақли, феруза саҳар
Ёлғуза тўлдириб кўзим ва кўнглим,
Бўсадан манглайим этиб мунаввар,
Бир оқсоқ онаден кўрсатса йўлим...

Бухоро.

С Е В Г И

Б О З О Р

Э М А С

Одобнома

Маълумки, ҳар бир халқнинг ўзагагина хос бўлган миллий урф-одатлари, ҳуқуқ-атворлари бор. Бу хусусиятлар бир-икки йилда эмас, асрлар бўйи шаклланган. Улар тез орада йўқолиб ҳам кетмайди. Биз, ўзбеклардаги ана шундай миллийликдан бири — ҳаёти.

Ҳаё тушунчаси кенг: риоя-андиша, ибодифаат, юз-хотир — булар ҳаёнинг эгизаклари.

Инсон тарбиясида ҳаёни ҳамма вақт юқори мартабага қўйиб келинган. Бу хусусда Носир Хисрав демишким:

**Ҳаё одамийлик аслидир, асли,
Шундан одам бўлур, ҳар одам насли.**

Баъзан кўча ё автобусда шанғиллаб кетаётган аёлга дуч келганимизда ён-веримиздаги қарилар хижолатдан юзларини четга буриб «Беҳаёдан ўзинг асра» дейишганини эшитамиз.

Гоҳо жумоат ичида ёқавайрон, қилтириқ мўйлов йигитчаларнинг оғизларидан бодиб кириб, шоди чиқишларини эшитганда пешонамиз тиришиб кетади. Бундайларни ҳам халқимиз ҳаёсизлар тоифасига қўшади.

Кейинги пайтларда, эътибор қилаётган бўлсангиз, ҳаёсизликнинг «янги турлари» кўзга ташланыпти. Кўча-кўйда бедананинг тўр довогига ўхшаш халтани савлат учун кифтига ташлаб олиб, юз-кўзига бўёқ чаплаган хипча белнинг елкасидан қўл ошириб юрувчи «замонавий» йигитчалар пайдо бўлишди. Уларга на танбех қор қилади, на уят. Бетлари қалин.

Айрим тийиксиз йигит-қизлар хатти-ҳаракатларини ишқ-муҳаббат билан хаспўшламоқчи бўладилар. Нима дейсан, бизда муҳаббат эрки, ҳиссиёт эрки бор, деб гезанишади.

Эҳтимол. Лекин муҳаббат эркини рўнак қилиб, аслида, покиза ишқни таққирлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Муҳаббат — энг нозик туйғу. У ҳаё билан ўқтам, қадрли. Хуштаъблик, нозиклик, сирлилик — муҳаббатнинг олижаноб фазилатларидир.

Ўтмишда ишқ-муҳаббат ҳаммага ҳам насиб бўлавермаган. Айниқса аёллар тўрт девор ичида ўтирганлари туйғули, улар кўнгил ҳаёсизларнинг топмаганлар.

Бу эркинлик инқилобдан кейинги тугилган фарзандларга мушарраф бўлгани қувончдир. Эндиликда йигит қизни, қиз эса йигитни кўрмасдан, ёқтирмасдан, муҳаббат изҳор этмасдан турмуш қуриш одади тамомла йўқолиб борапти. Бу жуда

якши. Лекин муҳаббат — ҳаёси билан, ибоси билан гўзал!

Ҳар киши ўз ҳаётида бир бор ишқ мубталоси бўлади. Шундай экан, уни қадрлаш яқши. Муҳаббат ва унинг иқрори элга кўз-кўз қилинадиган ёки кўрғазмага олиб чиқиладиган матоҳ эмас. Унинг нашо-намоси кўча ўртасида чўпиллатиб ўпишишда ё гиррак солиб қучоқлашишда эмас. Лаззати — сирлиликда. Инсон қалби бамисоли бир қўтима. Уш қўтимада муҳаббат сирлари — гавҳарлари, ҳақиқий ёқутлар сақланар экан, унинг қадри, баҳоси ортади. Муҳаббат сирлари инжусидан маҳрум юракларнинг бўм-бўш темир қўтидан фарқи йўқлигини гапирмай қўяқолай

лик. Ҳаёнинг гўзаллиги, нафосати уни ёт кўзлардан, оч назарлардан асрашда намоён бўлмайди, ахир! Ҳаёга, ибоба асосланган севгида висол онлари, ҳижрон дамлари бўлади. У гоҳ севинтиради, гоҳ йиғлатади; гоҳ кутдиради, гоҳ холи жойда қўлидан тутдиради; баъзан арзимас нарсани ташлаб ўйнаттиради, баъзида ноз ила араздатиради; бир маҳал кўчама-кўча севгинининг изидан изгитса, бошча бир маҳал қуюқ суҳбатга мушарраф қилади.

Буларнинг ўз қадр-қиммати, шарм-ҳаёли шарофати бор.

Илгарилари келин бўлмаган қизларнинг сурма тортиши айб ҳисобланарди. То кўёга чиқмагунча қошларига мўйчиноқ тегишмасди. Ўзига оро берганларни кўрса «эрсираб қолибди», деб айб қилишарди. Энди бўлса қиз ҳам, жувон ҳам, юз-кўзларини мул-қўл бўяб, ула-эликини чапалаб олишади, гугурт чўпини куйдириб киприкмижжаларига суртиб, гўё «ҳурлиқ» бўлишади. Бу хил қизлар севглиликка ёки, умуман, йигитларга ёқаман, деб ўйлашар балки. Бировга гўзал бўлиб кўринаман деб бўлиб-бежалиб пардозланиш — ўзини алдаш, холос.

Бунинг сабаби нимада?

Бизнингча, энг аввало, ёшларимизга болаликдан таълим беришнинг бўш қўйилганида; одоб билан одобсизликнинг фарқини ўқитиб бормаётганимизда. Кўпинча ота-оналардан «мактаб боламини одобга ўргатмайпти» деган нолишини эшитамиз, айна пайтда мактаб коллектини ҳам қарздор бўлиб қолмайди — айбни ота-онига тўнашга уринади. Бяроқ «айб сенда!» деб ўдағайлаб, бу умуминсоний ишни сансодарликка солишнинг ўзи одобсизлик эмасмикин? Боланинг одобли-одобсиз бўлиши — дастлаб ота-онанинг муносабатига боғлиқ; одобли бўлса — ота-онанинг хизмати, одобсиз, беҳаё бўлса — ота-онанинг айби. Чунки қўшча уясидо кўрганни қилади. Бу гап исботга муҳтожмас.

Яна бир масала. Кейинги пайтларда «хонаки» шоирлар «ялгончоқ» қўшиқлар ёзадиган, уни саёқ артистлар тўй-умошларда диди пуч тингловчиларга пуллайдиган бўлиб қолишди. «Бағринга бағримни бо сай...», «Бир бўса бермасанг — ўлдим!» деб саҳналарда айтилгани дилни сиёҳ қилади. Бунақа қўшиқлар билан кимни тарбиялаймиз, ахир?

Халқимиз ифқатини, асрлар оша қадрланиб келган ҳаёни таққирланишдан сақлашимиз керак.

ГУЛИСТОН МУШОИРАСИ



Анвар ҲОНИ

Жанжи шеърлар муаллифи. «Нур ишқидо», «Дил дафтарим» шеърый китоблари бор.

ВИСОЛ

Сўзлай, эй ёр, очилиб ишқимиз китобидан,
Ҳар сўзинг жилваланар меҳримиз офтобидан,
Кипригимга кўнолмай фироида хануз уйчу,
Туну нун маст-алестман лабларинг гулобидан.
Тун билан тенг туташмиш қаро зулфинг сояси,
Бошларим кўрмас офтоб бу туннинг гирдобидан.
Сенсиз ўтган ҳар даим бир йилга тенг баробар,
Ҳайронман висол онин бу қадар шитобидан.
Хайр-хушлаб нетса Анлар, қўнглини эт мунаввар,
Бир нигоҳ айла инъом эртанинг ҳисобидан.

Неча кундир айрилиқ тушиб,
Қалам билан қўришмаймиз юз.
Илгаридек кетмайман жўшиб,
Юрагим ҳам гапирмас бир сўз.
Тугадими юрагим кўри,
Ою-куним битдимикин ё.
Ўтсиз юрак пешона шўри,
Мени бошга урарми дунё —
Агар чақмоқ чақмаса қалбим
Зулматга нур пурикмасанг

қалам.
Мени фарзанд деблмас элим,
Менга Ватан бўлолмас олам,
Кунда мени сўроқлаб турган
Кўш мени йўқламас бу кез.
Япроқ аро жинмайиб кулган
Гунча мenden ўғиради юз.
Кел, қалам, қалб орауга етсин,
Дардларимни марixon қилиб

тиз,
Танимни жон тарк етса —
ётсин, —
Сен мени тарк этмагил ҳаргиз.



Мунонкиддин ХАЙДАР

Тиббиёт ходими. Тош-Дунийинг бешинчи курсида таълим олмоқда.

Булут қанотидан тўзғиб оппоқ пар,
Киприларинг узра кўнди беозор.
Олмасмидим уни, эрк берайдинг гар
Авайлаб кипригим билан, эй дилдор.
Ботинмайди юрак.

Эндим,


Не чора...
Кипридаги қорга рашикми келиб.
Биламан...

не сир, шу чоқ...
у қор бечора,

Оппоқ тани ёшга айланди эриб,
Чирмашиб кипригинг нозик белига,
Сўзланиб у томчи кўзингга боғди.
Гўё: қўёш олов пурнда дилига,
Масти беҳуш бўлиб, ерга улоқди...
Бу кўзлар шунақа, жуда баёв,
Нигоҳи эритар дилни беомон.
Менинг юрагим ҳам у тенгсиз олов,
Қаршида титрар бир симбосимон...
Хайл шу томчидай тиркираб нетди,
Юрак ҳам сесканди бир таниш гамда
Томчи!

Айт: Қалбингни не чилч'лқ этди?
О, куним бошинга тушди чамамда...

Анджоян.



„Гулистон“ да босилгандан оўнг

„ТУТ“

«Гулистон»нинг ўтган йил сентябрь 9-сонида босилган «Тут» сарлавҳали мақола республикамиздаги тутчиликнинг аҳволини тўғри кўрсатган. Ростдан ҳам 1940 йилгача шаҳарлардаги тут дарахтларидан ҳарт боқиш учун фойдаланилмаган. Бироқ, Улуг Ватан куруши йилларида тут дарахтларининг баргини совуқ ё дўл ургани сабабли шаҳарлардаги тут барглари ипак қуртларига кесиб едрилишга ижозат берилган эди. Бу — заруратдан қилинган вақтли тадбир эди. Бироқ кейинча бу ҳол одатий тусга кириб қолди.

Кўпинча шаҳарлар атрофидаги колхозларнинг пиллачилари ипак қурти мавсуми бошланганида «очқўз»лик қилишиб, биринчи навбатда шаҳардаги тутларнинг баргини таллашиб-тортишиб едирадилар-да, охирида ўзларидагини ишлатишади. Натигада, ипак қурти боқилиб бўлгач, қарасангиз, колхозларда анча-мунча тут барглари ортиб қолади. Ҳар йили қирқиб турилмаган тут дарахтлари эса келаси йилга яхши барг бермай — тўронги бўлиб қолади.

Кейинги пайтларда шаҳар Советлари шаҳар ичидаги тут дарахтлари баргларининг кесиб кетилишини тақиқлайдиган чораларни кўрмоқдалар.

Айни пайтда область ва район ипакчилик идоралари шаҳарлардан барг оладиган колхозларда тутчиликни кенг йўлга қўйиш учун махсус тадбирлар кўряпти.

Республикамизда ипак қуртини мўл-кўл барг билан таъминлайдиган тутзорлар барпо қилишга ҳар ёқлама аҳамият бериш пайти келди.

Э. ТОЖИЕВ,

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик вазирлиги Ипакчилик бош бошқармасининг бошлиғи.

Фарғонада яна бир гўзал бино қад кўтарди. Унга об-ласть ва шаҳар ижроия комитети жойлашади. Бу бино Ленин ҳайкали рўпарасидаги тўғри тўрт бурчак ҳо-вуз майдонга ва бино маза-расига фойда киритиб туради.

Олти қаватли замонавий кўркам бинода асосан ходим-ларнинг ишхоналари жой-лашади. Ҳар қайси қаватга лифт ёки зиналар билан кў-тарилиш мумкин.

Олти қаватли маъмурий бинодан доира шаклидаги бир қаватли катта залга ўти-лади. Бу залда 700 ўрин бор. Бундан ташқари, 300 ўринли кичик зал, бирданга 250 хў-ранда оёқталана оладиган кенг хона бўлади.

Бинонинг икки ҳовлисида чиройли гулзорлар орасида фонтанлар тепага сув пу-р-каб туради.

Бино лойиҳасини Тошкент-даги давлат лойиҳалаш ин-ститути — «Узгоспроект» кол-лективи тайёрлади. Қурувчи-ларимиз бунни қуриб битказ-гач, Фарғона жамоли анда очилади.

Даврон РАҲМОНОВ,
Бинокор-инженер.

Игорь Лимаков асарларида кўпроқ лирикани кўрагимиз. Жонажон шаҳар қиёфаси, унинг янги саноати, маданияти ва спорти расом қалбига завқ-шавқ уйғотади. У ўзининг бу завқдан олган ҳиссиётини мусаффо, майин ва илиқ бўёқларда тасвирлашга интилади.

Сиз ўнда кўриб турган мана бу сурат Чилонзордаги баҳорни акс эттиради. Бу расомнинг сўнгги асарларидан бири. Янги қурилаётган уй-joyлар орасидаги кенг равио кўчадан полвои машиналар ўтиб турибди. Баҳорги шабда, атрофдаги дарахтларнинг майин тебраниши кишида аллақандай жарангдор, шўх кайфият ҳосил қилади. Гира-шира бўёқ билан мотоцикл ва унда икки ёшнинг шамолдай елиб бораётгани пойтахтнинг кайноқ, жўшун ҳаётига ҳамоҳанг қилиб тасвирланади.

Расом бўёқларида ширин кайфият, баҳор айёми, меҳнат ва бахт тараннум этилади.

* * *

Зокир Иноғомовнинг «Кабобпаз» сўрати табиийлиги билан кўнглимизга дарвор ёқиб тушади. Бу расом аксарият асарларида халқ анъаналарини тасвирлашга, уни замона ҳаёти билан узвий боғлашга уринганини пайқаймиз. «Кабобпаз» сўра-тига тиниб туриб, оддий меҳнаткашга меҳр-шайқат, инсоний ҳурматни кўра-миз, бунда халқимизнинг меҳмондўстлиги, очиқ кўнглилигини кўра-миз. Кабобпаз пой-тахтдаги энг гўзал, замонавий бинолар рў-парасида кура кўйиб, кабоб тобляити, че-ҳрасида табассум — ўз насоб-юрдан, ҳа-ётдан мамнулиги барқ уриб турибди. Унга тикилган сари тикилгинг келади, шунда кабобпазнинг ички дунёсини кўра-ётгандай бўлсан, киши. Санъаткорнинг маҳорати ҳам шунда — у бизни одамлар-нинг ички ҳолатини билиш сари етак-лайди.

Л. ЕРМОЛЕНКО.

«ГУЛИСТОН» МУШОИРАСИ



Малина МИРЗАЕВА

Фарғона шoirаси.
«Коммуна» газетасининг ходими.

Кўздан бўлса сал йироқ кўзлар,
Қадрдон билгум жовдироқ кўзлар,
Парпираса қувонсам, кулсам,
Жовдираса холи танг бўлсам,
Нохушликка боқиши аёз,
Садоқатда меҳри саҳий ёз —
Бахтгинанинг кўзгуси кўзлар,
Орзуларим згуси кўзлар.
Шундай кўзлар насибдир дилга,
Шундай кўзлар васфидир дилда.
Шу кўзларнинг меҳригисин,
Шу кўзларнинг излаб қиссин
Завқу шавққа тўлиб лиммо-лим,
Савтрларга кўчаркан дилим,
Ер қарашин бир илҳом экан,
Бўлмаса шеър тугиларимкан?!


Фарғона



ТУЛҚИН

«Жилгалар», «Севгим»,
«Бўлоқ қўшиғи», «Бир
гул атри» наби китоблар
муаллифи.

Бизнинг излар қолган сўлим боғларда
Дилин мафтун айлар ёшлик чамани,
Таниш йўллардан юрган чоғларда
Мен сени эслайман,
Сен эса мани!
Сухбат қураб эдик он тунлар узоқ,
Бизга паноҳ бўлган жийдазор қани?
Уша дамлар завқи яшайди бирон,
Мен сени излайман,
Сен эса мани!
Айрилиқ дардини тотмагандик ҳеч,
Ҳатто бўлиб ердик битта олмани,
Уртада бўларди ғам ила севинч,
Мен сени севадим,
Сен эса мани!
Гўё кўлимизга кўнар эди ой,
Осмондай кенг эди ҳаёл маснани
Бизга кўшиқ куйлаб берар эди сой,
Мен сени ўлардим,
Сен эса мани!
Ширин хотиралар чулғайди бир дам,
Соким айланаман таниш кўчани,
Эхтимол незганаман бу ерда сен ҳам,
Мен сени топмадим,
Сен эса мани!
Мана, айрилиқ ҳам етибди, ошна,
Мана, йўқотибмиз ширин нечани,
О, эркам! Қанчалик бўлмайлик ташна,
Сен мени йўқотдинг,
Мен эса сани!..



И. ЛИМАКОВ. Чиланзорда баҳор.

Э. ИНОҒАМОВ. Кобоблаз.





У Й И Н Г И З

Ишхонадаги ҳамкасблар, узоқ-яқин ёру дўстлар Кузнецовалар оиласида ноз-неъматга тўла стол атрофида. Улар бу оқшом куёвқайлик Евгений билан Раисани янги уй билан муборакбод этишга тўпланишган. Мезбон Евгений қўлида қадаҳ «Қани меҳмонлар янги уй, турмушда, ишда баракали омад учун шунини сипқарайлик» деяпти.

Шундай хушқайф пайтда рақс тушмай ўтириб бўларканми?! Мана ёшлар шўх музикага ҳамроз бўлиб рақсга тушишяпти. Рақслар шодлик, кулги, шўхлик билан апоқ-чапоқлашяпти. Бу — гўзал давримиз рамзидир.

Раиса билан Евгений «УзГИИТИ» институтининг техника бўлимида ишлайди. Биз уларга янги уйларингиз қутлуғ бўлсин, ўзларингизга, бола-чақаларингизга буюрсин деймиз.



МУБОРАҚ!

Тошкент металлсозлик заводининг собиқ ишчиси Юнус ака Тожибоев ҳозир 70 ёшда, шахсий пенсионер. Унинг оиласи ўн икки аъзоси билан зилзиладан олдин Арпаоя кўчасида 83-уйда турарди. Яқинда унга Чилонзордаги 23-сектордан 4 хонали уй беришди. Қўёвга чиққан иккита катта қизлари ҳам икки хонали, уч хонали янги алоҳида уйларга кўчиб ўтишди.

Бугун мўйлов тоғамизу, нуруний онахонларимиз, ўғил-қизлари, неваралари ҳамма ҳаммаси жамулжам. Юзлардаги табассум, лаблардаги ханда эл-юрт ғамхўрлигидаи, қўли гул бинокорларимиз ҳимматидан миннатдорлик аломатидир.

Пастдаги суратда ҳам янги уйдаги бахтиёр ҳаётнинг, ширин турмушнинг бир хуш они акс эттирилган. Юнус ака ширин-шакар фарзандлари қуршовида.

Г. Графкин фотолари.





Р. АХМЕДОВ. Сурхондарёлик аёл.



АНОРЗОР ОРАЛАБ...

Ушбу расмга муаллиф «Сурхондарёлик аёл» ёки «Қизил кўйлаклик аёл» деб ном қўйган. Бу асар республикамиздаги, Совет Иттифоқидаги, чет эллардаги кўргазмаларнинг рўйхатида кирган.


Томошабин бу суратга бир оз боққан ҳамон унинг рўпарасида тўхтайдди. Еш, ёнимли чеҳрага суқиланиб боқадди. Шунда у олис Сурхондарё аёлининг ўйчан, бой руҳиятини ҳис қилди.

Сурат муаллифи замондошларимиз тасвирини зўр маҳорат билан чишиб шухрат қозongan Ўзбекистон халқ rassоми Раҳим Аҳмедовдир, Рассом киши қиёфасини чизганда дарвизим ва жамиятимиз неъматларидан баҳра тоналган замондошларимизнинг бой ички дунёсини очиниши кўзлайди, халқ доғлиги, ҳаётбахш ирсаси, имодий намолоти руҳий бардамлиги унчаган образларда барала сезилиб туради, айни пайтда ҳар бир портрет эгасининг ўзига ҳос томонларини очшига интилади.

Бу суратда ҳам биз шу ҳолатни кўраемиз. Аёлининг табиати, соддалиги, ўз қадр-қимматини билиши, кийим-кечаги, зийнат безаклари мезёрдалиги rassом мўйқаламида енгил, юмшли, ёрқин чиққан. Суратдаги аёлининг ўйчан, лекин мағрур кўзларига тикилиб туриб, бу мураккаб образнинг оғир ҳаётини, турмуш машаққатларида чиниққан аёл-фаросатини ҳис қиламиз. Раҳим Аҳмедов бу асари билан дарвизим кишиларининг яна бир сиймосини элга танитди.

Тошқинни сув тўсади

Қора мой ташийдиган кемалар Ўрдамисиз чидамли улкан нейлон қопларда минг тонналаб нефть ташийиш мумкинлиги «Гуьдир» америка фирмаси ходимларида қизиқ бир тажрибава ундаи: худди шундай қопларда (албатта, кичик ҳажмларидан) дарё ва сойлар тошқинида дамба ўрнида фойдаланиша бўлмасмикин? Қоплар ўша тошқин сувага тўлдирилди-да, бир-бирига ёндоштириб қўйилди. Шунда сув тўлдирилган қоплар бир-бирлариға ва ерга жипсе ўрнатишиб, тошқин сувидан бир томчисини ҳам ўтказмайди. Бундай «дамбаварли тошқин йўлига бир неча ўн секундда ўрнатиш мумкин.



Гилдирак-цистерна

Автомашинага тиркаб олинган мана бу гилдираклар ҳар бири икки тоннадан ёнлиги ёки сув сиқирайдиган цистерналардир. Бу цистерналар

Қува деганда унинг анори, анорзорлари кўз олдингизга келди. Ҳа, Қува — анор ватани, анор водийси. Районимизда гектаридан 200 центнергача ҳосил берадиган сербарақа анорзорлар бор, бир одам умрини яшаб қўйган бўлса-да ҳали қаримаган, ҳосилдан қолмаган анор туллари бор. Қувада томорқасида анорзорти бўлмаган хонадон топилабди. Анор кўкартириш — қуवालликларга ота касби бўлиб қолган. Ҳа, сара анордан татаман десангиз, анор таърифини, тарихини биламан десангиз, Қувага келинг. Бу ерда анор билан унинг қирмизи суви ёзин-қийин бирдай дастурхон безаги. Қувада анорни киши билан худди шода тургандай уринтирмай асрайдиган богбонлар борки, анор таърифини ана улардан эшитсангиз. Вой-бўй ҳузур қиласиз, ҳузур. Шоир бўлиб кетишади-е..

Бироқ, тўғриси, кейинги йилларда қуवालлик богбонларга анор ҳақида гап оғдулек бўлсангиз илгаридай ёзилиб ҳўжа қилишмайдиган бўлиб қолишди. Хомуш тортиб туриб тагинин очини ўз ташвишларини тўкиб солишди. Тўғриси, анор ташвишдан гап очинади.

Богбонлар саволни қалаштириб ташлашади. Нега бир анорзорда гектаридан 200 центнердан ошириб анор териланти-ю, бошқасида 50 центнерга етмайпти? Нега хонадонларда 50—60 ёшли анор туллари ҳали ҳосилдан қолгани йўқ-ку, колхоз богларига эса экилганига 10 йил бўлмай айниб кетяпти? Нимага колхоз богларига анорларнинг яримдан кўпи ёрилиб кетяпти? Анорларни ёлпасига ел уриб кетяпти. Нимага қишгача ҳам асраб бўлмайпти?

Ҳақиқатан ҳам нега Қува районида—анор ватанида унинг ҳосилдорлиги пасайиб кетяпти? Нега биргина «Социализм» колхозида ҳар йили 100 тоннадан анор егштириляпти-ю, бошқа ҳўжаликларда унинг салмоғи 20—30 тоннадан ортмайпти?

Биз Қува анорзорларини оралаб юриб богбонлар, мутахассислар, колхоз раислари билан бу ҳақда гапашдик. Нима гап? Қувада анорга эътибор шуми? Ким айбдор бунга? деган саволларни кўндалан қўйдик. Уларнинг юрагига анчагина гаплар ётган экан. Масала ойдин бўлди. Энди, биз шу гапларни тегишли ташкилотларнинг эътиборига ҳавола қиламиз:

— Анор сермехнат мева,— дейди «Социализм» колхозининг раиси Норматжон Усмонов,— лекин ҳозиргача бу ишларнинг ҳаммаси қўл кучи билан бақарилади. Айниқса, анор тушпини қузда кўмиб, баҳорда очилдан машаққатлироқ иш йўқдир. Қишлоқ ҳўжалигида ҳамма иш машиналар елкасига юклянтилти-ку, лекин конструктор ва машинасозлар богбонларимизни унутиб қўйишмоқда. Анорзорларда ҳам ишлайдиган машиналар яратилишига умидимиз йўқ эмас.

— Анорчиликдаги илгор тажрибларни илмий асосда ўрганиб оммалаштириш вақти келди. Лекин, олимларимиз бу борада ҳам — анор хилларини ахшилаб, ҳосилдорлигини ошириш соҳасида ҳам етарли иш олиб боришга теггани йўқ. Анор деган антиқа мева борлигини унутиб қўйишган чоғи. Унинг ҳосилдорлиги йилдан-йилга бекорга пасайиб бораётгани йўқ,— деди «Коммунизм» колхозининг раиси, СССР Олий Советининг депутати Мусожон Шербўтаев.

— Ҳозир анор парваршининг, уни киши билан уринтирмай сақлашни ҳамма ҳам билади дедя олмаймиз. Анорни экиш бошқа, уни ҳосилга киритиш, ҳосилини сақлаш бошқа. Вақ-

нинг қулайлиги шундаки, уларни истаган жойда сақлаш, истаган жойга элтиш мумкин. Машиналарга ўрнатилган цистерналардан айласиз, захкаси районларда, қўм барханлари орасида фойдаланиш қийин. Гилдираксимон цистерналар эса бундаки ерларда баҳосиз нарсадир.

тида сув бериб қўйсанг анор ўзи гуллаб, ўзи ҳосил тугаверади деб ўйлайдиганлар қўпайиб қолибди. Йўқ! Анар нозик нарса, унга сув қўйишни ҳам билиш керак. Бўлмаса, ҳосил тамоман ёрилиб кетади. Ерилган анор—анорми? Гапнинг сараси шуки, анорни қандай экиш, қачон, қандай қилиб яхши сақлашнининг ривосати йўқлиги қўнлини хижил қилиб турибди. Биз билганларни фарзандлари билмабди. Келгусида эса улар бизнинг ўринимизни олишлари керак. Бу касбнинг сирасорини билмай туриб қандай ишлашади? Бизни ана шунинг ташвиши босмоқда. Олимлар бизни шу ташвишдан ҳалос қилиша эди,— дейишяпти богбонлар.

Ҳозир районимизда йилга 400—500 тонна атрофида анор егштириляпти. Агар анорчиликка чинакамга эътибор берилиб, халқнинг азалдан орттирган тажрибаси оммалаштирилса, анорзорлар дашт ерлар ҳисобига кенгайтирилса, ҳар йили ҳозиргидан икки-уч ҳўса кўп анор ҳосили териб олиш мумкин. Бунинг ўрнига анорчилик йилдан-йилга эътибордан четга чиқиб қоляпти. Ҳатто, колхозчиларнинг томорқаларида егштирилган анорларни исроф қилмай қабул қилиб олиш ҳам яхши уюштирилмаган. Ҳар йили кўплаб хонадонларда неча ўнлаб тонна анорлар қириб кетяпти. Ваҳоланки, бунга чек қўйиш имкони бор. Ҳар қанча анор бўлса, Қувадаги консерва цехида анор шарбати тайёрлаш мумкин. Ҳозир цехдаги анор шарбати ишлаб чиқарадиган машина ярим қувват билан ҳам ишлаётгани йўқ. Машина икки соат ишлатилиб, тўрт соат тўхтатиб қўйилади. Сабоби тайёрланган шарбатни идишларга халигача қўлида қўйилади. Бу жаравини механизациялаштириш зарурлиги хусусида республика Озиқ-овқат саноати министрлигига бир неча марта мурожаат қилинди. Бироқ, ҳанузгача натижа бўлмайпти, тегишли жавоб берилгани йўқ!


Қуवालликлар ҳисоб-китоб қилиб чиқишди. Агар юқоридга айтилган иш — шарбат тўлдирish механизациялаштирилиб, цех ҳузурда анор сақлаш имконини берадиган улкан муз омборхона қурилса, цехда анор шарбати тайёрлаш ҳозиргидан етти баравар кўпаяркан...

Республика Озиқ-овқат саноати министрлигидидаги ўртоқлар энди бунинг мағзини чақиб кўришса, яхши бўларди.

Республика Қишлоқ ҳўжалиги министрлигидидаги ўртоқлар ҳам анорчиликни ривожлантириш масаласини ўйлаб кўришлари керак. Балки, Қувада бирорта анорчилик ҳўжалиги ва тажриба-синаш станцияси ташкил қилиш лозимдир. Балки, Фаргона водийсида анордан яхши ҳосил олиш мумкин бўлган ҳўжаликларда алоҳида анорчилик бригадалари тузиш мақсадга мувофиқдир.

Гап келганда яна бир нарсани айтаб ўтмоқчимиз. Анор деганда нега энди фақат Қува, Наманган, Фаргона тилга олинади. Серқўёш, тупроғи олтин ўлкамининг бошқа район, бошқа областларда ҳам кўз илгамас анорзорлар барпо қилинса, эҳкаса бўлади-ку! Бу ҳақда ҳам, умуман анор ташвишлари хусусида тегишли ташкилотлар ва мутахассислар бир ўйлаб кўришлари керак. Фақат ўйлаш билан албатта иш битмайди. Балки ишга киришиш, масалани ҳал қилиш вақти келди. Қанчалик тезроқ бўлса шунча соз. Чунки, ҳаммамиз ҳам сара анор кўп бўлса, дастурхонимиз янада бут, мўл-кўл бўлса, деймиз!

М. БЕК.



Я Н Г И Ш Е Ъ Р Л А Р

ДУЪЛЬ

Куз фасли,
 ўрмонзор нақадар гўзал!
 Оёқлар остида барглар поёндоз...
 Лаҳзани ҳис этсанг,
 ўзи бир газал,
 Эй қалам,
 синмаган бўлсанг,
 қани ёз!
 Нега ҳаёл суриб қолдинг, азизим,
 Олтин кузини кўриб, асладинг кимни?
 Зулфизар қиздай у сўрамай эзин,
 Единиға солдим буюк Пушкинни?..
 Ошиқ бўлсанг,
 Юрак, яра дуълга!

Чўчима,
 севгининг йўли серташвиш...
 Кучсизга даф қилиб, мақтанма элга,
 Зўрия енга олсанг, сенга минг олқиш!
 13.IX.67

ТУШ

Тушим таъбирини айтиб бер, ойим?
 Туш кўрдим,
 тушимда ҳамма йўллар берк.
 Гўё ер юзида қиёмат-қойим,
 Тириклар ўлигу, ўликлар тирик!
 Чўчидим,
 лабларим устида учуқ,
 Юрагим орқага тортиди десама гар,
 Ойим, айблама, ёлғонлагим йўқ,
 Найлай,
 қуруқликдан қиламан ҳазар!

Ўликдан кўрқаман, тирикдан эмас!
 Тириклар сафида доим хушёрман.
 Биламан: ўлик-ку хавфсиз, бегараз...
 Курашга яроқли тирикка борман!

Ҳаёт ўзи кураш, нитилиш демак,
 Дувёдан ўтганлар бунинг англолмас.
 Ўликка бор-йўғи уч газ ер керак,
 Кенг ерда беаҳамат ўзинг англолмас.
 Яланлик ярашар тирикка фақат,
 Парвоз этар бўлса,
 бу кенглик ҳам тор!

Билганга тириклик бахту саодат,
 Билмаганга ўлим ҳақу барқарор.

Туш кўрдим,
 тушимда ҳамма йўллар берк,
 Гўё ер юзида қиёмат-қойим,
 Тириклар ўлигу, ўликлар тирик!

Тушим таъбирини айтиб бер, ойим?
 Кўз очсам, тирикман.
 Демак иш йирик!
 Қалбимда бир олам умид, эҳтирос...
 Ўлимга юзма-юз келолман тик,
 Таажжуб!
 Ўликдан кўрқаман, холос.

21. XI. 67.

БИР ЖУФТ ГУЛ

Совға-салом олдим —
 юборганингни...
 Анор беҳилар ичра бир жуфт гул
 Жилмайиб боқганда,
 қувонганимни —
 Афсуски, кўрмадинг,
 азизим, бир йўл...
 Бир жуфт гул наздинда бир даста гулдай,
 Бир боғу чамандай кўринди ҳатто.
 Бир жуфт гул товланди бир олам нурдай,
 Япроқлар қатида андиша,
 ҳаё...
 Гудакдай
 қувончдан ёнди кўзларим,

Қалбимни забтига олди ҳаяжон:
 Гўёки қовушмай қолди сўзларим,
 Ташаккур айтишни унутдим,
 ишон!

Аммо ишқимни сир тутмади қалам,
 Илҳом парисига ошналимдан...
 Ҳамон довдирайман,
 ёшим ўтса ҳам,
 Севги шаробига ташналимдан.
 Мана, сен юборган бир жуфт хушбўй гул:
 Бириси оташ ранг, бириси оппоқ...
 Бу сенми ёки гул?
 англолмас кўнгили!
 Бағримга босай деб, очдим кенг кучоқ.
 18. X. 67

ЮЛДУЗГА БОҚ

Юлдузга боқ, жоним зериксанг агар,
 Мен ҳам танҳо қолсам, унга боқаман.
 Фарқи йўқ — эртани, кечми ё саҳар,
 Ошиқ юрагимни ўтда ёқаман.

Юлдузга боқ, юлдуз олмас бўлса ҳам,
 Ҳамдарддай титрайди нурли лаблари.
 Баъзи бир дўстлар бор яқин, ҳамқадам,
 Афсуски, ўликдай совуқ қалблари.
 5. X. 67

НУРНИНГ ЁНИШИНИ СЎНДИРИБ ҚЎЙМА

Олмос қиррасида жиллоланар нур...
 Ўткир қирраларида нурнинг манбани.
 Нодон бўлма, дўстим,
 (ўтинч ва узр!..)

Қўлнинг кесишидан кўрқиб,
 атай

Қиррани текислаб,
 Тигини ўтмаслаб,
 Нурнинг ёнишини сўндириб қўйма!
 Қирралар қимматин ўйлаб кўр,
 дастлаб,
 Бунинг,

сен бачки бир савдога жўйма!

Балки,
 кўзи бордир қирраларнинг ҳам,
 Йўқса, эгри қўлни кесади нечун?!
 Тўғри қўл қиррадан чўчимас,
 бардам

Юзма-юз келади — ўтайди бурчин.

Тўмтоқ пичоқ бефарқ қўл кесар холос,
 Эҳтиёт бўлсанг бас,

ўтмас пичоққа!
 Номард киши унга қўяди илҳос,
 Кўнгили берганидай босар кучоққа...

Олмас қирра эса нурга беланчак,
 Қиррада чайқалар бир олам зиё...
 Фаҳму фаросатсиз қўл чўзса,

бешақ,
 Қўлдан ажраси мумкинди ҳатто!

Шуълалар мавжиди сир урсордай
 Олмос қирраларнинг тилганган юзи.
 Маразни кесгудай,

бурчга тайёрдай...
 Бир қирра нуқтага —
 бир юлдуз ўзин!..

Қирралар қимматин ўйлаб кўр,
 дастлаб,
 Бунинг,

сен бачки бир савдога жўйма!
 Қўлни кесади деб,

кўрқиб,
 ўтмаслаб,
 Нурнинг ёнишини сўндириб қўйма!
 22. X. 67.

Даволашнинг янги усули

РСФСР Соғлиқни сақлаш министрлиги Давлат илмий текшириш психиатрия институтини қишидаги тажриба клиникасининг ташкил этилганига сал нам икки йил бўлди.

Янги ярираб турган бу бинога завқ-шавқ билан кириб бораман. Замоनावий клиникага хос ёруғ, ҳаёт бахш этувчи шинам даволаш хоналари. Профессор Юрий Сергеевич Николаевни излаб топдим. У беморларни қабул қилаётган экан. Икки соат давомида кабинетга бирин-кетин одамлар кириб турди. Бу беморларнинг баъзилари узоқ вақтдан бери дард чекаётган одамлар, баъзи бирлари эса яқинда насалга чалинган кишилар экан. Бу галги қабулда москвалинлардан кўра узоқдан келганлар кўп эди. Бу кишилар мамлакатимизнинг узоқ жойларидан, турли шаҳар ва қишлоқларидан юзлаб километр йўл босиб, бу мудҳиш насалдан қутулиш учун келганлар.

Қабул қилишни тугатган профессор мени палаталарга бошлади. Хоналардан бирининг эшиги қия очилган. Тарелкада тўғралган нон кўринади, тушликка тайёргарлик. Ленин биз илгари юрдик. Палаталарнинг бирига киримиз. Каравотда ёш аёл ўтирибди.

— Аҳволингиз қалай, Нади? — сўради профессор. Аёлнинг сўнчи кўзлари бефарқ эди. У ҳарқалай профессорга жавоб қилди:
 — Емон эмас.

ОЧ ҚОЛДИРИБ

— Сизга бу ер ёқадими?
 — Билмайман.
 — Ҳозир нима истайсиз?
 — Ҳеч нарса.

Бу бемор 24 ёшда. Диагнози — шизофрения. Врачлар тили билан айтганда касаллик шахс инқирозига олиб келган.

Шизофрения — психиатриянинг энг муҳим ва мураккаб муаммоларидан бири. Булун дунё соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига қараганда, бу касал билан ер юзидаги аҳолининг деярли ярим фойизи азоб тортади.

Рухий касаллик — шизофрения сабаблари ва уни даволаш усуллари ҳақида мутахассислар ўртасида келишмовчиликлар мавжуд. Кўпчилик бу касални ирсиятдан эканлигини таънидлаб, деярли даволаб бўлмайдми дейди. Организм ўзини ўзи тиклаш жараёнидаги мураккабликлар, оқсил моддаларининг тўла бўлимаслиги асаб системасини заҳарлайди, милга узлуксиз номаълум хавф солиб туради. Мия чала уйқуга кетганда, яъни гипноз холатига тушгандагина бу хавфдан сақланади. Одамни бемаъни-беҳуда финирлар чулғаб олади, унга кўрқинч ҳуямронлик қилади.

Ю. С. Николов ақдан озган кишилар билан кўп муносабатда бўлди, кўп тажрибалар орттирди. Бундай кишиларнинг кўпинча овқатга майли йўқлигини кўрди. Бу нарса нимагадир, касаллар ўзларини ўзлари ўлдиршига мойилликдан деб тушунилар эди. Шунинг учун уларни куч билан овқатлантирардилар.

Балки овқатдан воз кечилганда организмнинг химия реакцияси намоен бўлар. Балки организм уни захарловчи моддалардан қутулиш йўлини излаб топар?

— Бу фир янги эмас, албатта, — дейди профессор Николов. — Қадимги Миср, Ҳиндистон, Юнонистон шифокорлар оқ қолдириб даволашни кўп касалликларга қўллаганлар. Икки минг йиллар аввал Юнон ҳокими Асклепиад ва римлик Анул Цельс оқ қолдириб даволаш энг ишончли эканлигини тан олганлар. Кейинчалик бунинг машҳур Абу Али ибн Сино ҳам таънидлаб ўтган эди.

Албатта, ҳамма беморлар ҳам оқ қолдириб даволангизга бардос беролмайдилар. Профессор Ю. С. Николов уларни уч тоифага атрадади. Биринчи тоифа очлик давридан яхши ўтди, иккинчи тоифа беморларга, гарчи уларнинг руҳий ҳолати янча яхшиланса ҳам, очлик суст татсири қилади. Касали жуда оғир бўлган, очликни деярли

писанд қилмайдиганлар учинчи тоифага мансуб беморлардир.

Эндиликда тажриба клиникасида оч қолдириб даволашни бошқа касалларга ҳам қўлланилмоқда. Профессор Николаев бўлимида унлаб бемор ётибди. Улар орасида шизофрения, васбаса, маннакал ва юқумли психоза каби руҳий касалликларга дучор бўлганлар, шунингдек, бронхиял астма, ошқозон яллиғланиши, гипертония, полиартрит, стенокардия, атеросклерознинг бошланиш даврини бошидан кечираётган беморлар бор. Уларнинг ҳаммаси нормал аҳволда. Беморлар сайр қиладилар, китоб ўқийдилар, айримлари эса йўлақда қор курамоқдалар.

Биз беморларнинг баъзилари билан суҳбатлашдик.

М. исмли инженер-конструктор 58 ёшда. Бу аёлни полиартрит, холецистит, уйқусизлик, бронхиял астма безовта қилар эди. У 20 кундан бери оч қолиб даволанаяпти ва ўзини яхши ҳис қилапти. Бўгинларидаги оғриқ йўқолган. Илгари юра олмас эди, энди юради, йўтал ҳам йўқ.

Бемор Ч.нинг 12 бармоқли ичаги яллиғланган. Оч қолиб даволангандан кейин тузалган, аҳволи яхши. Яқинда меҳнат кучоғига қайтди.

Бемор Т. клиникага 200/100 қон босими билан келган. Очликнинг тўққизинчи кунидеяқ дарди енгиллашди, қон босими нормал ҳолга келди. Юрак ва жигари тез-тез безовта қилар эди, энди оғримаяпти.

Шунга ўхшаш яна кўп мисоллар келтириш мумкин. Беморларнинг кўпчилиги даволаш курсини ўтандан сўнг, соғлом ва меҳнатга қобилиятли нишилар бўлиб чиқади.

Оч қолган киши организмда нималар рўй беради?


— Менинг назаримда, Юрий Сергеевич, ҳар ҳолда оч қолиш хавфли туолади, — дейман профессорга. — Ахир Ленинград қамалида даҳшатли ҳодисалар озмунча бўлганми?!

— Тўйиб овқат емаслик хавфли, — дейди профессор. — Маълум вақтга оч қолишнинг ўзи хавфли эмас.

Одам маълум вақт мобайнида оч қолиб эмас, тўйиб овқат емаслигидан озиб, сўйиб, шу билан ўла борар экан. Тўйиб овқат емаслик дистрофияга олиб келади, шу вақтга келиб, организм 40 кило оғирлигини йўқотади, у янаш олдидега туради. Терияда тузатиб бўлмайдиган ўзгаришлар рўй беради. Оч қолиб даволанишда эса, организм 20 фундан кам оғирлигини йўқотади, бу эса тезда ўз ўрнига келади.

20—30 кун озгина кун увоғини олмаган кишилар нималарни ҳис қиладилар (сувени истаганча ичш мумкин).

Мана беморларнинг айтганлари: дастлабки 3—4 кунда қорин очади, кейин иштаҳа тамоман йўқо-



Пойтахтнинг Навоий кўчасида («Ватан» кинотеатри ўрнида) қад қўтарган бу муҳташам бинода Ҳамза номидаги Академик драма театри томошалар кўрсата бошлайди.

Суратни Ҳ. Раҳматуллаев чизган.

ОНАЖОНИМИЗ ҚЎШИҚЛАРИ

Самарқанднинг Дамариқ қишлоғида яшовчи Рисолат опани олти йилдан бери яхши биламан. Хотин-қизлар гуруҳини қизитишлари, маъракаларда уларни қўшиқ, рақс сари ундашлари ҳақида қўни-қўшиқларнинг ҳикояларини кўп эшитганман. Ҳар ким ҳам ўз даврасида гуллар экан, мен қанчалик уринмайин Рисолат опанинг вужудни қитиқлайдиган, кўнглини қанотлантирадиган шеърларини эшитолмасдим. Охири қизлари Дилбархон, кежжотой ўғиллари Музробни ишга солдим, она тилидан байтларни ёзиб олмагунларича тинчтмадим...

Чакки эмас экан, шеърларни мутулаа қилар эканман, ўзимни янги оламда бўлгандай ҳис қилдим, мисраларнинг равон, таъсирчанлиги мени мадҳун этмай қўймас эди. Бу ҳақда ёзиш, бадиий қалам муҳлисларига хабар беришни муҳим бурч деб билдим. «Гулистон»га унинг инқилобдан аввалги хасрат ҳақидаги бир шеърини ҳавола қилдик.

Талъат АБДУЖАББОРОВ,
филология фанлари кандидати, Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети доценти.

Бошқа ҳар қандай жиддий даволаниш наби — оч қолиб даволанишни ҳам врач назорати остида, ҳамма зарур тартибларни сақлаган ҳолда олиб бориш лозим. Оч қолиб даволаниш тартибларига массаж, ванна, буғ ҳаммони, Шарко души, сув ости массажи, даволаш бадан тарбияси ва бошқалар кирди. Оч қолдириб даволаш усулининг кенг терапевтик имкониятларга эгалигини тажриба кўрсатиб турибди.

Ошқозон яллиғланиши ва 12 бармоқли ичакнинг, шунингдек юрак томир касалликларининг кўпини оч қолдириб даволашда анадемик Банулев ижобий натижаларга эришди.

А. Н. Банулев кўпдан бери раҳбарлик қилаётган клиникада ҳозирги вақтда оч қолдириб даволаш муваффақиятли ўтказилмоқда.

Шумладан, Узбекистон республикаси етун мутахассисларга, замонавий даволаш муассасаларига эга. Бундай клиника барпо этиш учун тўла шарт-шароит бор. Ўзбек мутахассисларининг тажриба ва амалий малака орттириши натижасида беморлар даволаниш учун узоққа қатнамас эдилар.

Г. БАКШЕЕВА.

Москва.

Рисолат ОТИН

МУСОФИР ЎҒЛИМГА

Не савдолар тушди болам бошимга,

Соғинтириб бағрим бийрон айладиң.

Ҳамма сиғди Самарқанди азимга,

Сен сиғолмай ўзинг сарсон айладиң.

Онаң ўргилмади сенинг бошингдан,

Ингирма тўққизга кирган ёшингдан,

Таажжубон сенинг қилган ишингдан,

Йўлларингга кўзим гирён айладиң.

Уканг хизматга кетди, ёнимдан ўтди,

Интизорлик жуда жонимдан ўтди,

Хасратингга қаддим нимжон айладиң.

Тез кел жоним, болам ҳуморинг тутди.

Муҳаммаджон эрдинг боғимнинг гули,

Гул шоҳида сайраб турган булбули,

Очилган йўқ, ўн гулидан бир гули,

Фариб онаң рангинг хазон айладиң.

ДАВОЛАШ

лади. Овқат хусусидаги гаплар, ошхонадаги идеш-товуқларнинг шақир-шуқури, овқатларнинг ҳиди иштаҳа кўзгайди. Киши суткада бир килограммгача оғирлигини йўқотади. Кейинчалик овқатнинг ҳиди ҳам, нўриниши ҳам таъсир этмай қўяди, иштаҳа бутунлай бўғилади.

Профессорнинг айтишича, организм ўз ишини қайтадан бошлайди. Организм ўзидаги резервлардан овқат талаб қила бошлайди, яъни ўз-ўзини ейди. Бу даврда организмдаги ҳамма аъзоларнинг ишини юргизиб турадиган ошқозондан оқсил ажралиб чиқади. Энг олдин касал ҳужайралар, сўнг ёғ запаслари сарф бўлади. Организмдаги барча керакисиз, зарарли нарсалар чиқиб кетади: шиллар сўриб олинади, яралар тузалиб кетади... Бу ич касали билан оғриган беморларда рўй беради.

Организмда ишч ва яралар бўлмаган, фанат шизофрения билан оғриганларнинг аҳволи қандай кечар экан, нима ҳодиса рўй беради?

Одам миеси маълум шароитда оқсил моддаларининг бўлиниши билан захарланади. Организм оч қолганда аввало оқсил моддалари ажралар экан, бундан беморлар тез соғаядилар.

Оч қолишнинг 20—30-кунни беморларнинг тили қуриб қолади. Бу организмдаги запаслар битганидан далоят беради, бундан буён оч қолиш мумкин эмас. Энди иштаҳа очилади. Шундай қилиб даволанишнинг иккинчи палласи — 20—30 кунлик парҳез бошланади.

Тарих кулади

Кишилик жамияти тўхтовсиз ривожланади, доимо ўзгариб туради, эскилик Урнини янгилик эгаллайди. Ўз умрини яшаб бўлган эскилик янгилик билан тўнашиб кулгли ҳолга тушиб қолади.

Иجتимоий кулги асосан адабиёт ва санъатда, шу жумладан матбуотнинг муҳим жанговар соҳаси бўлган сатирик журналларда ўз ифодасини топади. Биз буни «Муштум» журнали мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Ўзбек сатирик журналистикаси революция ағдариб ташлаган эски дунёни таг-томири билан тутатиш учун олиб борилган жамиятнинг ҳамма қатламларини, кишилар фаолиятининг ҳамма томонларини қамраб олган ижтимоий-сиёсий кураш жараёнида вужудга келди. Совет сатирик журналистикасининг илк фарзандлари бўлган «Крокодил», «Перець» «Мулла Мушфиқий», «Машраб»лар қаторида «Муштум» ҳам туғилди, кулгини қурол қилиб олганча найзасини душманга тўғрилаб жангга кирди. «Муштум»да юқорида айтганимиз объектвиз қонуният, янги дунёнинг эски дунё устидан заҳарчанда қаҳ-қаҳаси ўз ўрнини топди. Бу кулги — ўзбек халқининг асрлар давомида зулм ва ноҳақликка нисбатан аччиқ кулгиси, Махмур, Гулханий, Муқимий, Фуркат, Заъийлар кулгисининг давоми, минг бор кучайтирилгани эди.

«Муштум» журналининг 1927 йил, 1-сонида «Тақасалтанг» имзоси билан босилган «Ҳа энди қалайсан?» сарлавҳали шеърда меҳнатқашларнинг техникўр бойлар устидан кулгиси ақс этган:

Бир вақтда камбағалини қул қилиб
сотидинг ака,
Қайда кўрсанг орқасидан топ, кесак
отдинг ака,
Ишлаб офтобда батрак сояда ётдинг
ака,
Бева, қашшоқ бўлса ҳар ким, қўлда
ўйнатдинг ака...
Энди кўрдингми бошинг узра келиб
қолди налар,
Боғлади қилмишларинг қабрингни қаз
моққа камар,
Раҳм қилмайди худойинг, бўлди ул
ҳам кўру-қар,
Дафъи бўл тезликда ким, дунёни
булғатдинг ака!

Ҳа, меҳнатқашларнинг ўз ҳимдорларига нисбатан нафрат, кулгиси даҳшатлидир. Масалан, журналининг 1925 йил 4-сонида босилган «Тарихий кўриниш» деб номланган ва муштумзўр миришаб тасвирланган карикатура остига қуйидаги шеър берилган:

«Дарё тошқин, сувлар тўлқин ўтолмай
қолдинг,
Шўринг қўрсин, мақсадингга етолмай
қолдинг,
Тил кесилиб ҳасратингни айтолмай
қолдинг,
Расво бўлиб муродингга етолмай қолдинг.
Ит ёқангдан, бақбақангдан мохов айла-
син,
Бурма тўппинг ва гуппингдан гўрков
айласин.»

Бу кулги, душман синф вакилларига нисбатан қаҳр-ғазаб кулгиси журнал саҳифасида босилган жуда кўп материалларда, фельетон ва памфлетларда, карикатура-ларда ҳам ўз ифодасини топган.

Ўзбек совет адабиётининг атоқли намоянчаси Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг журналининг 1926 йил 29-сонида босилган «Кўча боғи ашуласи» (ҳафизии — эшон бобон) сарлав-

ҳали шеърда узоқ даврлардан бери халқни алдаб техникўрлик билан кун кечириб келган эшоннинг Октябр инқилобидан кейинги аҳоли, эски тузум ҳақидаги «ширин» ўйлари душман синф бўйидаги урилган кулги қилчи эди.

Ўзбек халқининг отахон шоири Гафур Гуломнинг «Обаки дандон» шеърда ҳам (бу шеър журналининг 1928 йил 5-сонида босилган) диндорларнинг кирдикорлари, рўза ҳайит деб эли талашлари очиб ташланади. Шуниси характери ки шоир шеърда меҳнатқаш омма вакиллари ҳаётини чин эгаси деб таърифлайди, диннинг рўйлигини очиб ташлайди. Бу шеър кейинча лик «Шарқ юлдузи» журналининг 1967 йил 7-сонида қайта босилди.

«Муштум»нинг йигирманчи йиллардаги сонларида дин ва диндорлар устидан кулдури материаллар жуда кўп. Журналининг дастлабки муаллифлари бўлмиш Роза Юнус, Мўминжон Мухаммаджонов, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор. Тўлаган Хўжамёров, кейинроқ журналга кириб келган Зиё Санд, Носир Санд, Ҳожоилик Қобилий, Бахлузода, Қомил Алиев каби сатирачиларимизнинг кўпчилик материаллари динни ҳажв остига олади.

Дин ва диндорларни аччиқ ҳажв остига олган ва масҳарасини чиқарган фельетонлар орасида атоқли адабимиз Абдулла Қодирийнинг «Калвак маҳзумининг хотира дафтаридан» деб номланган бир туркум фельетонлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Калвак маҳзум техникўр, синфий табакани диндорларнинг бутун «фазилат»ларини ўнда ақс эттирган тиниб образдир. Унда диндорларга хоё ҳамма хусусиятлар — жоҳиллик, бефаҳмлик, калтабинлик, мақтанчоқлик, техникўрлик, тамаъгирлик, қабоҳат ўз аксини топган.

Калвак маҳзум диндор оилада «Шош шаҳрининг забардаст улаомларидан бўлган Мулла Мирза Салимсоқ охунд домлариан хож Алжариунинг пушти-камарларидан вужудга келади, техникўрлик, очкузлик, жаҳолат унга бешиқдаёқ сингади, у яқсоний майиб ва маънавий мажруҳ бўлиб воёга етади. Калвак ҳиню қилади:

«Падар қирқ беш ёшқа боранларида
худойи таолонинг раҳми келиб, фақир
волида марҳумнинг роҳимларидан қарор
топидурман. Алҳазал қиёс тўққиз ой, тўқ-
қиз кун ва тўққиз соат ўтиб рўзи душанба
ярим кеча вақти ойнинг ўн тўртинчи
куни моҳитобоннинг аини тўлишган
замонида ёруғ дунёга барқ уриб қадам
ранжиди қилбидурман. Дўстлар шод, душ-
манлар гагини бўлиб, падали бузруквор
дарҳол ҳазрат Баҳовалдин йўлларида етти
нон худойи қилбидурлар...»

Баъдазан фақирнинг тарбиятига қўпиш айлаб етти кечамни ёсон-омон ўтказиб саккизинчи куни бешика солибдурлар. Аммо ўн биринчи кечада бир оз чалиглаб ўтибдиркин, алҳол бул маънининг асорати каминида боқидур. Яъни тақаллум қилганимда «қих-қих» қилуб ва яна «мош» дейиш ўрнига «бош» деб мимни айтолмай-дурман. Бамисли ҳазрати Мусо алайхуссаломнинг «син» ўрнига «шин» айтганларидек. Ва яна фақир волидан марҳумга осийиш бермай доим аловот қилган ва зори қилур эрканман. Бу босондан сабаби вужудлар бениҳоя паршонхотир бўлиб хукамо ва кенсалардан чора сўрагонлариде фақирга қўқори берманка кенгаш берибдурлар. Баъдаз бирмуна қўқорилан ҳолов пишируб каминига истеъмолад қилдурганлариде фақир қўм босондек фароғат қилуб зори-фигонини тўхтабдирман. Аммо

ўлкам амирқон маҳсидек гижирлайтургон бўлибдир.

Фақир шу йўсин икки йил камол бешинда сирилли ёта-ёта «атта жи, анна опоқ» дейдургон тақаллумга тилим гўё бўлгани ҳолда бошқалардек бешикдан қўтилиб эркака чиқибдурман. Аммо назир бошим кесак қисқан қовуудек қийишқ бўлуб ва яна жовдирагон кўзим қасбоддан эт олуб баққол бирлан муомила қилатургон дарамага етибдур...»

Калвак маҳзумининг таржиман ҳолини ўқир экансиз, унинг оиласи, муҳитидан нафрат билан жирканасиз. Инқилобдан кейин ўша Калвак эгардан тушмайди, ўзини «доно» санайди, ҳаётдаги ҳар бир янгилик унга ёқмайди, ақл ўргатади, эски даврни жон-диби билан кўмсайди. Калвакнинг дида паст, калтафаҳм бўлсада у аҳмоқ эмас, ҳаётдаги ҳар бир янгиликка қарши чиқади. Масалан, у Совет ҳукумати томонидан очилган қироятхона (ўқини хонаси)ни қуртов ўқийдиган жой деб ўйлаб кириб қолади ва кутубхоначининг бу ерда диний китоблар сақланмайди, балки фаний, адабий, тарихий китоблар сақланади, деган жавабидан жазавага тушади.

У ер ислоҳотига қарши «хоҳ мол, хоҳ мулк алҳосил ҳаққи дигарни эмасиз тасарруфоти аҳли мўминларга ҳаромдир» деб тескари ташвиқот юргизади.

Моҳир сатирик Абдулла Қодирий томонидан тирикда қилиб асалган иккинчи бир ижтимоий қўғирчоқ — машўр Тошпўлат тажандир. «Тошпўлат тажани нима дейди» туркумидаги фельетонларинг қаҳрамони бўлган Тошпўлат тоға Калвак маҳзумдан бошқа тоифага — енгил-ели турмушга ўрганган чапанлар тоифасига мансуб бўлиб, уни асрлар бўйи давом этиб келган қоқоқлик, саводсизлик муҳити яратган. Ўз бедонасию, нос қовоғи, тўртта қиморбоз ўлфатидан бошқани кўрмаган, бутун дунёни шундан иборат деб билган онгсиз, саводсиз, замон ўзгариларини тушунмайди, ҳаётдаги янгиликлар уни довидиратиб қўлади. У бу янгиликларни тушунмай, улاردан баланд келмоқчи, улар устидан масҳара қилиб кулмоқчи бўлади. Аммо беихтир ўзи масҳара бўлиб қолганини сезмайди. Масалан у эндигина очилган совет мактаблари тўғрисида шундай дейди:

«Шу замоннинг ишларига тушунсам худойи сол! Бу нима ўзи? Афанди мактабимиз? Буни ким чиқарди? Анув куни хўрозимни қўвлаб кириб қолибман; бир уй жузук, салом йўқ, алиқ йўқ... Ҳаммаси ҳам кўрқоқ! Бабагим нима деган гап ақир. «Қут-қут-қут!» — деб болаларнинг оидидан ўрта ҳаммаси ҳам қочиб бир бурчанка тўп-ланибдир! Вой, дедим, вой юрашларингдан аканг, дедим. Ҳой Маҳкам! Шу афанди мактабиде ўқигон болаларнинг ҳам юратиде ўғити бор йингит бўлади, деб ўйлайсанми?»

Ит эмган Ҳайдарнинг гапини эшитдингми ҳали? Ҳа, дейди, шу афанди мактабиде ўқиб чиққан болалар дейди, айрипланга тушиб учар эмши, дейди. Шу айриплани нима ўзи-а? Тушунсанми ўзинг? Анув бирда учургон олабайроқ варрагимни кўрган эдинг-а? Худое товба, тўртта кучук болани боғлаб учирибман думин! Ак-ак қилади, қийирдин... Бу нима ўзи, бу лаш-лушларингни пинсад қилсам пиримнинг арвоқи» (М. 1924. № 25).

Муаллиф аэропландан варрагини юқори қўювчи, меҳнатқаш омма янги дунё қуриш учун курашайтган, меҳнат қилаётган бир даврда хўрозини қўвлаб юрган онгсиз, довидир Тошпўлат тажани устидан мириқиб кулади ва у билан қўшилиб барча қўвучилар ҳам кулдилар.

Уз умри, унинг учун ажратилган вақти тугасида тарих саҳнасидад тушишни истамийдиган юқоридеги каби бойлар, калвалар, Тошпўлат тажанилар устидан тарих кулади, масҳара қилиб ўқиб куладию, ўтмиш ахлатхонасига сунуриб ташлайди. Тарих қонуни ана шундай.

Мухтор ХУДОИҚУЛОВ.



Лола дарахти

Болгариянинг Пловдив шаҳридаги истироҳат боғида лола дарахти бор. Унинг барглари лира шаклида, гули лолага ўхшайди. Бу дарахт 1892 йилда Пловдивда биринчи ярмарка очилиши муносабати билан экилган эди. У экилгач 25 йилдан кейин гуллай бошлади.

Дароз ассистент

Фонусчилар лилпипутлар билан ишлашни ахши кўрадилар, уларни исталган ерга яшириб қўйиш мумкин. Испан иллюзионисти Габриэль эса мозамбинлик ўз ассистенти Монтан ёнида пан-панана бўлиб кўрилади. Монтанининг бўйи — икки метру қирқ сантиметр.

Ҳисобчи от

Узоқ вақтгача ҳайвонларнинг ақлий қобилиятини текширган бир рус врач отларнинг бошқа ҳайвон ва нушлардан нўра ҳисобни узоқроқ санашини аниқлади. Тўтикуш — 4 гача, мушун — 6 гача, қарга — 10 гача, баъзи итлар — 20 гача санай олар экан. Ленин отлар уларни орқада қолдириб кетади. Масалан, бир от шудгорлаш вақтида плуг билан ҳар 20 марта айланганда бир тўхтар эди: 19 ёки 21-сида айланиб асло тўхтаган эмас. Бошқа бир от эса, йул бўйидаги чаңирим ёғочларни санар экан. Бу от 15 ёни 25-ёгонга етганда тўхтар, бунинг мунофотига унга ем берилар экан.

Конфетнинг кайфи

ГДРнинг Эйзенах шаҳри яқинидаги уйлардан бирига олмахон кириб қолди. У ошхонадан коньякли конфет топиб олиб, уни маза қилиб еди. Конфет ичидаги коньяк ўткир бўлганидан олмахон кайф қилиб ўша ернинг ўзида ухлаб қолди. У шу улаганича 24 соатдан кейин уйғонди.


Ишонч

1965 йил баҳорида чехословакиялик овчилар Градиште шаҳри яқинидаги ўрмонда ярадор кийикни топиб олдилар. Уни ўрмондан келтириб, Сливковлар оиласига совға қилдилар. Сливковлар уни даволаб тузатганларидан кейин ўрмонга қўйиб юбердилар. Бироқ бир неча вақтдан сўнгра кийик ўзининг уч боласини эргаштириб қайтиб келди. У ўз болаларини Сливковлар уйда «қийлаш» учун қолдириб кетди.

Баҳайбат тухум

Париждаги зоология музейида бир замонлар Мадагаскарда яшаган эпизрнис деб аталган баҳайбат қуш тухумлари намоиши қилинди. Баландлиги 32 сантиметр ва диаметри 22 сантиметр келадиган бу тухум 140 донга товўқ тухумига тенг. Бир донга эпизрнис тухумидан 140 кишига етадиган қўймоқ тайёрлаш мумкин.


АЖОЙИБНОМА



Ўзбекистон тоғларида ҳам ширин-шавар мева етишади.
Бўстонлиқ.

*

Ўрмонлар ораси битмас-туганмас яйловлардир.
Бу ҳам — тоғларимиз неъмат.
М. Тўйчиев фотолари.





«Парк люксори отель» ресторани даст-ёри.

Лохур. Ғарбий Покистон сугориш системалари девони биноси.



Шарофиддин ТУРОБОВ.

ЛОХУР

Қарачидан Лохургача самолётда икки соат училади. Лохур — Покистоннинг кўҳна шаҳарларидан, бир вақтлар бобирийлар пойтахти бўлган. Лохурдаги машҳур қалъа-сарой Бобирнинг невараси Акбаршоҳ (1556—1605 йиллар) билан унинг ўғли Жаҳонгир замонда бунёд этилган. Рави дарёсининг сўл қирғоғида қизил тошдан ишланган сарой ҳозиргача яхши сақланиб турибди. Дарвозадан кириб, узун гулзор ўртасидан кетасиз; тахт ўрнатилган мрамар зал — «Акбарий маҳал» қаршисидан чиқасиз. Унинг ёнидаги «Девони омининг улкан болохонаси бор — подшоҳ ҳар куни ерталаб шу ерда фуқароларининг арзини тинглаб экан...

Опоқ мрамардан ишланган хосхона — «Бари гоҳ», унинг ҳовлисида атир гуллар чамам-чаман очилган. Гўзал товсулар камалак думларини ёйиб юрибди. Бу ердаги атир гулларни, айтишларича, Жаҳонгир подшоҳнинг маликаси — Нуржаҳонбегим ўтқаздирган экан, ухладан олдин ўрнига гулбарг сочтирар экан.

Жаҳонгирнинг ўғли — Шоҳжаҳон даврида сарой яна кенгайтирилиб, мухташам иморатлар қурилган.

Подшоҳ хоналарининг деворларига ранг-баранг қимматбаҳо

тошлар силлиқ қилиб терилган. Биз олти устунли бир залга кирганимизда, бошловчи ходим панжарагулчин эшикларни ёпди: уй ичи қоронғи бўлиб қолди. Шу заҳоти у, шам ёқиб, хонанинг гумбаз шипига қарашга уйдиди бизни. Қарасак, қоронғи осмон «юлдузлар» билан тўла. Билсак, хона шипига қавариқ кўзгулар ўрнатилган бўлиб, шам шуғулалари уларда сон-сановсиз юлдузлар каби акс этар экан. Беш гумбазлик ушбу зал «Шишаи маҳал» деб аталаркан.

Шоҳжаҳоннинг ўғли — Аврангзеб Оламгир даврида қалъанинг бош дарвозаси ёнида катта Жомий масжиди қурилибди. Бу «Подшоҳи масжид»нинг тўрт бурчағида тўртта мезана, катта ҳовлиси тўрида учта гумбаз бор. Жилланган оқ мрамар ётқизилган саҳнида бир йўла юз минг киши намоз ўқиши мумкин... Бу — меъморчилик санъатининг энг гўзал намуналаридан ва дунёда энг катта масжидлардан биридир. Ҳатто Деҳлидаги «Жомий масжид» ҳам бу сингари гўзал ва салобатли эмас.

Покистоннинг юз рупиялик пулида шу «Подшоҳи масжид»нинг сурати бор.

Тахминан, икки юзу уч зинапоҳ босиб, масжид мезаналаридан бирига кўтарилдик: қадимий ва айни замонда навқирон Лохур кўзга кафтдек ташланиб қолди.

Покистон халқининг улур шоири ва мутафаккири Муҳаммад Иқболга халқнинг ҳурмат-этиқоди жуда баланд экан: Лохур аҳли унинг мақбараси учун «Подшоҳи масжид» дарвозаси олдидаги гулзордан бўлак жойни муносиб кўрмабди... Гулзор ўртасидаги мрамар кўшк ёнидан ўтиб, сўл тарафга боқсангиз, баландлиги беш-олти метр чамаси келадиган пирами-


дани кўрасиз — қизил тошдан ишланган бир содда ва гўзал мақбара остида аллома Муҳаммад Иқбол мангу уйқуда ётибди...

Подшоҳ Жаҳонгир Лохурни гоят севаркан: кўз юмгач, ўзини шу ерга дафн этилишини васият қилган экан. Равининг ўнг соҳилида Жаҳонгирнинг мақбараси. Мақбаранинг чор атрафи боғ — лохурликларнинг сайлгоҳи. Баланд дарахт соясида, майсага тўшалган гиламда чордона қуриб ўтирган бир тўп хонанда ва созандаларни кўрдик — бир зум куйларини тингладик.

Шу боғнинг бир дарвозасига кўҳна карвонсарой ичидан кирилади. Саройнинг тўрт тарафида юз-юз ҳужралар, уларнинг олди пешайвон. Қоровуллар эгаллаган бир неча ҳужрани ҳисобга олмаганда, ҳаммаси бўм-бўш. Лохурлик йўл бошловчимиз Маҳмуд оғанинг айтишича, бир замонлар бухорлик ва самарқандлик савдогарлар тўғри шу саройга келиб тўшар эканлар. Карвонсаройдан бир оз беридаги Нуржаҳонбе-



Лохур. Хайвонот боғи мешқобчиси.



гим мақбараси хароброқ кўрибди бизга...

Шоҳжаҳон шаҳар теварағида сўлим боғлар барпо қилдирган. Шулардан бири — «Шалимор» («Истироҳат чашмаси») боғи ҳанузгача латофатини йўқотмабди. 1641 йилда битказилган бу боғнинг исми жисмига монанд: мрамар ҳовузлари фонтанлар, қия деворлардан тушадиган шаршаралару оппоқ мрамар шийпонлар, қалин соя берувчи дарахтлар — буларнинг ҳаммаси, чамаси йигирма гектар ерни эгаллаб ётибди. Бу боғ ҳаминша гавжум.

Лохур. «Шалимор» боғи.

Муаллиф фотолари.

Уз даврининг «Галени»¹ деб танилган Абу Бакр Муҳаммад бин Закариё ар-Розий жаҳон маданияти ва фани хазинасига катта ҳисса қўшган Шарқ мутафаккирларидандир.

Закариё ар-Розий 865 йилда Эроннинг Рей шаҳрида (Техрон яқинида) туғилди. Лекин мамлакати чегарасидан чиқиб, Ўрта Осиё ақд эгалари билан яқин алоқада бўлди.

У бачра Шарқ олимлари каби, ўз давридаги мавжуд фанларнинг ҳаммасидан мукаммал хабардор бўлган энциклопедист олимдир... Аммо унинг буюк истеъдоди айниқса уч фанда — тиббиёт, кимё ва фалсафада ёрқин намоён бўлди.

Ар-Розий ўзининг тиббиёт соҳасидаги буюк асарлари билан фақат Шарққа эмас, Европга ҳам машҳур бўлди.

Унинг таъбаот илмидаги энг машҳур асари «Китоб ал хавифи тибб» 1279 йилда лотин тилига таржима қилинди. Бу асар ўз ҳажми билан Ибн Синонинг «Қону»идан каттадир. Ар-Розийнинг ўзи таъкидлашчи, бу асар устуда у 15 йил ишлаган. Муаллиф бу аса-

ар-РОЗИИ АЙТГАНЛАРИДАН:

«Худо ҳамма инсонни тенг яратган ва уларнинг ҳеч бирга бошқалар устидан ҳукмронлик қилиш ҳуқуқини бермаган. Айрим кишиларни пайгамбар қилиб яратиб шунга олиб келадик, ҳар бир гуруҳ пайгамбарга эргашиб, бошқаларни ёлгончи деб айтади. Натихада, қонли уруш ва қирғинликлар вужудга келди».

«Дин ва диний мазҳаблар урушининг асосий сабабчиси бўлиши билан бирга фалсафа ва фанга ҳам душмандир».

«Оллоҳ номи билан ҳасамед қиламанки, агар биронга китоб муқаддас ҳисобланадиган бўлса, у ҳолда, инсон учун ҳеч қандай фойдаси бўлмаган Қуръон эмас, балки, инсон учун фойдалироқ бўлган тиббий, ҳандаса ва фалакиёт китоблари муқаддасдир».

Закариё ар-Розий

рида ўз даврининг таъбаот илми эришган ютуқларини умумлаштирибгина қолмай, ўзининг янги фикрлари ва тажрибаларини ҳам баён этди: жароҳатларни бойлашда қўй ичакларидан фойдаланиш, ёш болаларда бўладиган қизамиқ ва чечак касалликларига қарши эмлашни биринчи марта ар-Розий ўртага қўйди.

Ар-Розий кимё фанининг ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшган олимдир. Маълумки, ҳозирги замон кимё фанининг вужудга келиши ва ривожланишида ўрта асрларда мавжуд бўлган алкимё катта роль ўйнаган. Биз ар-Розийнинг кимё фанига қўшган ҳиссаси деганимизда, унинг алхимё соҳасида эришган буюк ютуқларини тушунамиз. Алхимёгарларнинг назарий қарашлари ҳозирги замон кимё фани учун ниҳоятда соддадир. Уларнинг таъбирича, кимёгарнинг вазифаси маъданларнинг сифат ва хусусиятларини ўзгартириш, бир маъданнинг баъзи хусусиятини йўқотиш ёки унга қўшим натижасида иккинчи маъдан пайдо қилишдир: худди шу йўл билан олтин, кумуш каби қимматбаҳо маъданларни ҳосил этишдир...

Аммо ар-Розийнинг алхимёдаги асарлари билан танишиш шунини кўрсатадики, у худди таъбаотдагидек, алхимёда ҳам тажриба усули ва йўл-йўриғига катта аҳамият берган, доворан синовчи бўлган. Кимё тарихида ар-Розий биринчи марта ҳозир ҳаммага маълум бўлган моддаларнинг классификациясини беради. У моддаларни уч қисмга бўлади: маъдан моддалар, ўсимлик моддалар ва ҳайвонот моддаларидир. Ар-Розий томонидан кимёвий тажрибаларда қўлланган асосблар Европа лабораторияларида яқин кунларгача ҳам мавжуд эди.

Ар-Розий ўз фалсафий қарашлари билан ҳам замондошларидан анча илгариллаб кетди ва ўз даврига нисбатан қатор илгор гоъларни олга сурди.

Ар-Розий таълимоти бўйича реал дунё бешта азалий ибтидодан мавжуд бўлган, яъни халқолок (материя), макон, замон, нафс (жон), бориб (иратувчи). Кўриниб турибдики, ар-Розий худони борлигининг ягона сабабчиси деб билган Арасту ва унинг издошларига қарама-қарши ўлароқ бешта ибтидоий сабабнинг биридир ҳолос, дейди.

¹ Антик давр тартиби.

Ар-Розий фалсафий таълимотининг энг қимматли томони шунданки, у ўша пайтда ҳукмрон мафкура бўлган динни, фанат ислом динининггина эмас, балки, христиан ва яҳудий динларини ҳам танқид қилди.

Баъзи манбаларнинг кўрсатишича, ар-Розий иккита атеистик асар ёзган: «Махарик ал-анбиё» («Пайгамбарлар қилмиши») ва «Хиял ал-мутанабийин» («Сохта пайгамбарлар ҳўйласи»). Лекин бу асарлар бизга фақат бир неча парчадагина етиб келган.

Ар-Розий ўзининг жамият ҳақидаги таълимотида ўша давр учун мисли кўрилмаган жасорат ўлароқ одамларнинг ўзаро тенглиги гоъсини илгари сурди.

Одамларнинг ўзаро тенглигини тарғиб қилувчи бу таълимотни ўша даврда фанат Шарқда эмас, балки Европада ҳам ҳеч ним ўртага қўймаган эди.

Шунинг учун ҳам ўша даврдаги реакция ва мутаассиб олимлар, руҳонийлар уни худосизликда, даҳрийликда айбладилар. Ҳатто ўз даврининг илгор файласуф олими бўлган Ибн Сино ҳам ар-Розий шайғига ҳолойиқ гапларини айтган.

Ар-Розий ўз илмий-фалсафий таълимотида ўрта Осиёнинг маъданий-илмий анъаналари билан яқиндан алоқада бўлганидек, Ўрта Осиё олимлари ҳам ар-Розийнинг илмий ва фалсафий таълимоти билан яқиндан танишидилар, унинг таъсирида булдилар. Жумладан, Ибн Сино ар-Розийнинг таъбаот ва кимё соҳасида эришган ютуқларига юқори баҳо берди, ўзининг тиббий асарларини ёзишда ар-Розий таълимотига суянди. Форобий ҳам ўз фалсафий қарашларида ар-Розийнинг табиат ҳодисалари ва улар биллиш ҳақидаги таълимотига таянди. Ар-Розий айниқса Веруний дунёқарашининг шаклланишига катта таъсир кўрсатди.

Буларнинг ҳаммаси, ар-Розийнинг фалсафий-илмий таълимоти ўрта Осиё халқлари фалсафий фикрлари тарихида голт катта роль ўйнаганини кўрсатади.

Миржалил УСМОНОВ,

Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти-нинг аспиранти.

Ш О Х А С А Р

Қардошларимиз адабиёти

Шу буюк Инсоннинг бу буюк Асари ҳа-
нузгача тўла нашр этилмаган эди. Душан-
банинг «Ирфон» нашриёти бу масъулият-
ли, муқаддас ишни ўз зиммасига олиб,
жуда савоб иш қилди. 9 томдан иборат

бу эпопеяни нашриёт коллективи 3 йил
бадалиди (1964—1966) босмадан чиқарди.

Камол Айний, Зоҳир Аҳрорий, Баҳром
Сирус ва Аликкул Девонақуловлар «Шоҳ-
нома»ни нашрга тайёрлашди. Таҳрир ҳайъ-
ати: академиклар — Мирзо Турсунзода,
Абдулгани Мирзоев; филология фанлари
кандидатлари Камол Айний ва Баҳром Си-
рус. Ушбу нашрга Улугбекнинг укаси Вой-
сунгур таҳрири остида чиққан тўла нус-
хали «Шоҳнома» тексти асос қилиб олин-
ган, яна уч қўлёзма ва икки босма нусха-
дан ҳам фойдаланилган.

120 минг мисра (60 минг байт)дан ибор-
ат бўлган «Шоҳнома»нинг 10-нотиби
луғат бўлади — бу ҳам яқин орада босма-
дан чиқади.

Р. НОРОВ,



Ором олар гўдак...

Ю. Клёнов фотолари

Ота огушида тин олар гўдак,
 Ором огушида ухлар ҳайиқмай.
 Унга кўчаларнинг шовқини йўқдак
 Гўё автобус ҳам сокин қайиқдай.
 Ота юрагига тутганча қулоқ
 Ором олар гўдак,
 Уйқуси ширин.
 Чайир қўллар унга меҳрибон қучоқ,
 Узи уйқуда-ю,
 Сезади меҳрин!

Сокин ухлар гўдак,
 Ором олар тинч,
 Жажжи юракчаси тепар хотиржам.
 Отаси қўлида тинчлиги, севинч...
 Отаси соқчидир — уйқусига ҳам.
 Фарзанд меҳри билан йўқотиб ором,
 Фарзанд оромини пойлар Оталар.
 Нўллар йўлга пайваст этади давом,
 Умрлар қўшилса... ҳаёт аталар.



Ўз «машинаси»да.

— Во-о-о!!!



Эргашнинг назарида, сокин богда кучли шамол тўс-тўполон кўтаргандай бўлди: Азмиддиннинг кувончи ичига сигмас, у юрган йўлида, турган ерида тўлғонар, маст беданадай тиймай сайрар эди.

— Дорихонадан боржоми билан спирт олдим.— Азмиддин қўлидаги пакетни Эргашнинг олдига «дўк» этиб қўйди.— Ошнинг олдидан бир пиёладан... А, лаббай? Ухў, аччиқ-чучунини ҳам болабасиз-ку!

Эргаш «бир қоп ёнғон» Азмиддинни зимдан кузаатар, «Азизани кўрғаминкан» деган саволига жавоб ахтарарди. «Кўрган бўлса дарҳол ёрларди. Кўрмаган. Ҳа, хайриятки, кўрмаган».

Эргаш ошни сузиб келди. Азмиддин шисадаги спиртдан икита пиёлани яримлатиб қўйиб, устига боржоми тўлдирди, кўншиб ичимлик вижиллаб қайнади. Хонтахта аτροφига бетма-бет чўнкалаб олиб жимгина уриштирдилар. Азмиддин кўзларини юмиб, бурун катанларини бармоқлари билан бекитиб, зўрма-зўраки симирди, нейин ўхчиб, нафасини ба-зўр ростлаб олди.

— Ичиш азоб, аммо кайфи бошқача,— деди у гўшт чайнар экан.— Ҳа, отмайсизми?

— Кечирасиз, Азмиддин ана,— деди Эргаш, пиёлани дастурхонга қўйиб,— мен шу ёшга кириб пиво ҳам ичмаганман.

— Қўйинг-е!— Азмиддин уни жериб ташлади.— Қиз болага ўхшаманг! Олинг! Дўстлиги учун!

— Ҳа, майли, сўзингиз қайтмасин.— Эргаш нафасини ичига тортиб спиртни сассизгина симирди, назарида, ичимлик ичмадию олов юди.— томоғи, ичаги қўйди, қорни илон қақ-қандай ачишди, лекин сирни бой бермай, ошни катта-катта ола бошлади.

— Пазанда экансиз!— Ширакайф Азмиддиннинг қизарган кўзлари галати кулди.— Тагин бир пиёладан қўяйми?

— Бас-ей!— Эргаш қўлини артиб ўрнидан турди, чироқни ёқди.— Сиз ошни олаверинг, мен чой дамлай.

У ҳовлига тушиб, қўшни бог томонга беихтиёр термулди. У богнинг Насиба хола томига эгилган ўрин шохларида сирли нур товланади. Демак, Азиза ишидан келиб чироқини ёқибди. Нима қилаётганини ҳозир қиз? Балки, отаси Сайфи миробга ош дамлаётгандир. У ҳа демай қўшиқ бошлайди... Азмиддин ҳам эшитлади унинг қўшиғини... Йўқ айтмасин! Азмиддин эшитмасин у дилбар овозини!.. Ажаб, одам ҳам шунча мунофиқ бўладими: Эргашнинг ўзи эмасмиди, Азизани санъат учун тугилган, унинг ўрни опера сахнасида, деб баҳорат қилган? Нега энди бирдан ўзгариб, рашчки, қизганчиқ бўлиб қолди?

Эргаш чой дамлаб келганда Азмиддин лаганди ошнинг қолганини пақос тушириб, ёни ҳам ялаб бўлган эди. Эргаш дастурхонни йўғиб тоңчага қўйди, бир пиёладан захардай йиғи чой қўйди.

— Қалай, насалхона маъқул бўлдимиз?— сўради у, меҳмондан.

— Шаҳардаги клиникадан қолишмайди.— Азмиддин ёстиқча суялиб чой ҳўплади.— Янги бино, озода, ёруғ. Бемалол ишласа бўлади. Сизга айтсам, Эргашжон, кишлоқ деганда бир четдаги қолоқ бир нарсани тасаввур қиларди. Халқобод фикрини тамоман ўзгартириб юборди.

— Хайрият,— Эргаш пиёладаги чироқ шў-ласида қахрабоддай товланаётган чой жилвасини томоша қиларкан, билинар-билимас хўрсинди.— Халқободнинг меҳр-ғиёси ўзгача.

— Мен бунга биринчи кунидеъ ишондим.— Азмиддин ўрнидан чайқалиб турди ва уйга кириб дутор кўтариб чиқди.— Эргашжон илтимос... Эзингиз яхши кўрган куйлардан чалиб берсангиз.

Эргаш дуторни унинг қўлидан бетакаллуф-гина олди-да созлай бошлади. Бу вақт қоронғи ўта қуюқлашган, бог зулматга чулганган, Шарқ кўнида янги ой ҳилоли, бетартиб сочланган юлдузлар тепасида нозик жилваланарди. Эргашнинг қўли дуторда, нигоҳи ойда, хаёли қўшни богда — кўшнчи қизда эди. Ҳозир дутор садоси янграйди, Азиза эшитди ва эхтимол, қўшиқ бошлайди. Майли, у куйласин. Азмиддин эшитсин. Ахир овоз, санъат бир киши учун яратилмайди-ку!

Эргаш дуторини тингиллатиб бир зумгина ўйлаб турди-да, кейин «Тўрғайни бошлади. Бу

куй ҳам шўс, ҳам наъюс, ҳам умид, ҳам армон куйи. Бу куй кенг даланнинг зангори осмонда эркин қўш парвозини эслатади ва айни вақтда унинг манзили узоқлигини, дил интизорлигини ифодалайди. Эргаш дутор торларига қалбини кўшиб чалар, нимгадир даъват атар, интилар, ета олмай нола қилар эди.

Куй тугади.
Йигитлар бир нафас сукутга толишди.
— Ох, хаёти!...— Азмиддин ёстиқни қуюқлаганча ух тортиди.— Нақадар жозибали, нақадар бевафол.— Вугун, Эргашжон, Маликани кўрдиму беш кетдим. Сутга қайиб олгандай оппоқ, кўзлари олов, сочлари тақимини ўпади. Э, атанг, ошга тақилф қилсам буларанг!

— Келармиди?
— Э, гўрсиз!...— Азмиддин нафтини ишқаб маътана кетди:— Биз «гал» деганда «агал» демайдиган куй йўқ. Шаҳарда не-не қизлар



изимдан эргашиб юрган. Малика нима!...
— Юрагига қўлоқ солиб кўринг, балки севгани бордир.

— Эхтимол, инкор этмайман.— Азмиддин калта мўйловини силаб қўйди.— Аммо биз турганда бошқаларга йўл бўлсин!

— Катта кетдингиз!— Эргаш истеҳзоли кулди.— Халқобод қизлари билан ҳазиллашманг, йигитларининг жаҳли тез. Келинг, яхшисин, мен сизга шу қишлоқда ижод қилинган янги куйлардан чалиб берай.

— Чалинг, Эргашжон, хумор бўпкетдинг!
Эргаш Азизанинг куйини — унинг Фузулий газалига айтган кўшигининг оҳангини чала бошлади. Ажаб, бу куй бошланishi билан қўшни богдан, Насиба хола томига шох ёйган

ўринкинг нақ тагидан Азизанинг майин овози дуторга жўр бўлди:

Ақл ёр бўлсайди, тарки ишқи ёр
Этмасмидим?..
Ихтиёр бўлсайди, роҳат ихтиёр
Этмасмидим?..

Азмиддин Азизанинг овозини эшитдию бетоқат бўлиб қолди. Унинг ранги оқарди, кўзлари беконланди, узун ингичча бармоқлари қалтирай бошлади. Бу дақиқаларда у борлигини унутган, қошлари чимирлиб, алланималарини эслар, ҳаяжонланар эди...

Дутор сайрашдан, қиз куйлашдан тўхтади. Азмиддин Эргашга ҳайратда тикилиб қолди.

— Во ажаб!— деди у ниҳоят, қалтироқ бармоқлари билан хонтахтадан чертиб.— Бу овоз менга таниш... Йўғи!...— Унинг нуқоқ киприклари пирпирлади.— У бўлиши мумкин эмас! Овоз овозга ўхшар экан-да!

— Кимни айтяписиз!— Эргаш ўсмақчилаб сўради. Кимнинг овозини айтяписиз? Очқироқ гапирсангизчи!

— ТашМИда бир қиз бор эди...— Азмиддин ҳамон ҳаяжонланар, кўзлари олар, товуши титрар эди.— Исми нима ҳам эди?... Ҳа, эсладим, Азиза... Даволаш факультетида ўқирди. Ҳаваскорлар тўрагага қатнади. Овози ҳозир эшитганимиздай ширали, жозибали... Ўзи ҳам кетоврган нарса эди... Во ажаб...

— Давом этинг!— энди Эргаш ҳам ҳаяжонлана бошлади. «Меҳмон Азиза ҳақида бемаъни бир гап айтса-я!...»— шу фикрдан вужуди музлаб кетди.— Кейин нима бўлди, Азмиддин ана?

— Бир оқшом танишиб қолдинг. Мирзачўлда оталигимиздаги совхозда пахта терардинг. Ишдан кейин дала шийпонида концерт бўлди. Азиза кўшиқлари билан ҳаммани ром қилиб қўйди. Етоқхонага бирга қайтдинг. Қоронғи тушиб қолган, ҳайҳотдай далада битта ҳам чироқ кўринмасди. Бетон ариқ бўйлаб аста юриб келардинг. Сенин билангадан ушлаб гапга солдим. Еввойи экан, бир сапчиди-да қочиб қолди. Ухуллас, қармоқча илнимди у лаққа...

— Кейин яна учрашмадингизми?
— Йў-у-уқ...

Эргаш Азмиддиннинг юлуқ жавобидан қонини қамди, унинг аллақандай бири сирни атайлаб яшираётгани, юрагини очиниши истамаётгани сезилиб турар эди.

— Вақт ҳам алламаҳал бўлди, ётинг.— Эргаш ўрнидан бир аҳволда турди.— Менинг гузарда ишим бор, тез қайтаман.

Эргаш кўчага чиқди. Унинг нунгли хира, хаёли паришон, қимматли бир нарсасини йўқотган кишидай бесаранжом эди. Гузарга бормади — бу, уйдан чиқиш учун бир баҳона эди. Уйлаб-нетиб турмай Сайфи мироб боғи томонга бурилди. Унинг қўштавақа янги қизғиш дарвозаси олдида бир он тўхтаб, ичарига қўлоқ солди: дарвоза ичидан бери, бог жимжит, ҳеч кимнинг шарпаси сезилмасди. Таванкал қилиб ҳалқанчи қонди. Товуш бўлмади. Тагин қонди.

— Ки-им?— яқин бир ердан Азизанинг мулоқим овози эшитилди.

— Мен, Эргашман...

Эргашнинг юраги дуқиллаб ўйнай бошлади. Дарвоза қил очилиб оқ шоҳи қўйлаанда Азиза кўринди.

— Вой, Эргаш ана, сизми? Кириг.

— Дадагиз...

— Дадам тўғон бошидалар. Кираверинг!

Кўшиқ

Суратларни расм Т. МУҲАММЕДОВ чизган.

Азиза дарвозани ёпиб, Эргашнинг қўлидан судради.

— Юринг, нучук...— Қиз ўзида йўқ шод, ҳовлиқар, йигитга зимдан бициб кулар эди.— Зап нелибсиз-да, ёлғиз зериниб, ўзимни қайга қўярни билмай турувдим.

— Бизникига чинга қолмабсиз-да?
— Чинардиму...— Азизанинг қўлидаги шўх нур бирдан сўниб қолди.— Меҳмонингиз бор экан.

— Кимдан эшитдингиз?
— Дорихонадаги дугонам Малинадан.

Эргаш худди ҳозир қочиб нетадиғандай, Азиза унинг қўлини қўйиб юбормай, бог ўртасидаги баланд шийпонга олиб чиқди. Қиз санкиз устунли доира шийпонга лола ранг гилам, беқасам кўрпачалар тўшалган, кенг гулзор ўртасидаги ҳовуз суви элктр шуъласида гулхандай товланарди.

— Ҳар оқшом шу ерда ўтириб дурторингизни эшитаман.— деди қиз, Эргашни кўрпачага таклиф қилиб.— Гуё фақат мен учун чалаётгандай бўласиз...

Улар хонтахта атрофига юзма-юз чўкиладилар...

— Қани, бир фотиҳа қилиб юбормайсизми?— Азиза хахалаб кулиб юборди.

— Омин,— Эргаш жиддий бир қиёфада, бе-

сунақай қадоқ қўлларини кенг очди.— Бу жаннатона бўстондан бахт абадий аримасин.— Кейин у ўйчан кўзларини дастурхондан уза олмай, шикаста бир оҳангда Азизадан сўради:— Бизнинг меҳмонни танир экансиз-да?

— Азмиддин шилқимимми?— Азиза Эргашнинг маъноси сабабини тушунди шенилла, кулиб турган оқиш кулча юзи жиддийлашди.— Институтда қилар уни «Дон-Жуан» дейишарди. Уқишга бир йилда кирганимиз. Ленини у курсдан курсга қолди, ҳайдалаганим ҳам бўлди, муҳаббат изҳор қилмаган қизи йўқдир... Бугун Маликага ҳам: «кишлогингизга сизни деб келдим», «таъдиримни қўлингизга топшираман» наби сийқа гапларини тўкиб солибди... Роса кулишдик.

— Мирзачўлдаги воқеа-чи?
Азиза Эргашга ялт этиб қаради-да:
— Тарсаки еганини айтиб бергандир,— деди.
— Йўқ, айтмади, яширди.

— Номарди!— Азиза сапчиб ўрнидан туриб кетди.— На бети, на субути бор. У ёлгончи, ишонменг унга!

Эргашнинг шўбаси қиз қалбининг ҳароратидан тонг шудрингидай тарқаб кетди. Урнидан аста туриб Азизанинг рўпарасига келди. Унинг ростўй кўралли кўзларига тикилди:

— Сизга ишонсам бўладими?

— Менчи?

— Албатта ишонсангиз бўлади.— Эргаш қизнинг оппоқ биланларидан маҳнам ушлади:— Қўшиқ айтиб берасизми?

Азиза унга нафис жилмайди:

— Сиз дутор чалсангиз!

* * *

Азмиддин очқи дераза тагидаги кроватда шилпа қараб ётар, сирланган тўсинлардаги хира ой шуласини томоша қилар, қўшни богдаги йигит билан қизнинг равон дустини тингларди:

Йигит:

Ул гули хандонни кўрман мумкин
Улсайди манга,
Сандек, эй булбул, гуллитоқга гулзор
атмасмидим?

Қиз:

Дардимни оламда пинҳон тутмоғим
ночордир,
Бўлса чора, бир табибга ошкор
атмасмидим?

Азмиддин қиз овозини бир вақтлар Мирзачўлда унинг нулогига шовла қайнатган Азизанинг овозига ўхшаста ҳам, йигитнинг овозини танимади ва ўз-ўзини: «дунёнинг ишлари шунақа, огайни...» деб қўйди...

«Гулистон» да босилгандан сўнг

„ЎГАЙ ЯСЛИЛАР“

«Гулистон» журналининг ўтган йил 8-сонда босилган «Ўгай яслилар» мақоласи юзасидан қўйидагиларни маълум қиламиз:

Мақоладаги фактлар тўғри келтирилган. Колхоз болалар боғчаси яслиларининг оғир аҳволда бўлишига асосий сабаб, республиканимизнинг кўнчилиги колхоз правлениеларининг мақтабгача тарбия муассасаларига инҳоят эътиборсиз қарашлигидандир. Айрим колхоз правлениеларининг раҳбарлари колхознинг иқтисодий жиҳатдан бойлигига ва маданиятнинг ўсганига қарамай, доимий боғчасли ташкил қилмасдан, ёзги қишлоқ хўжалик ишлари даврида мавсумий муассасалар очиб билан чекланадилар, болаларга берилмаган бир кунлик овқат нормаларини ва унга сарф қилинадиган маблағни раён ва шаҳарлардаги болалар боғчаларининг

нормаларига тенглаштирмайдилар, маориф бўлимлари томонидан юборилган мутахассис тарбиячиларга таърифнация асосида маош тўламайдилар, натижада ёш мутахассислар болалар боғчаларидан бошқа ишларга кетиб қолмоқдалар.

Маориф министрлиги ва унинг жойлардаги органлари, партия ва совет органларининг ёрдами, кенг жамоат ташкилотларининг иштироки билан колхозларда йил сайин мактабгача тарбия муассасаларининг тармоғини кенгайтириш ва ундаги тарбиявий ишларни яхшилаш тўғрисида, тарбиячилар тейёрлаш ва уларнинг маланасини ошириш юзасидан ғамхўрлик қилмоқда. Жумладан, кейинги икки йил ичиде Маориф министрлиги томонидан қўшимча 9 та мактабгача тарбия билим юрталари ташкил қилинди. Ҳозирги кун-

да республикамизда 12 та мактабгача тарбия билим юрти бўлиб, булардан 8 таси қишлоқ жойларида мактабгача тарбия муассасаларида ишлаш учун тарбиячилар тайёрламоқда.

Келгусида колхоз боғча-ясилар сонини кўпайтириш ва тарбиявий ишларни тубдан яхшилаш мақсадида Андижон область кенг маориф бўлимининг ташаббуси билан Андижон районидаги колхоз болалар боғчаларининг 24 таси раён халқ маорифи бўлими ихтиёрига топширилди, уларнинг таърибаси Маориф министрлиги томонидан республикага кенг ёйилмоқда. Келгусида бу таърибани республиканимизнинг бошқа раёнларида ҳам амалга ошириш кўзда тутилади.

И. ТҶАХУНАЕВА,
Ўзбекистон ССР маориф ми-
нистрининг ўринбосари.

БУРГАНИ ТАҚАЛАГАН ЙИГИТ

Куз тонларининг бирида Украинага хат келди: «Одамлар! Николай Сядристий деган кишини топишга ёрдам беринг. Боламинг ҳаёти хавф остида».

Хат шу кунгича ўз ағасини топди. Иркутскийдан келган бу хатда нотаниш аёлнинг қисқа сатрлари баён қилинган эди: «Менинг болам хавф остида. Уйна нафас йўлида иривит ёнгоғи тиқилиб қолди. Шошлинч ёрдам керак. Лекин зарур микроасбоб йўқ. Николай Григорьевич, сиздан бошқа ҳеч ким ёрдам бера олмайди. Мен биламан... Ёрдам беринг».

Николай Сядристий кечаси билан бронхоскоп ясади. Боламинг ҳаёти сақлангди қолди.

Николай Сядристийнинг устахонаси ёруғ, тоза ва тинч. Унинг гапларини диққат билан тинглайман. Ҳамма ҳаракатларини эсда сақлаш келади. Ахир, дунёда энг кичкина китобчани, энг кичкина медицина асбобини ясай олган, бургани тақалаган кишини ҳамма ерда ҳам учрата олмайсан.

Оппоқ қозоғга қарайман, ҳеч нарса кўринмайди. Николай эса сирли кулимсираб, қозоғни эҳтиётлик билан микроскоп остига қўяди.

Микроскопни тўғрилаб, онуляторга қарашга ишора қилади.

Қордай оппоқ текислиқда — нитоб. Муқоваси — тўқ қизил. Тарас Шевченконинг портрети, қўбичи туғилган уй, қозонинг зигирден жойида эса шеър. Микроскопик кичкина нитобча бўлишига қарамасдан, шеър формаси ўзгармаган. Шеърнинг энг узун мисраси: «Ре-ве та стогне Днипр широкни...» 0,85 миллиметр жойини ағзалаган.

Мен Японияда ясалган 2,8x4 миллиметр ҳажимдаги китобчани эшитган эдим. Лекин, украин устаси Николай Сядристийнинг «Қўбичи»си ундан ўн тўққиз марта кичкина. Кўннори уругига учтасини жойлаштира с бўлади.

Мўъжиза давом этмоқда. Мана, яна бир қора нучта. Онулардан бургани кўраман, обқилари тақаланган.

— Қандай қилиб бургани тақалаш фикрига тушиб қолдингиз?

— Институтда ўқиб юрганымда студентлар бир журналда Казарин деган армани уста узунлиги бир сантиметр келадиган соч таласига: «Немис ва арман халқлари дўстлиги

яшасин!» деган ёзувни ёзгачлиги ҳақида мақола ўқиган эканлар. Одий соч таласига ёзиш мумкинми? Бу муаммо устиде студентлар баҳсладилар. Мен бахтимни синов кўрмоқчи бўлдим. Маълум бўлдики, бу иш осон экан.

Янги йил кечасида студентлар бал-маскарадага тўпланишди. Музика чалиниб турибди. Хоналарнинг бирида эса, стол устиде микроскоп турар эди. Объективда — соч таласида менинг ёзувларим бор эди: «Сизларни Янги йил билан табриқлайман, ўртоқлар», Пастроғида «Тинчлик».

Соч таласининг узунлиги бор-йўғи 80 микрометр эди. Бу одам қўли билан ёзилган энг нозик ёзув эди. Ушанда студентлардан бири: «Балли, бургани ҳам тақаларсизми?» деб қолди. «Уриниб кўраман» дедим.

Энг қийини бургани топиш эди. Бу ишда институтнинг паразитология кафедраси ёрдам берди. Бургани спиртлади. Қуритдим. Шундай қилинса у зоо йил сақланади.

Кундуз ўқиб, кечкурун бургани тақалардим.

(Охири 3Б-бетда)

АЖОЙИБ ВОҶЕАЛАР

XVI асрда ўтган йирик олим ва шоир Зайниддин Восифий ўзининг «Вадое ал-вақое» («Ажойиб воқеалар») асарида кўпгина тарихий шахслар, олимлар ва шуаро хусусида анчагина нодир маълумотлар келтирган. Зайниддин Маҳмуд ибн Абдулжамид Восифий ҳижрий 890 (мелодий 1485) йили Хиротда зиёлий оиласида дунёга келди. Унинг отаси Султон Хусайн (1469 — 1506) ҳукуматининг девонларидан бирида мушшилик (котиблик) қиларди. Зайниддин мадрасани тамомлагач, амир Шоҳвайн Қўналтошнинг хизматига кирди ва унинг болаларини ўқитиш билан машғул бўлди. 916 (1510) йили Хуросон Исмоил Сафарий (1502 — 1524) аскарлари томонидан босиб олинди Қизил бошлар (Исмоил Сафарий аскарлари Аббосий халифалари тарафидан Карбалода ўлдирилган Ати ва унинг бошқа ўн бир авлодини хотирлаб, телпақларига ўн икки хил оч ва

тўқ қизил рангли лента тақиб юрганлари учун қизил бошлар дейиларди) суниа мазҳабидаги мусулмонларни таъذيب остига олдилар ва таҳқирладилар. Оқибатда Зайниддин Восифий 918 йилнинг мухаррам (1512 йил апрель) ойида Хиротдан кетиб қолди, унинг охиригача Мовароуннаҳрда, Самарқанд, Бухоро, Шоҳруҳия ва Тошкентда истиқомат қилди. Зайниддин Маҳмуд Восифий 1551 йили Тошкентда вафот этди.
«Вадое ал-вақое»да миро Улугбек ҳақида келтирилган мана бу уч латифани хурматли журнал-хонларимизнинг эътиборига ҳавола қиламиз.

БИРИНЧИ ЛАТИФА

Кунлардан бир кун бир одам Улугбек мирзонинг хузурига келиб деди:

— Подшоҳим, бошимга мушғул бир иш тушди ва ажиб воқеа со-

дир бўлдики, уни ечишга меннинг ақлим, балки ақллар ақли ҳам етмайди. Бу воқеа қуйидагича: мен ироқлик бўлман. Хуросонлики савдогарлар карвони билан Самарқандга келатган эдим. Карвонимиз Жайхун дарёсининг буйига тушгандан сўнг, мен ўзимни хилватга олиб, эғнимдаги уст-бошимни ечдим. Вир парча қимматбахо лаълим бор эди, уни лахтак чармга ўраб биллагимга боғлаб олдим... Сўнг сувга тушдим. Сувдан чиққанимдан кейин ўша бир бўлак лаълини тополмай қолдим. Карвон аҳлининг биронтасидан суриштириш ва тафтиш қилишга уялдим. Аҳвол мана шундай.

Подшоҳ деди:

— Бир йил сабр қилишинг керак, лаълинг топилса муродинга етасан, йўқса унинг қиммати қанча бўлса мендан оласан.

БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН

„Чарчаб қолади“

Азиза стол устига ечиб қўйган соатимни қўлогига тутиб:

— Дада, бу «чиқ-чиқ» деб нима қилапти?— деб сўради.

— Юряпти,— жавоб бердим мен. У кечкурун ётиш олдида соатни яна қўлогига тутди:

— Соатнимиз тагин юряпти. Чарчаб қолади. Айтинг, ухласин энди.

Япроқнинг тери

Эрта билан сўқмоқ йўлдан Алишерни етаклаб боғчага бораётган эдим, у:

— Дада, ҳозир иссиқми?— деб сўраб қолди.

— Йўқ, жуда салқин.

У йўл ёқасидаги гўза япроқларида йилтираб турган шабнам томчиларни кўрсатиб:

— Нега бўлмаса мана булар терлаб кетибди?— деди.

„Жойида турибди-ку“

— Ҳой ойи, нега қошингизни силаясан?

— Қовоғим учди.

— Ия, жойида турибди-ку!

Соқол

— Дада, менга қачон соқол чиқади?

— Мендай бўлганимда.

— Эчкичам сиздайми?

Мушук сувга очқабди

Нонушта пайтида мушугимиз тиззамга суйқаниб мивёллар, юзимга қараб-қараб қўярди.

Қизчам унга зеҳн солиб турган экан, сўради:

— Дада, мушугим нима деяпти?

— Қорним очқади, деяпти.— дедим-да унга нон тўграб солдим.

Мушук нонни еб бўлди-да, чойнакка сув қуяётган қизимнинг оёғига ишқалана бошлади.

Шу пайт Азиза мени туртди:

— Ана, қаранг, мушугим энди сувга очқабди.

Автовокзалда

Азиза қишлоқдан бошқа жойни кўрмаган эди. Иккимиз шаҳарга бормоқчи бўлиб, автовокзалга келим. Шу пайт у мендан:

— Дада, кинога кирамизми?— деб сўраб қолди.

— Йўқ, Қўқонга борамиз.

— Нега бўлмаса мана бу ерда билет беряпти.— у насса дарчасига ишора қилди.

Олтмиш ўСАРОВ.



Қовун — қиш меваси.

Ҳар ёқдан...

ХУДДИ

ЭРТАНДАГИДЕК

Уч италян овчи тоғда бир тулинига дуч келишди. Улар айна бир қақи-

қада ўч узишди. Тулки йиқилди. Овчилар тулкини автомобиль юкхонасига ташлаб қўйишди. Улар уйларига қайтиб, юкхонани очган ҳам

эдиларки, тулки лип этиб, пастга сақради-да, тахта девор орқасига ўтиб ғойиб бўлди.

Уни ўч товуши гаранг қилиб қўйган эканми, 8 ўзини ўлинка солиб ётган эканми, ҳарқалай, овчилар бармоқ тишлаб қолаверишди,

Худди эртандагидек иш бўлди-я.

ШОХ — РАДИАТОР

Қўқор, кийин, буқаларга шохнинг нима нараги бор? Савлатганими?— Рост. Ваҳимали нурулми?— Буниси ҳам рост.

Аммо бугина эмас. Шохларнинг хосияти катта: иссиқ кунларда қон кўпайганда томирдаги ортинча ҳароратни ҳавога чиқаради; совуқ тушганда эса шохдаги томирлар торайиб, энг керакли кувватни сақлаб туради.

Уша одам подшоҳга тиз чўкиб куллақ қилди ва чиқиб кетди. Подшоҳ ҳазратлари девон бошлигини чақиртирди ва барча виллоятдаги солиқ тўлаши бозорча одамлар рўйхатини настиълиқ хати билан ёзиб келтиришни буюрди. Подшоҳ рўйхатини тешириб чикди. Орадан бир йил ўтгач, девон бошлигидан яна шундай рўйхат тузиб келтиришни талаб қилди. Иккала рўйхатини муқойиса қилди ва кўрдини, қорақўллини бир одам ўтган йили 50 танга хирож тўлаган, бу йил эса 500 танга тўлабди. Подшоҳ ўша одамни ҳеч кимга билдирмай олиб келишларини буюрди ва ундан сўради:

— У тафовутинг боиси нима? Шунчалар юксалганин ва тараққий қилганинга нима сабаб бўлди? Войлик топиб олдингми, ё бирор кимсанг уйини урдигини ёни зўрроқ болийк сенга мерос қолдингми? Ростини сўйла.

У жавоб қилди:

— Мен бир туқувчи одамман. Асли қорақўллиман. Бир куни ўз ишим билан машғул эдим. Дўконимнинг ёнида бир туб дарахт бор эди. Қарасам, дарахтнинг солиқда ҳаққа бир парча нарсани тишлаб турибди. Тўсатдан ўша нарса унинг оғзидан ерга тушди, ҳаққа учиб кетди, сапчиб туриб, уни қўлимга олдим, бир парча чарм экан. Чармин йиртдим. Ичиндан бир бўлак лаъл топиб олдим, унинг шуъласи оқидида офтоб хиралик қилади, жилосидан ўтган дилбарлар лабаида хижолат чениб тубан бўлади. Лаълин тангрининг марҳамати зўр инъоми деб билдим. Шу ондаёқ Самарқандга жўнадим ва уни савдогарнинг олдига олиб бордим. «Зар қадрини заргар, жавҳар қадрини савдогар билди. Савдогар лаълин қўлида хўп айлантириб, тешириб кўрди ва лаъл ажойиб бир нивил тусда товланди. Билдимки, бу бир бўлак қимматли тош экан. Сўнг мендан сўради:

— Сен буни қардан олдинг?
— Кавлаштириб нима қилсан?
Харидор бўлсанг ол, бўлмаса қайтариб бер. — дедим.
— Қанчага сотасан?
— Икки минг тангага.
— Бу лаълнинг баҳоси минг танга. — деди у.
Савдолашиб, ахир бир минг беш юз тангага сотдим ва бозорга кириб бир гулом, бир қанзақ, уй аёб-эиёнат асбоблари, бир от, эгар-жабдуқ сотиб олдим, юртимга қайтдим. Кимки мендан бу кайфиятга сўраса, дедимки, Самарқандда бир кули очиқ қариндошим бўлиб, мендан бошқа меҳорхўри йўқ эди. У вафот қилибди ва буларнинг ҳаммаси ундан менга мерос қолибди.
Улуғбек мирзо ҳазратлари ул лаълин топишни ва эгасига қайтариб беришни буюрди.

ИККИНЧИ ЛАТИФА

Кунлардан бир куни бир одам

мажкур подшоҳ ҳузурига келиб деди:

— Шохол! Кўп замонлардан берли дурахшон юлдузлар осмон ҳам-ёнида сақланиб келади... Мен бир минг ашрафи оқчамни ҳам-ёнга солиб, меҳр муми билан мустаҳкамлаб бир кишига омонат топшириб қўйган эдим. Орадан бирмунча вақт ўтгач, уни қайтариб олдим ва очиб қарасам бир юз ашрафи кам чикди. Унга гапирсам:

— Сен бирон ўзгартириш сезмаган ўша меҳр мумли ҳамёнингини бирор йиртгани ёни тешиги йўқмиди? Балки ёдигдан кўтарилгандир ва оқчаларнинг асида тўққиз юз ашрафидир?! — деб мени мазаб қилди.
— Э, подшоҳим! Тангрининг яқнаю агноналигидан бошқа нарасга ишончим йўқ. Оқчамнинг бир минг ашрафи бўлганлигига эса ишончим қомил.

(Давоми 32-бетда.)

Янги йил қангомаси

ҲАМЁНИНИНГ ЗАВОЛИ

Йигит бўлиб янги йилни мундоқ вақтида кутиб олганимни билмайман. Шу туйфайли ҳар иккинчи январь куни уйда албатта бир дилнисёҳлик бўлади. Ҳа, иккинчи январь куни! Чунки биринчи январь куни уйда бўлмайман — етиб келолмайман уйга: учиб қоламан-да бирон ерда...

Аммо бу сафар ўттиз биринчи декабрь куни хотиним жуда заптига олиб юборди. Дуқ урди, ялинди, ёлворди... Нима қилдики, то янги йил киргунча «нафсимни маҳкам жилловлаб» туришга қатъий ваъдани олди.

Ваъдага вафо юзасидан қаработда чаққанча тушиб тек ётибман. Дамба-дам соатга қарайман! Энди чорак кам етти! Ҳеҳ-хе ўн икки қайда-ю, мен қайда!..

Хотиним менинг инсофга келганимдан хурсанд, югуриб-елиб оқват тайёрлапти. Ҳар замон мендан маслаҳат сўраб қўяди.

— Чучваранинг хамири қаттиқроқ бўлсинми, юмшоқроқ?
— Менга барибир, — дейман энсам қотиб.
— Вой, ановини! — дейди хотиним ўпқалашиб ва қовоғимни очини мақсадига ҳарид қилган нарсаларини мақтайди. — Продмагга копчэний балик келган экан, ундан ҳам бир кило олдим.
— Мен миқ этмайман.
— Мана бунақа «ҳамёнинг заволи»дан ҳам олтиб келдим, — деди сўнг бир шиша коньякни қўз-қўз қилиб.
— Мен «ҳи» деб беихтиёр ўрнимдан турмоқчи бўлдим-у яна ўзимни босдим.

— Сиз бир чимдим ухлаб олинг, тўққизда уйғотаман. Хотиним шундай деди-да, коньякни жовонга қўлфлаб чиқиб кетди.

— Вой, содда хотин-ей, — ўйлайман ўзимча. — «Ҳамёнинг заволи» эмиш, жиндай тотиб кўрсанг биласан-да, заволининг нималигини!..

Аммо бир ҳисобда завод деганича ҳам бор бу ароқ. Мана, эр-хотин икковимиз ойна уч юз қирқ сўм маош оламиз. «Волга»га атаб гараж қурганимга мана тўрт йил бўлди. Лекин пул орттириб битта гайкасини ҳам ололганимиз йўқ-да шу «Волга»нинг! Уч юз қирқ сўм қайёқда кетяпти?! Ой сайин бир қоп-ярим қоп шиша сотиб турамыз, бунинг даромади қайёқда кетяпти?! Томорқаники-чи?..

Олимлар ҳамма нарсани ўйлаб топишяпти-ю, шу ароққа қолганда андак ҳафсаласизлик қилишяпти дейман-да. Қани энди шу роҳатинжонни ҳам экзидатан қилиб чиқаришса! Томорқага, бодрининг ёнига икки тахтагина коньяк экиб қўйсанг. Марда гуллаб, апрелда хомакласа. Сугорган саринг авж олиб, майга келганда бодринг палакнинг таги кўм-кўк бодринга, коньяк палакнинг таги қил-қизил шишага тўлиб кетса. Ишдан қайтгач, мириқиб эгат ораласанг. Коньякнинг битта бандини узиб чиқсанг-да, иккита қарсиллама бодринг билан отиб олсанг! Оҳ, оҳ, оҳ! Пўкагини қўрипти уруғлякка олиб қўйсанг...

Ўйим шу ерга келганда жуда тўлиб кетдим.

— Наҳотки, шундай улуғ айём кунини соат қафтирига тикилиб ўтказсанг, мулла Урин, — дедим ўзимга. — Йўқ, бу инсофдан эмас. Кўчага чиқ — «юзта», фақат «юзта» отиб кел!

Бироқ кўчага чиқиш учун ғўлароқ ваз керак эди. Вақтин дарров топдим.

— Шампан ҳам олдингизми? — сўрадим ётган жойимдан қимирламай.

— Уруғи қуриб кетипти шампаннинг, — жавоб бўлди даҳ-лиздан. — Минерал сувдан тўрт шиша олдим, ўшанга коньякдан пича-пича аралаштириб шампан қилиб ичарсиз.

— Ие, вей, шампансиз янги йил кутиб бўладими?! — дедим ўрнимдан туриб ва даҳлига чиқдим. — Ахир, Тошкент соати «Бонг, бонг, бонг» қилганда шампаннинг пўкаги қандилга бориб урилмасал... Ҳўзингиз ўйланг... Ҳалиги коньякнингизнинг пўкаги бўлса бир қарич сакрашга ҳам қуввати етмайди.

— Вой-ой, бу ёғини ўйламабман-ку мен!.. Хотинимнинг ёни берганидан мадад олиб шартта кийиндим-да, кўча томон йўналдим.

Стакан оғзимга теғди дегунча, этагини кутиб қоладиган антиқа фазилатим бор. Буни хотиним кўп яхши билди. Шу боғдан, шампан қидириб юриб мабодо бирор юз граммга меҳрибонлик қилиб қўйишимдан чўчиди чоғи, орқамдан ўғлимни йўладди.

— Бор, Шоқир, сен ҳам, ўйнаб келарсан. Ичимда «Оббо, муғомбир-ей!» дедим-да, чаккани қашиб кўчага чиқдим. Шоқир «агент»им назоратда ҳамма магазинларга кирдим, суриштирдим. Шампан зоти йўқ. Ресторанга кирдим — йўқ, складдан топишим мумкин эмниш.

Бир йигит буфет олдида тикка туриб олинб роса торгяпти. Қўзим куйди. Қани, энди манови «агент» бўлмаса шу топда! «Агент»га йўл қилдим.

— Хў, катта ака, лимонадингиздан бир стакан қуйворинг, — дедим буфетчига кўз қисиб. — Жуда чанқаб кетдим.

Буфетчи халқи жуда зор бўлади-да. Дарров стаканин дил-пиллатиб вино узатди. Уни бир кўтаришда ютдим-да, папирос тутатиб чиқиб кетавердим. Оёғим хийла енгил бўлиб қолди. Югура-югура битта шампан топдим. Тоқ бўлмасини деб ёнига коньяк ҳам қўшиб олдим Шоқирга билдирмай.

Уйга қайтдик. Коньякни оморборонга яшириб қўйдим. Хотиним менинг кўчада алақсиз қолиб кетмай, асон-омон қайтаганимга (яъни ақлим қираётганимга) беҳад қувониб кетди. Алла-маҳалгача чаққадашиб ўтирдик. Аммо соат ўнларга борганда кўнгили бирдан оморборонга киришни қўмсаб қолди. Олма, пилё-ланни чўнтакка уриб аста кириб кетдим.

Бу коньяк жонивор беҳи билан шунақа текис кетворарканки, бирпасда уч пилёлани шимириб ташлабман. Сўнг шипанинг оғзини беркитиб, «чиқай энди хотинимнинг олдида» деб қўз-ғолган эдим, кўнгили яна битта тилаб қолди. Тағни яшикка ўтирдим. Кейин нима бўлди — билмайман...

Бир вақт қарасам, соат чорак кам ўн икки! Худо урди! Урнимдан сакраб турмоқчи бўлдим — туролмадим: маълум бўлдики, оёқдан қолибман. Наҳора, эмаклай кетдим...

Хотиним менга эшик оғзида дуч келиб чиқиртиб юборди. — Етиб келдим...ку... Кўрмайсанми! — деб ғўлдурадим.

МУҚИМ.



Подшоҳ деди:
— Икки кундан кейин кел, мушқулдигини ечиб қўяман.

Подшоҳнинг етти хил ранглиг атласдан тинилган бир тўшаги бўлиб, кечалари унинг устида ўлтириб мутулаа қиларди. Субҳидамда подшоҳ ўша тўшакдан туриб, жаҳл билан унинг бир бурчагидан тортиди ва йиртиб юборди. Сўнг ташқарига чиқиб кетди. Хо-нага тўшакчи канизак кирди, бу аҳволни кўриб, гўё ўзининг ҳаёт либоси йиртилгандай бўлди. Воқеани эрига айтди.

— Ғам ема, мен бунинг иложини топаман ва бошингга тушган бу туғунни ўзим ечаман,— деди эри.

Унинг ҳар қандай йиртиқни бил-линтирмай тикадиган бир дўсти бор эди. Ундан тўшани ямаб бе-ришини илтимос қилди. Кечаси тўшакчи ўша ямаб қўйилган тў-шага тўшакнинг хонасига тўша-б қўйди. Подшоҳ назар ташла-ган эди, тўшакнинг йиртиги кўн-га илинмади.

— Эрталаб турганимда тирно-гим тегиб тўшакнинг учи йирти-либ қолган эди. Ҳозир асари кў-ринмайди,— деди у тўшакчига.

Тўшакчи бўлган аҳolini батаф-сил араз қилди. Подшоҳ ямоқчини олиб келишни буюрди ва унга:

— Тўғри сўзласанг яхши, йўқса ҳаётингнинг шишасини жаҳолат тоши билан синдирган бўласан. Ростини айт, шу кунларда бирон киши сенинг олдинга тўла оқча-си бор ҳамёнини келтирган ва сен уни йиртиб, юз ашрафини олиб, қайта тикиб қўймаганмисан?

— Ҳа, бир киши оқча билан тўла бир ҳамёнини менинг олдимга олиб келди. Уни биргалашиб йирт-дик ва юз ашрафини олдик. Ун ашрафини менга берди, қолганини ўзи олди, ҳамёнини тикиб қўй-дим,— деб жавоб берди ямоқчи.

Подшоҳ ўша кишини ҳозир қил-дириб ва уни жазага буюрди. Тегишли маблағи ундириб, ҳам-ёнини эгасига топширди.

Учинчи Латифа

Бир кун кимдир Улугбек мир-зо ҳузурига келиб араз қилди:

— Шохид Румга боришни оруз қилдим. Ортиқча беш минг ашра-фи маблағим бор эди. Омонатни қолдириб нетиш учун бу шаҳарда қозидан бошқа диёнатли киши йўқ деб ўйладим. Пулимни офто-бача қилиб қўйдирдим ва қозига элтиб бердим. Сафардан қайтга-нимдан кейин ўша омонатни қозидан талаб қилдим. У менга:

— Сен девона бўлибсан. Мен сени қаерда кўрган энанман!

Бундан кейин бу гапларни айта кўрма. Акс ҳолда тишларингни синдираман, балки тилгинги су-ғиртириб оламан,— деб жавоб берди.

— Эртага қозининг уйига бор-моқчиман. Қайтишга отланаётган-нимда дод-вой солиб шу гапла-рингни такрорлагин,— деди под-шоҳ.

Эртаси кун шодшоҳ қозини қақиртирди ва уни хилватга тор-тиб:

— Э қози, мен чуқур бир хаёл-га ботиб қолдим ва бир акиб ан-диша билан паришонман,— де-ди. — Қўлимда шунча кўп нақд оқча, нафис моллар, жавоҳир ва лаъл тўпلامي қолдики уни хаёл хазинасининг биронта хазиначисини тўллолмайди ва андиша ганжи-насининг ҳеч бир ҳисобчисини уни ҳисоблолмайди. Бу молу дунёни жам қилишимдан мақсад шунки, вафот қилганимдан кейин фар-зандларимдан биронтаси мушкул бир воқеа, ёки даҳшатли бир ҳодисага йўлиқиб қолган вақтида бу бойлик уларга кўр келиб қо-лиши мумкин... Уни қолдирай де-сам биронта ишончли одамим йўқ. Хотиримга келдик, сиз пай-ғамбарнинг ворисеиз, диёнатда бу кун сиздан бошқа кимши йўқ-дир. Ушбу омонатни сизнинг уйингизда қолдиришни истардим. Бу сирни сизу мен биламан.

Бу сўзларни эшитиб, қози хур-санд бўлганидан жони ҳалқумига келди, лекин яна ўзини бошиб ол-ди. Подшоҳ деди:

— Сиз кетаверинг, мен яшириб қўядиган жойини танлаш учун ор-тингиздан бораман. Алқисса, подшоҳ қозинингга борди ва тамом аҳтиётлик билан қараб жой тайин қилди. Подшоҳ отига минай деб турганда ҳалиг одам дод-вой солиб.

— Подшоҳим! Мен омонатимни шу қозиникига қолдирган эдим,— деди.

Бу гапларни эшитгач, қозининг найфияти ўзгарди ва у ўз-ўзига дедик, инкор қилсам подшоҳнинг ўша борада менга ишончли қол-майди, яхшиси бўйимга олиб кўя қолай.

— Сен девона бўлибсан, дод-вой солганингни не маънисини бор? Мендан қачон сўрадинг мен бунга эътибор бермабман?— деди қози ва гуломини қақириб, унинг омонатини тез чиқариб бер, деб амр қилди. Гулом офтобчани олиб чиқди ва подшоҳнинг ҳузурига эгасига топширди.

Форсчадан тарих фанлари кандидати **Б. АҲМЕДОВ** таржима-маси.

нар, пазандалин ҳам шундай. Лаззатпаз даражасига эришиш учун Маматхон ана Соқиев қирғий хизмат қилди.

Новобнинг ўғли Маматхон 7 ёшида отадан, 16 ёшида онадан айрилди. У ёшлигиданоқ Гулша, Уш ва «Савай» совхозининг ошхонасига ошпазин қилди. 1938 йилда Андижонга келгач, Узум бозори, Аттормин, Мавлоношохусан, Чархипалак хиёбонларидаги ошхоналардан ва истироҳат боғидаги чойхоналардан серлаззат таомларнинг иштахабахш ҳиди дом таралиб турадиган бўлди. Бу жойларда Маматхон ошпазининг шогирдлари ишларди. Узи эса 5-сон ошхонадан туриб уларга дирижёрлик қиларди. Энди у 1-ошхонада икюд чашмасига чўмган. Юздан ортик таом тайёрлаш усулини билди, ўттизтачасини ўзи нақф этган. «Андинон монтиси», «буғлама набоб», «тухум бийрон», лағмон ва манпарнинг янги хиллари, турли патир нонлар ва гўштигиди-да сомсалар шулар жумласидан. Айниқса «қовоқ сомса»нинг омилкори.

Бир кун бозорда бирга юргандин. Маматхон ана сомсапаз йигит олдида тўхтаб қолди:

— Сомсан бу хил жуфтлашингда хўранданнинг ҳақиқига хиёнат қиласан. Халол бўлгин, болам!

Уста дарҳол халатни кийди. Бирпасда 30 дона сомсанни тугиб ташлади. Тандирга сувини севаляб, тап-тап ёпиштирди-да қайноқ сомсаларни узиб:

— Торт, энди,— деди. Сомса тарозига қўйилганда қоидада кўрсатилганден роппа-расол.

— Қўлинг дард кўрмасин,— дедим ичимда. Бу қўллар лаззат нафринигина эмас, тарози баллиси ҳам экан.

Сомсапаз йигит уялганидан:
— Таваб қилдим, уста!— деди.
— Тавабнинг халқча айт!
Биз яна бозор айланиб нетдим. Уста ўз шогирдларига натиққўллик билан тарбия беришини халқча гажхўрлик деб билдим. Бу одамнинг Майдон кўчадан кетаётган эдик, бир бола «пореси-порс» ўйнаб ўтирарди. Уста унга қараб анча рази солиб турди: қўллари қаққон, лойини бирам муштлайди, бирам эшадикин...

— Болам, нимнинг ўғлисан?
— Аҳмад ақани.
— Эртага дадан билан дўнонга келгин, хўпми, Оталар ошхонасига.
— Хўп.

Эртасига мен ҳам дўнонга келдим. Уста Аҳмад ака билан сўзлашиб ўтирарди, кечаги бола унинг ёнида эди.

— Болани мантабга бермадингизми?
— Қозиг каникул, уста.
— Лағерга юбормадингизми?
— Иложи бўлмади.
— Лой пишитиб юргунча хамир қориб чучва ра туғишини ўргансин, менга икки ойга шогирдликка беринг.

Бахтиёр отанинг юзлари гулдай очилиб нетди. Севинганидан шошилиб:
— Суяги бизини, гўшти сизини,— деди.
— Э, у гаплар қолиб нетган. Эртага ҳаммомга солинг, ўзига лойиқ халат тинтириб бу ёнча жүнатиңг.

Шу аллозда Маматхон ана Соқиев йигирматача болани тўплаб пазандаларнинг кейинги авлодини тайёрлайпти.

Бир манти тугяпти, бири қатлама ясаляпти, яна бири нурсига чиқиб олиб набоб еляпти. Уста уларни гоҳо-гоҳо бир жойга тўплаб пазандалик назариясидан маъруза ҳам айтиб қўяди.

Маматхон ака эсини танибдини эл олдида дастурхон солади, бош эгиб халқча хизмат қилади, қанча боланинг отаси, қанчасининг устаси. Бизда «Хизмат кўрсатган пахтакор», «Хизмат кўрсатган механизатор» ва яна бир қанча унвонлар бор. Орузимиз шунки, «Хизмат кўрсатган пазанда» унвони ҳам таъсис этилса ва бу даставвал юз-юзлаб шогирд етиштирган ширин қўл, лаззат яратувчи, қарийб ярим асрдан бери халқ дуосини олиб юрган отахон ошпазимиз Ма-матхон Соқиевга берилса.

К. МАҲМУДОВ.

Лаззат

паз

Таомни ҳамма пиширади, бироқ лаззатини ҳамма ҳам чиқаролмайди. Бу на фақат тажрибага, маҳоратга ҳам, дида-табиатга ҳам, найфиятга ҳам, ўз хунарини улуғлашга ҳам, шинавандалликна ҳам, покизалиқка ҳам ва яна бошқа психологик ҳолатларга ҳам боғлиқ бўлади. Ана шулар Маматхон акада мужассам бўлиб, қайнаётган қозонга бирров назар солгандаёқ лаззати қай даражада эганини аниқлай олади.

Мен, Андижондаги Оталар ошхонасига тер тўнаётган лаззат яратувчилар ҳақида гапирялман. Айтингчи, ошпазининг колхозчидан нима фарқи бор? Колхозчининг елкасини офтоб қизитса, пазанданинг кўраги ўчоқ тафтида қизийди, колхозчининг қўли кетмон билан қаварган бўлса, ошпазининг қўли кафғирда қаваради, колхозчи юртга кийим кийдирыса, пазанда юртга оғнат пиширади. Колхозчи бўлиш қийин ва шарафли ҳу-


Лаззат паз



«Ўғил болалар ҳам хамир қорини, қатлама яшаш, манти, чучвара туғишни ўрганишса неажаб! Йигит кишига емиш ҳунар оз дейдилар-ку!» — бу гап ҳақиқий устоз Маматхон Соқиевдан чиққан.

Марҳамат қилинг, ўргитай! Еғлик пагирми, барракабони, балки қўнглингиз Андижон мантисини хоҳлар.

Маматхон ака тузатган дастурхонни кўрсангиз, «тасанно, қўнглингиз дард кўрмасин» дейсиз. Ҳурматли андижонлик мўйсафидлар учун дид билан тайёрланган юзлаб серлаззат, қувватли ва ништаҳабаш таомларнинг фақат бир қисминигина кўриб турибсиз.



ЗАГСДАН ҚАЧОН ЎТАМИЗ?

Ҳурматли Эйтиборхон!
Сизнинг матбуотда босилиб чиққан беш шеърингизни ўқидим.

Бу шеърларингиз менга ёқди. Аввало сизнинг шаклга ҳам эйтибор бера бошлаганингиздан қувондим. Авбаллари фикрини қоясиз сўзлаб келарди. Энди эса фикр қойили олиб келибди. Бу жиҳидий ижодий меҳнат мевасидир. Чунки «тоғда чинмасанг дулола қайда» деганларидек, бирор яхши гап, бир образ ва ёхуд бирор қойил қилиб айтилган фикр ўзидан ўзи келмайди.

Овчилар дарё ё кўл киргоғига борадилар. Қармоқ ташлайдилар. Қанча умид, қанча ишончини юракка жамлаб, соатлаб, гоҳида эса қувилаб сув мавжига термулиб ўтирадилар. Шунда ҳам ё тутадилар, ё қуруқ қайтадилар. Бу ҳар ҳолда бор нарсани бор ердан тутиш.

Шеъринг «янги гап» эса, йўқ дарёга қармоқ ташлаб, йўқ балиқни тутишдек гап. Бунинг учун овчининг сабри, деҳқоннинг меҳнати, шоирнинг заъфи керак бўлади.

Мақсадга ўтиб кўлаёй.
Бу туркум шеърларнинг ҳаммаси, ҳатто ҳамма мисраси ҳам яхшига ўхшайди. Бу нима деганим? Бу ҳамма шеърларда изчил бир фикр, ёрқин мақсад бор деганим.

Масалан «Тоқ» шеърини олайлик.
Барглари саргайган тон турар

қорғин,
Асал меваларини армугон этиб,
Ҳар чоқ узум есам, нузим ўнгидан
Жафнош онам, шу тон ўтади.

Эйтиборхон, сиз онадек меҳрибон ва жафнош бир сиймо образини яратиш учун Онага ўхшаган жафнош тон образини толгансиз. Унинг меҳнатини чуқур ҳис қилгансиз. «Кўм-кўк гўрасини туқунча тинмай», меҳнат қилган, мевасини баргига йўртаклаган, «барглари саргайган» тоқнинг қорғин туришини кўра талгансиз. Буни худди шу ҳолда, шу шеърда тасвирлангандек кўриш учун шоира бўлмоқ керак. Айёл образи дегани шу бўлса эҳтимол. Она, йўртак, бола...

Карвон мисол йиллар ўтдилар,
Олиб ўтди тарих, инсонни.
Лекин бизга қўйиб нетдилар
Муҳаббатни, зағу инсонни.

Бу ўйланган, ҳис этилган ва меҳнат билан битилган мисралар,
Майли гаждан йироқ бўл,

фақат
Инсонлардан йироқ бўлмагин.

Ёки:
Мен бир дарё кўрдим, лекин у
Бир йўлдан минг бор ўтади
деган мисраларга диққат қилайлик бўлмасин деган инсон ҳис-ҳалқони, юраги бор. Ёнг муҳими сиз, Эйтиборхоннинг шоирлиги бор. Агар шоирлигингиз бўлмаганда, ўзингиз айтгандай:

Агар қуёш бўлмаса,
соя қаёқдан бўлсин,
Агарда тоғ бўлмаса
қоя қаёқдан бўлсин,
Инсон борки, хасрат бор,
Қувонч бор бу юракда,
Бўлмаса, инсон, инсон
Кадрини қаёқдан билсин!

Шоирлик — тоғ. Унинг сояси — шеърлар...

Эйтиборхон! Шеърларингиздан олган таасиротларим мақтов тўлқинлари бўлиб қабул этилмасин. Чунки сизнинг муваффақиятларингиз ҳаммамизники. Акс ҳолда ўз-ўзимизни мақтагудек қунага тушиб қолган бўламиз.

Эҳтиром билан
САЁЕР.

**АГАР
ҚУЁШ
БЎЛМАСА...**

Мабодо йўлда бирор сизни тўхтагани «ЗАГСДАН ҚАЧОН ЎТАМИЗ?» дегудек бўлса, табиийки, уни ё гирт маст, ё ақлдан озган гумон қиласиз; ичингизда қулиб ўтиб кетаверасиз. Аммо бу саволни Турсунали Аҳронов асло ҳазим қилолмайди. Ҳатто ҳазил тариқасида берилган тақдирда ҳам бир сакраб тушади.

Нима бало, бола фақирга бирор қор-қол бўлганим, дерсиз, Йўқ, ҳеч нарса бўлган эмас. Турсуналининг ақли ҳам, ҳуши ҳам жойида. Ҳозир у Ленинград районидagi 50-ўрта мактабда илмий бўлим мудири, яъни саксондан ортқ муаллимга илмий раҳбар. Демокчимизни, ҳалиги саволнинг Турсуналига қишдаги совуқ сувдек таъсир қилишининг бонси батамом бошқа.

Турсунали 1956 йилнинг 30 июлида Чуст районлик Сафийхон Қороқонова билан қонуний турмуш қурган эди. Бунга ТЮ № 4 3883-сонли никоҳ ҳужжати шохид.

Ширин турмуш бошланди. Аммо сал ўтмай, Сафийхон негадир антиқа қилиқ чиқарди. Қошиқни товоққа урди, товоқни — қозонга. Бу ҳам етмагандай, бўлажак фарзандларини кетма-кет аборт қилдириб ташлайверди. Турсунали норозилик билдирди, ялннди-ёльворди. Бунга жавобан Сафийхон ота-онасиникига дам бадам кетиб қолаверди. Ниҳоят, 1962 йилнинг январиде рўзгор ашёларини йиғиштириб биратўла кетиб юборди.

Икки ўртадаги нифоқни бартаф қилиш борасидаги барча уринишлар бу сафар ҳам зое кетди. Сафийхон Турсуналига сиз билан турмайман — вассалом, мазмунида ультиматум топширди.

— Хўл, хоҳламасангиз қаршилиқ йўқ, лекин қонуний йўл билан ажралишайлик бўлмаса, — таклиф қилди Турсунали. — Судга ариза беринг.

Сафийхон «бўпти, ариза бераман» деди-да, зимиёғ бўлиб кетаверди.

Ниҳоят... аризани Турсунали беришга мажбур бўлди. 1962 йилнинг апрелида Бағдод район халқ судига ариза ташлади. Ишни суд мажлисида кўриш учун қабул қилинди ва бу ҳақда бошқарма газетаси «Пахта учун»да эълон ҳам чиқди.

Лекин судья ўртоқ Азимов ҳар бир жиноий ишни айбдор яшаб турган районда кўриш кераклиги ҳақида СССР Адлия халқ комиссарлигининг 1944 йил 27 ноябрда чиқарган кўрсатмасини бошда унутган экан. Орадан бир-мунча вақт ўтгач, бирдан шу кўрсатма эсига тушиб қолди. Ишни 1962 йилнинг 25 декабрида 224-ёзишма билан шошпилиқ Чуст район халқ судига йўлади.

Чуст район халқ суди ўртоқ Асқаров уни икки қўллаб қабул қилиб олди. Бироқ сал ўтмай уни Фарғона область судига учирма қилди. Фарғона суди раисининг ўрибосари ўртоқ Ли 1963 йилнинг 7 мартда 3-147-ёзишма билан ишни яна Чустга қайтарди. Чуст суди эса уни жавоннинг қўл тегмас жойига тизди қўйди.

Турсунали турли идораларга ариза ёзишдан бўшамасди. Идоралардан ҳам хилма-хил ёзишма, ёзишма нусхалари келарверди. Ёзишмабозлик Фарғона водийси доирасидан чиқиб, Тошкент областининг Калинин районигагача етиб борди.

Юқоридаги гапларимизнинг исботи учун, яъни ҳурматли журналхонларнинг маълумотлари учун илова:

1. Фарғона область халқ судининг 1963 йил 8 январда ўтган судлов коллегиясининг Турсуналилар ишнини ким кўриши кераклиги ҳақидаги 3-13 сонли ажрим — бир жылда.

2. Андижон область халқ суди раиси ўрибосари ўртоқ Қодировнинг 1963 йил 27 майда Чуст район халқ судига юборган 1-10-сонли ёзишмаси — бир жылда.

3. Чуст район халқ суди ўртоқ Асқаровнинг Калинин район халқ судига 1963 йилнинг 19 июни ҳамда 27 августда жўнатган 28/д-сонли ёзишмалари — икки жылда.

4. Даёвогарнинг аризалари — беш жылда.

Мазкур ёзишмалар парвози чорак кам бир йил давом этди-ю, бирдан тиниб қолди. Хўллас, Турсунали ариза ёзиб иш чиқаролмади.

Энди нима қилсин? Уйланай деса, паспортда никоҳ ҳақида шалолоқдай штампин бор... Охири қариндош-уруғ ва маҳалла-кўйнинг маслаҳати, ёрдами билан 1963 йилнинг июли ойида қўқонлик Захрохон Аҳмедовага уйланди.

Захрохон бошда ЗАГСдан ўтиш хусусида унчалик ёғини тирамади. Аммо тўйдан сўнг икки ой ўтгач:

— ЗАГСдан қачон ўтамыз?— деб қолди. Турсунали айбдорек қизарди.

— Шу... бирор йилда ҳал бўлиб қолса керак, — деди. — Ишимиз судда турибди-қу...

Бир йил ҳам ўтди. Турсунали яна иш чиқаролмади. Бу орада улар фарзанд кўришди. Захрохон тагин сўради.

— Отаси, ЗАГСдан қачон ўтамыз? Тоҳиржонни олиб қишлоқ Советига борсам, болангиз қонуний эмас, туғилиш гувоҳномаси бермаймиз, дейишди.

Турсунали ҳам шу ҳақда ўйлаиб кит бўлиб юрган эди, баттар бўлибди.

— Юракни қон қилиб юборасиз-да, аммо! — деди. — Ўқлимдан келса бир марта эмас, минг марта ЗАГСдан ўтишга ҳам тайёрман сиз билан...

Захрохон ҳам қишлоқ Советидан жуда тўлиб келган экан, тарс ёрилди:

— Мақсадингиз бошқа сизнинг! — деди қўйини йиғлаб. — Бошқа сизнинг мақсадингиз!

Шу пайт қўшни чол чиқиб қолди.

— Хўш? — деди у эр-хотинга бир-бир қараб. — Яна закска нажвализми?

Турсунали қўйи солинган бошини қимирлатиб «Ҳа» ишорасини қилди. Чол туюқди:

— Ўтанетган ландоурсан. Ахир, хатинг бор, илминг бор, суриштиргин-да, мундоқ! Сафийхон сени хоҳламайман, деб ташлаб кетганидан, унинг уғ йилдан бери ҳали Чустда, ҳали Тўрақўрғонда, ҳали Тошкентда сангиб юрганидан ўша мўътабар судлар ҳам воқиф.

Энди икковингни ҳеч қанақа куч бириктиролмайди. Шундоқ экан, гишт қолиндан кўчган экан, шу иш шундоқ, деб расмийлаштириб, ширингина рўзгорларини гўрбатдан холи қилиб қўйиш наинки плунгни қийин, шунча мушкул бўлса?! Наҳотки, қилиш қирққа ёриб юрган инобатли судлар шу жўнгина ишни беш йилдан бери ҳал қилишолмайди?! Қилади. Фақат ўзинг латтасан, тузукроқ суриштирмагансан!..

— Суриштирмиан, — деди Турсунали ўқини. — Лекин... на чорал...

— Бўлмаган гап. Суриштирганинда бир аумда битказиб беришарди. Ҳар қандай ишни суд беш кун ичнда ё у ёғлик, ё бу ёғлик қилиб ташлайди!

Турсунали алам билан нимадир деди-да, югуриб уйга кириб кетди. У ёзишмалар тўла папкани кўтариб чиққанда, чол аллақачон чиқиб кетган эди. У ўз ҳовлисида ҳануз гўдурларанди.

— Бегамлар, ношудлар... Хотин эрга қаради, эр — ерга...

Шу-шу Захрохон бу борада оғиз очмайди. Бироқ, Турсуналининг таъби ҳали ҳам хира. Ахир, мана, Тоҳиржон тўрт ёшга тўғайти, унинг укаси Авазжоннинг ҳам тили чиқиб қоляпти; яқин орада улар, «ота туғилиш гувоҳномамиз қани, мактабга борамиз», деб қийин-қистоққа олиб қолишса нима дейди Турсунали?! Ҳалиги папкани тутқазадими уларга? Ёки ака-уканинг ўзларини судга йўлайдими? Буниси-ку майли, бординю Захрохон «Мақсадингиз бошқа сизнинг!» деб аразлаб кетиб қолса Турсуналининг холи не кетди? Қўлдан бери Турсуналининг дилини тирнаб, оромини бузган ўйи шу.

Бунинг устига ҳазилкашлар ҳам тек юришмайди. Баязан:—Турсунали ЗАГС дан қачон ўтамыз?—деб қўйишади.

Анвар МУҚИМОВ.

Кўғирчоқ

Кўғирчоқча сўйлар қизалоқ,
Ураб-чирмаб куйлар қизалоқ,
Кўғирчоғим зеринмасин дер,
Йиғламасин, зўричмасин дер.
Ленин ўзи зеринар охир,
Сўйлаб, куйлаб зўричар охир,
Жонга тегса қачон кўғирчоқ,
Улоқтирар уни қизалоқ,
Кераммас-да бундай индамас,
Кўғирчоғи — чақалоқ эмас.



Холам эри ўлгандан кейин учта боласи билан қолди. Болалари катта бўлишиб, бири доктор, бири агроном бўлди. Қизи Ленинградга ўқишга кетди. Кампир ёлғиз қолиб, эртадан кечгача ҳолида бир ўзи қора қумғонини қайнатиб, чой дамлагани-дамлагани. Қўшни хотинларини чақириб турунг айсайи. Болаларидан келган пулларга харид қилиб, доим меҳмон кутади. Маҳалла кампирларининг оёғи холамнинг уйдан узилмайди. Холам дастурхон ёзади, қумғон жигиллаб чойни етказиб бераверади.

Яқинда уй-зой бошқармасидагилар келишиб холамни янги уйга кўчиришди. Кучиш ҳам шундай тез бўлдики, кампир майда-чуйдаларини зўрга йиғиштириб олди.

Ана уй-ю, мана уй! Газ, ошхона, ётоқхона, ҳаммом — ҳамма нарса тахт.

Холам ўз буюмларини кўздан кечириб янги уйни жиҳозлашга киришди. Ана қолди! Қумғон йўқ! Қадрдон қора қумғон қани?

— Газ бўлса ўз йўлига, қумғонин керак. Раҳматлик чолим билан бирга кишин-ёзин жигиллатиб қайнатган ўша қумғонин керак.

Унинг кўзига ҳеч нарса кўринмади. Автобусга тушиб ёски ҳовлисига келди. Ҳамма ёқин титиб кўрди, қумғон йўқ. Қаерда қолди қадрдон қумғон? Холам ортинча хафа бўлиб кетди. Наҳотки қумғон топилмаса?

Ҳар сафар газин ёлириб қайнатганида, хаёлига яна ўша қумғон келади. Юраги қумғон қайнагандек шигиллаб кетади. Холам яқинда бозор қилиб келая деб автобус оёқларига чиқди. Эндигина жўнаб кетаётган машинага чиққан аёлининг бошида холамнинг қумғони турар эди: Холам югурди. Автобус кетди. Улгуролмади. Вечора қолам чапан чалганча бақириб юборди.

Шу ерда турган милиционер холамнинг ёнига келди:

— Ҳа, кампир, нима гап, тинчликми?

— Вой, болам, йўқолган қумғоним топилди. Ўғри мана шу автобусда кетди.

Милиционер кампирни мотоциклга ўтказиб автобус кетидан пайбатдаги оёқларига қўйиб кетди.

Қолам машинадан ташаётган одамларга ҳам қарамай, ичкарига кириб, бошига қумғон қўйиб келаятган аёлга ташланди. У дод деб юборди. Туполон бошланиб кетди. Вир нарса тарақ этиб ерга тушди.

Холамнинг қўлида бир сиқим похол, хижолатда қолди. Унинг хираллашиб қолган кўзига қумғон бўлиб кўринган нарса сатаг аёлининг консерва банкасига похол тўлдириб қилган причёкеси экан.

АДҲАМ ҲАМДАМ.

Ажаб лавҳалар

Шийага ёпиштирилган қоғоз лавҳаларда «Ўзбекистон вивоси» деганда «Ўзбекистон тарзида ёзилганга гашичиз келса ҳам, «Ҳа, майли, бу одат бўлиб қолган нарса-ку» деб қўя қоласиз. Лекин «ҳажм» сўзини ёзишда зўр ижодкорлик қилиб юборганликларини кўриб ҳайратда қолмай иложингиз йўқ. «Буваки» вивосининг лавҳасида бу сўз «ҳ» билан эмас, «х» билан ва «ҳаж» бўғини апостроф билан ажратиб «ҳажми» тарзида ёзилган.

Энди мана бу суратга қаранг. «Оқтош» сўзи «Оқ-тош» тарзида ажратиб ёзилибди. Бу ҳам майли. Вивосинг «ҳажми» (ҳажми) «16» (дарража), «қувати» (қувати) 0,5 л (литр) эмши.

Афтидан, барака топкур вивосинлар ҳар хил виволарни татий берганликларидан уларнинг кўзаларига ҳажм ҳам дарража бўлиб кўришиб кетганга ўхшайди.

ҲАШАР

ҲАНВИЯ

Оёқ югурини ошта, тил югурини бошга, деган эканлар азизлар... Юз фоиз тўри гап. Бу сункиш тил улгур қўйиб берилса эгасини пе-не балоларга гирифтор қилмайди дент... Майли, бўлар иш бўлди, кейинги пушмон — ўзингга душман, дейдилар, беланги бўлишга бўлдим, энди унинг чорасини қилай. Раҳматлик катта буюм белангига қиздирилган кепак даво, дердилар. Шунг бир қилиб кўрасан... Вир халтагина непанин шундоққина духовида қиздириб белангига боссақ оғригини лўқ-лўқ сўриб оларимиз... Вой-ей, кошқинида... И-е, непанин қаердан топдинг?... Ву ўртада тегирмон-пегирмон бўлмаса, бозорда сотмаса... Ҳах, вой-ей, ўша кўни бозорда хўжайини кўрмаганимда эди, белангига бўлмасдик, кепак ҳам изламасдик... Хўп, хўжайини мардикор бозорининг олдига кўришга кўрдинг, индамай ўтиб кетавермайсанми? Югуриб бориб сўрашинга бало бормиди? Хўп, расми одам, сўрашингга сўрашининг, бола-чақанин аҳволин сўраб кетавермайсанми? «Ҳа, хўжайин, бу ерларга қандай шамол учирди?» деб сурштирини ким қўлибди сенга? Нима, у билан оқтобда

қатиқ ялашганимдинг, ё қариндош-уруғингиди? У бир идоранин бошгани бўлса, сен бори-ўғи киравершида устара қайраб ўтирадиган сартарош бўлсанг... Нима, нани бунчалиб сўрашиб атрофида парвона бўлганин билан, сени ўзинга ўрибосар қилиб оларимди, ё бўлмаса катта омборнинг калитин сенга қўш қўллаб тўтизиб қўяримди, хом калла? «Ҳашар-ташар борга ўхшайди-а, хўжайин? — Ҳа, ҳовлида жиндак қурилишчамиз бор эди, шунга — бир-иккита одам...» — «Э, одамни нима қиласиз, мана биз бормиз-ку, хўжайин!» («Ул хўжайин, дард хўжайин...») Вўқ, у кишида айб йўқ; тупунадилар, жуссамга бошдан-оёқ разм солиб қичиб кулимсирадлар: «Раҳмат, Анбархўжа ана, сиз овора бўлманг, ўзимиз...» Аммо сен шер бўлиб кетдинг-а, шер; «—Э, овораси борми, ана, иш деганиччи, вой, лонини берворамиз-а, додини...» — деб кўрақринган

кердинг, — хижолат бўлмасинлар, уч-тўрт кундан бери отпускала-миз, куч йиғиб юрибмиз», — деб мақтандинг. У киши ҳам иккила-иш турлино, сўнг: «—Майли бўлмаса, раҳмат, бу яхшиликгингни унутмаймиз», — деди. Адресини олдинг. Эртасига уйдаги майда-чуйда ишингни ҳам ташлаб, «Ҳа, қаёққа?» — деган хотинингга гўё тўйга кетаётгандай: «Хўжайинингга ҳашарга!» деб, ишинги тарақлатиб ёлдинг, тонг саҳарда у кишининг эшигини тақиллатдинг. Қутиб олди, «чой-пой» деганига қарамасдан, «қани ишни кўрсатинг», — деб туриб олдинг. Иш ҳам унчалик кўп эмас экан; ҳовлининг бурчагига битта ўра қазинч, ёски деворини бузиш, уч мингтача ёғиш-ни ёғири тегмасин, деб ичкари айвонга ташиб қўйиш... Вир қўнса хўнса ўлмас, ички кунга эгаси бермас, деганларидай, хўжайиннинг ландавор ўғли билан бирам ишлабимиз... Ўзлари бўлсалар,



пизжамеда, қоринларини қашлаб, ҳар замонда чой тутиб, тегмазда турмайди. Майли, иш одамни ўлдирмайди-а, ҳамма ишни ўша тўнча бузили, тўнча. Ҳовлининг бир бурчагига юмалаб ётавермайдини, ўша кўриб кеттур... Худоб тавба, биронинг тўнкаси билан ишинг нима, а?... Йўқ, албатта мен шўнгаям аралашувим шарт: «Хўжайин, шу тўнча бир оз бекороқ турибдими, — хув нарити бурчанка юмалатиб қўйсанми?» (Ҳа, тилгининг кесилмайдини-а?... Йўқ, у кишида айб йўқ; «Қўя беринг, тураверсин», — дедилар. Аммо ўша тўнчага ёпишидинг, қолдинг: «Жуда ҳовлини хуноқ қилиб турибди-а, деб қўя қолайин», — деб туриб олдинг. Хўжайин бош қаёқлариди: «Оғир-дилов», Йўқ, сен айтганингда қолмадинг. Сиқонинг ажали ётса мушук билан ўйнашди... «Оғир бўлиб қаёққа борарди, биз бир-пасда...» деб тўнчага ёпишидинг. Хўп, жин уриб, ёпишишга ёпишилинг-а, ҳеч бўлмаса юмалатмайсанми уни? Қайси калган билан уни орангга олишни ўйладинг-а? Нима, у сенинг ачагингиди, уни тўнча дейдилар... Орқага олишга олдинг-у, хўжайиннинг ранги ўчиб кетди: «Ҳай-ҳай, қўйинг, майли бўлиб қолманг!» — дедилар, «Бе» деб, чираниб ички калам босувдинг ҳамки, белнингнинг аллақери «қире» этиб кетди, тўнчани ташлашга ҳам қилиб бўлмай қолди-ку, ўла! Хўжайин билан хотини ҳай-ҳайлаб келишиб, устингиди тўнчани бир амаллаб ерга олиб қўйишгандаку, чаллак бўлиб не-тардинг-а, чаллак... Вир ўлмидан қолдинг-да аммо, барига ўзинг сабабчи, ўзинг... Вой белим, вой белим-ей... Кепанин қаердан топса бўларкан-а?...

(Эшикнинг кўнгириги жириглайди. Вир оддан сўнг хотини кирди):

— Ҳа, ким экан?... Во-ей, вой белимей...

Хотини:
— Қўшинииз Абдусамад ака, сизни ҳашарга айтиб келибдилар... «А, ҳа... шар...»

Х. МУХТОР.

Забур материал — нафис асбоблар, сандон йўқ эди. Танқидда бор бўлган нарсалар бўлиши керак эди.

Тоza нисдан сандон учун лентача қирқиб олдим. У оддий сочдан ўн марта нозик эди. Милхари ундан ҳам нозик — 6 мирон...

Николай ҳозир Киевдаги сунъий олмаос егиштирадиган ўта қаттиқ қотишмалар институтида инженер бўлиб ишламоқда.

Бу одам мўъжизасининг сирини нимада? Албатта ўз ишига мухаббат қўйганлигидан, истеъдоддан. Лекин Николайдаги чидам ва кунт қаёқдан келди?

1945 йил. Ўз тенгқурлари сингари Коля Сядристей ҳам уруш-уруш ўйнар эди. Бироқ узича — багритошлик билан, худди қатталардай ўйнар эди.

Унинг портфелида китоблар билан бирга пичоқ, отвертка, игна ва неросинли ишича солинган кутича бўлар эди. Одамлар минани бехосда босиб олганларида чишлонда гоҳ-гоҳ портлаш эшитилар эди. Кўчада ярадорларни кўрганда Колянинг мушлари қисилар эди. Колянинг ҳеч ким билмайдиган ўз сирини бор эди. Тўқиз яшар Коля миналар, бомбалар, гранаталар, снарядларни зарарсизлантирар эди. У буларни қишлоқ чеккасидан, ер ости омборларидан топар эди. Йигитча уларни эҳтиётлик билан олар ва латтага ўраб ҳеч ким йўқ ҳолида олиб борар эди. Ҳеч кимнинг ёрдами-сиз бир ўзи ишларди.

Далага чиқиб диққат билан кўролни ўргана ва ичидан портловчи моддани олар эди. Бу энг масъулиятли иш эди. Бир қўлида портловчи, бир қўлида игна. Игна учи оҳиста ва секин юпқа бўёқни кўчира бошлайди, қалтироқ симоб яланғочлана бошлайди. Агар игна учи симобга тегиб қетса, муҳқис вояча рўй беришини бола биларди. Бўёғи олинган қалтироқ симобга неросин нўйилса зарарсизланади. Юзлаб мина, снаряд, бомба ва патронларни шундай қилиб зарарсизлантирди.

Шикастланган қўли Колянинг сирини одамларга ошкор қилди.

Мақтаб дирентери Коля билан жиддий гаплашди. Лекин барибир у хавфли ишчи ташламади.

Шундай қилиб Коля болалигидан ўзида со-

вуқнонлик ва чидалилини тарбиялади. Ушандаёқ у бармоқларини аниқ мўлжал билан ишлашга ўргатди.

У шолига расм солган япон усталарини ҳам орқада қолдириб кетди. Ўз ишида кўнори уруғидан фойдаланди. Уруғ кутича шаклида ишланб, бир томонига — балалайича В. Андреевнинг портрети, иккинчи томонига балалайна ўрнатилган. Музика асбоби қирқ хил ёғоч деталидан ясалган. Ҳақиқий балалайкадек ичи бўш.

портретини кўрдим. Ёзуви ёқаси очиб оқ кўйлақда, ҳаётин билган донишманд қиёфасида тасвирланган.

Устахонада пластмассадан қилинган қатор филофларга кўзим тушарди.

Биттасини олиб, оқуларга қарайман. Электромотор, Тугмачани босаман, мотор ишлай бошлайди. Дискининг айланганини аниқ кўраман. Анабо.

— Бу дунёда энг кичкина мотор. У кўнори уруғидан ўн марта кички.

— Кўп ишлаш оладими?

— Минг йилларча. Моторнинг оғирлиги йўқ. Унинг таянчи ҳам йўқ. Бу чанг зарраси...

— Қуватичи?

— Ҳар қанақа ҳашарот тўхтатиши мумкин.

Сядристейнинг дунёси — бутун бир санъат.

У ўз ижоди ҳақида иштиёқ билан гапирарди:

— Оддий кўз билан кўриб бўладиган ҳар қандай нарса мен учун нафис бўла олмайдди. Гурунч уруғи қўпол материал; уни кўрганда олдингда нима ётганини биласан. Кўнори уруғи эса нафис.

Мамлакатнинг турли жойларидан Николай Сядристейга хат ва телеграммалар келиб турарди. Ҳамма хатларда мирнодўнинг сирини очиб беришни илтимос қиладиган. Хатлар уюмига жавоб ёзиб улгуролмайдди, шунинг учун уларга жавоб тариқасида китоб ёзади. Бу китобда янги ихтиролари ҳақида — қандай қилиб соч толасини пармалаб, ичига атиргул ўрнатганини, нота белгилари қалинлиги атиги уч микрок келадиган «Огинский» музикалик композициясини қандай яратганини қишлоқ қиларди. Китобда яна, италян устаси Страриариус скрипниси нусхасидан олинган ва минг марта кичрайтирилган скрипкани қандай қилиб ясаганини, олтин кулф ҳақида, агар гугурт башчаси бўш бўлса унга... йигирма минг шундай кулфлар жойланишини, кўнори уруғига эса — тўрт юзтаси сиринини айтиди. Қўлфнинг қалтири бор.

Устахонадан чиқар эканман, эшикка етганда оркамга бир қарадим. Мўъжизакор уста бошини микроскопга эгганча ишлашда давом этарди.

В. ШКОЛЬНИЙ

БУРГАНИ ТАҚАЛАГА ЙИГИТ

Балалайканинг оғирлиги йўқ. У соч толасидан ҳам нозик. Николай тор учун материал топа олмади, оддий соч эса, балалайка ёнида гўллага ўхшаб кўринади. Торни ўзи пластмассадан ясади.

Н. Сядристейда бутун бир бадий портретлар галереяси бор. Уруғларнинг бирида Хемингуэй

ЮЗ КАТАКЛИ ШАШКА


Мамлакатимизда юз катакли шашка ўйини тобора оммалашмоқда. Спортнинг бу тури бизда яқиндагина расм бўлганига қарамай (биринчи СССР чемпионати 1954 йилда ўтказилган эди), совет шашкачилари дунё миқёсида яхши муваффақият қозониб келмоқдалар. 1958 йил апрель ойида СССР чемпиони—киевлик инженер И. Куперман канадалик М. Делорье билан 26 кун курашиб, ғолиб чиқди.

Юз катакли шашканинг етказилиши нимада? Унинг оддий рус шашкасидан қандай тафовути бор?

Авало, бу шашка тахтасида 64 ўрнига 100 катакча бўлиб, улардан 50 таси қора—яъни ўйин катакларидир. Сўнгра, ўйинчиларнинг ҳар бирида 12 та ўрнига 20 тадан шашка донаси бўлади. Докаларнинг қўлиги ва тахта сатҳининг катталиги ўйиннинг анча қизиқарли ва мазмунли ўтишига сабаб бўлади. Ўйин қондаларида ҳам фарқ бор. Бунини мисолларда қиришимиз мумкин. Қўйидаги диаграммада оқлар иккита фарқ қилувчи қондалдан фойдаланиб юриши бошлайдилар:

1. 27—21; 16—27; 2. 37—32; 26—39; 32—43 ва ютадилар. Нима учун?


Оқларнинг иккинчи юриши-



дан сўнг қораларга тўрт томонда доналарни уриб олинадиган илкомнинг очилади. Аммо фақат битта йўналишдагина — энг кўп шашка бор томондагини уриши мумкин. Биринчи тафовут шундан иборат. Бундан ташқари, дамкага чиқадиган майдонга борса ҳам шашка оддий шашкаликча қолиб, жангни давом эттиравелади. Ниҳоят унчинчи тафовут: мабодо 43-ўрнида турган шашка 39-катакка ўтган тақдирда қоралар икки шашкани уриб олиб, 48-ўрнига келган, жангнинг фақат навбатдаги юришидагина давом эттира олар эдилар.

Бир позицияни мисол келтирамиз, унда оқлар учала тафовутдан фойдаланиб ютадиган комбинацияни бажарадилар.

1. 47—42; 36—38 (кўпроқ уриб олиш шарт, сўнг қора шашка дамжа майдонига ўтди, оддий шашка бўлиб қолаверарди) 2. 39—33; 11—22. 3. 33—13; 18—9; 4. 48—43! 38—48 (учинчи тафовут); 5. 21—17! 49—21 (кўпроқ дона уриб олиш шарт); 6. 26—10; 15—4; 7. 25—3 натижада ютуқ.



Е. ЧЕРНАССКИЙ, спорт устаси, Ўзбекистон шашка федерациясининг масъул котиби.

Бош муҳаррир: ИБРОҲИМ РАҲИМ. Таҳрир ҳайъати: ИКРОМ АКБАРОВ, ЙУЛДОШ ШАМШАРОВ, МИРТЕМИР, ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ, РАҲИМ АҲМЕДОВ, РУСТАМ РАҲМОН (масъул котиб) САЙЕР, СИРОЖИДДИН КАМОЛИДДИНОВ, ҲАМИД НУРИЙ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи М. ЕФИМОВА.

Адресими: Тошкент 47, Карл Маркс кўчаси, 30-уй.

«Гулистон» телефонлари. Бош муҳаррир — В 33520. Бош муҳаррир ўринбосари — В 33590. Масъул котиб — В 33659. Иجتимоий-сиёсий бўлим — В 33602. Адабий-бадиий бўлим — В 33519. Қабулхона — В 33520.

Теришга топширилди 22/XI-67. Босишга имозат берилди 19/II-68 й. Қоғози 70×108/16. Ҳажми 5,5 босма тебоқ. Р 06006. Бююртма 5303. Нусхаси 160.000. Баҳоси 30 т.


Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётнинг босмахонаси. Тошкент шаҳри.



Қадим минора бу,
 Боболар ёдин
 Учирмай, ўзидек тутади юксан.
 Асрдан-асрга ташлайди одим.
 Бухоро!
 Тарихден буюксан!



Хива осмонига туташиб,
 Кўхна бино турар қаддини тутиб.
 Йилмас, асрлар-ла ўлчанар ёши,
 Яшарар асрдан асрга ўтиб.



Сомоний қасри бу,
 Қадим ёдгорлик.
 Қадим-қадимлардан ноёб хотира.
 Нилий эсион каби хуш бөгуборлик.
 Кўгудек мусаффо,
 зилол, боқира.

ЯНВАРЬ

| | |
|----------|---------------|
| Душанба | 1 8 15 22 29 |
| Сешанба | 2 9 16 23 30 |
| Чоршанба | 3 10 17 24 31 |
| Пайшанба | 4 11 18 25 |
| Жума | 5 12 19 26 |
| Шанба | 6 13 20 27 |
| Якшанба | 7 14 21 28 |



ФЕВРАЛЬ

| | |
|----------|--------------|
| Душанба | 5 12 19 26 |
| Сешанба | 6 13 20 27 |
| Чоршанба | 7 14 21 28 |
| Пайшанба | 1 8 15 22 29 |
| Жума | 2 9 16 23 |
| Шанба | 3 10 17 24 |
| Якшанба | 4 11 18 25 |

МАРТ


| | |
|----------|---------------|
| Душанба | 4 11 18 25 |
| Сешанба | 5 12 19 26 |
| Чоршанба | 6 13 20 27 |
| Пайшанба | 7 14 21 28 |
| Жума | 1 8 15 22 29 |
| Шанба | 2 9 16 23 30 |
| Якшанба | 3 10 17 24 31 |

АПРЕЛЬ

| | |
|----------|--------------|
| Душанба | 1 8 15 22 29 |
| Сешанба | 2 9 16 23 30 |
| Чоршанба | 3 10 17 24 |
| Пайшанба | 4 11 18 25 |
| Жума | 5 12 19 26 |
| Шанба | 6 13 20 27 |
| Якшанба | 7 14 21 28 |

МАЙ

| | |
|----------|---------------|
| Душанба | 6 13 20 27 |
| Сешанба | 7 14 21 28 |
| Чоршанба | 1 8 15 22 29 |
| Пайшанба | 2 9 16 23 30 |
| Жума | 3 10 17 24 31 |
| Шанба | 4 11 18 25 |
| Якшанба | 5 12 19 26 |



ИЮНЬ

| | |
|----------|--------------|
| Душанба | 3 10 17 24 |
| Сешанба | 4 11 18 25 |
| Чоршанба | 5 12 19 26 |
| Пайшанба | 6 13 20 27 |
| Жума | 7 14 21 28 |
| Шанба | 1 8 15 22 29 |
| Якшанба | 2 9 16 23 30 |



ИЮЛЬ

| | |
|----------|---------------|
| Душанба | 1 8 15 22 29 |
| Сешанба | 2 9 16 23 30 |
| Чоршанба | 3 10 17 24 31 |
| Пайшанба | 4 11 18 25 |
| Жума | 5 12 19 26 |
| Шанба | 6 13 20 27 |
| Якшанба | 7 14 21 28 |

АВГУСТ

| | |
|----------|---------------|
| Душанба | 5 12 19 26 |
| Сешанба | 6 13 20 27 |
| Чоршанба | 7 14 21 28 |
| Пайшанба | 1 8 15 22 29 |
| Жума | 2 9 16 23 30 |
| Шанба | 3 10 17 24 31 |
| Якшанба | 4 11 18 25 |

СЕНТЯБРЬ

| | |
|----------|--------------|
| Душанба | 2 9 16 23 30 |
| Сешанба | 3 10 17 24 |
| Чоршанба | 4 11 18 25 |
| Пайшанба | 5 12 19 26 |
| Жума | 6 13 20 27 |
| Шанба | 7 14 21 28 |
| Якшанба | 1 8 15 22 29 |

ОКТАБРЬ

| | |
|----------|---------------|
| Душанба | 7 14 21 28 |
| Сешанба | 1 8 15 22 29 |
| Чоршанба | 2 9 16 23 30 |
| Пайшанба | 3 10 17 24 31 |
| Жума | 4 11 18 25 |
| Шанба | 5 12 19 26 |
| Якшанба | 6 13 20 27 |

НОЯБРЬ

| | |
|----------|--------------|
| Душанба | 4 11 18 25 |
| Сешанба | 5 12 19 26 |
| Чоршанба | 6 13 20 27 |
| Пайшанба | 7 14 21 28 |
| Жума | 1 8 15 22 29 |
| Шанба | 2 9 16 23 30 |
| Якшанба | 3 10 17 24 |



ДЕКАБРЬ

| | |
|----------|---------------|
| Душанба | 2 9 16 23 30 |
| Сешанба | 3 10 17 24 31 |
| Чоршанба | 4 11 18 25 |
| Пайшанба | 5 12 19 26 |
| Жума | 6 13 20 27 |
| Шанба | 7 14 21 28 |
| Якшанба | 1 8 15 22 29 |

